

ВЕСТНИК
Высших учебных курсов
Генеральной прокуратуры



BULLETIN
of the High training courses
of the General prosecutor's office

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари

АХБОРОТНОМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги
201/3-сонли қарори билан илмий журналлар рўйхатига киритилган

ISSN 2181-5011



www.vuk.uz

№4 (20)
2014



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари АХБОРОТНОМАСИ

ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари

Таҳрир кенгаши:

Рашитжон Қодиров
Ниғматилла Йўлдошев
Нуриддинжон Исмоилов
Светлана Ортиқова
Зоҳид Дўсанов
Ҳақимбой Халимов
Шўхрат Узаков
Шўхрат Мустафоев

Бош муҳаррир:

Бахтиёр Пўлатов

Масъул котиб:

Ғофуржон Алимов

Таҳрир ҳайъати:

Мўхтор Зоиров
Музаффар Мамасиддиқов
Бобоқул Тошев
Матлуба Аминжанова
Фаҳри Раҳимов
Фурқат Шодманов
Марат Палванов

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2010 йил 7 январда 0580 сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинган.

2010 йил январь ойидан чиқа бошлаган.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг илмий даража талабгорлари чоп этиши лозим бўлган журналлар рўйхатига киритилган.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Журналда чоп этилган материаллардан фойдаланилганда «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»дан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятини олмаган.

Манзил:

100047, Тошкент шаҳри,
Тараққиёт кўчаси 59-уй

Саҳифаловчи:

Сарварбек Бобожонов

web-site: www.vuk.uz

e-mail: axborotnoma@vuk.uz

Бюртма №

Адади: 1000

Журнал «Мир полиграфии»

МЧЖ ҚК босмахонасида

чоп этилди.

Манзил: Тошкент шаҳри,

Авлиё ота кўчаси 7-уй.

МУНДАРИЖА

**С.АРТИКОВА,
Р.МИРЗАЕВ**

Избирательное законодательство
Узбекистана и международные стандарты
проведения демократических выборов

1

А.ҒАФУРОВ

Сайлов қонунчилигини бузганлик учун
жавобгарлик масалалари

5

М.АМИНЖАНОВА

Сугурта муносабатларининг тадбиркорлик
фаолиятида тутган ўрни

10

Ф.БАКАЕВА

Совершенствование правовых основ борьбы с
насилием в отношении женщин: национальный
и зарубежный опыт

13

У.ТУХТАШЕВА

Роль апелляционного производства в
обеспечении эффективности судебной
деятельности в уголовном процессе

18

М.РАҲИМОВА

Давлатлар ҳамкорлигида регионализм
омиллари

22

Х.КАРИМОВ

Шахс ҳуқуқлари дахлсизлигининг
конституциявий кафолатлари

25

М.АХМЕДШАЕВА

Давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида
“бир-бирини тийиб, мувозанатда ушлаб
туриш” тизимининг ривожланиши

27

М.МУСАЕВ

Маҳкумлар ҳуқуқларига оид халқаро-ҳуқуқий
ҳужжатларнинг аҳамияти ва уларни қўллаш
қоидалари

30

Д.КАРИМОВА

Уголовно-процессуальные аспекты
взаимодействия следователя с органами
дознания на стадии предварительного
следствия

34

М.МИРХАМИДОВА

Развитие международно-правовых отношений
Республики Узбекистан и Королевства
Саудовской Аравии

38

У.ТУРГУНОВ

Жинойат ишини қўзғатиш босқичида
қонунийликни таъминлаш хусусиятлари

41

Н.ХАЙРИЕВ

Жинойат процессида замонавий ахборот-
коммуникация технологияларини қўллаш —
жинойат ишлари юритувини
интенсификациялашнинг муҳим йўналиши

45

В.АХМЕДОВА

Международно-правовое сотрудничество
стран СНГ в борьбе с незаконным оборотом
культурных ценностей

48

Л.АЧИЛОВА

Проблемы правового регулирования
гостиничных услуг

52

Т.БОТИРОВ

Судланганлик жиноят ҳуқуқининг муҳим
институтларидан бири сифатида

54

СУД АМАЛИЁТИ

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

56

73

75

Светлана АРТИКОВА,
заместитель председателя Центральной избирательной
комиссии Республики Узбекистан

Рустам МИРЗАЕВ,
референт Центральной избирательной комиссии Республики Узбекистан,
преподаватель Ташкентского государственного юридического университета

ИЗБИРАТЕЛЬНОЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО УЗБЕКИСТАНА И МЕЖДУНАРОДНЫЕ СТАНДАРТЫ ПРОВЕДЕНИЯ ДЕМОКРАТИЧЕСКИХ ВЫБОРОВ

◆ Мақолада Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилиги, шунингдек, демократик сайловлар ўтказишга оид халқаро стандартлар ёритилган.

◆ В статье раскрывается избирательное законодательство Республики Узбекистан, а также международные стандарты по проведению демократических выборов.

◆ The article deals with the electoral legislation of the Republic of Uzbekistan, as well as international standards for democratic elections.

Таянч сўзлар: сайлов қонунчилиги, халқаро стандартлар, демократик сайловлар.

Ключевые слова: избирательное законодательство, международные стандарты, демократические выборы.

Key words: electoral laws, international standards for democratic elections.

Выборный путь формирования важнейших органов государственной власти является наиболее ярким показателем демократичности существующего в стране конституционного строя.

Международный пакт о гражданских и политических правах и Европейская Конвенция о защите прав человека накладывают ряд правовых обязательств на ратифицировавшие их государства. На основе фундаментальных прав свобод человека ООН сформулированы важнейшие принципы избирательного права:

— право гражданина избирать и быть избранным в органы государственной власти, органы местного самоуправления, в иные органы народного (национального) представительства, а также гарантии реализации избирательных прав и свобод участников избирательного процесса;

— принципы периодичности и обязательности, справедливости, подлинности и свободы выборов на основе всеобщего равного избирательного права при тайном голосовании, обеспечивающие свободу волеизъявления избирателей;

— открытый и гласный характер выборов;
— проведение выборов независимыми избирательными комиссиями;

— государственное финансирование выборов и избирательной кампании кандидатов, политических партий;

— государственная информационная поддержка выборов и агитационной деятельности;

— участие в выборах национальных и международных наблюдателей;

— осуществление судебной и иной защиты избирательных прав и свобод человека и гражданина;

— меры, которые не должны считаться дискриминационными.

В совокупности все эти принципы составляют международные избирательные стандарты.

В этой связи, в Узбекистане особое внимание уделяется главному требованию демократии — свободному волеизъявлению людей, свободным выборам. Избирательное законодательство Узбекистана прошло последовательный, эволюционный

путь формирования и развития. В результате либерализации и модернизации всей сферы общественной жизни создана избирательная система, отвечающая самым высоким демократическим требованиям. Сформирована эффективная, соответствующая общепризнанным международным нормам и принципам, нормативно-правовая база выборов.

Огромную роль в становлении и развитии демократической избирательной системы стало принятие 8 декабря 1992 г. Конституции Республики Узбекистан, которая в отдельной главе закрепила демократические начала избирательной системы: всеобщее, равное и прямое избирательное право при тайном голосовании.

В ней зафиксированы основополагающие права и свободы человека, принципы народовластия, выборности представительных органов власти всех уровней, построения демократической правовой государственности, обеспечения политического и общественного плюрализма, приоритет прав человека, общепризнанные нормы международного права.

В частности, Узбекистаном обеспечиваются права:

- право личности вступать или вместе с другими создавать политическую партию для того, чтобы состязаться на выборах;
- право выражать политические мнения без какого-либо вмешательства за исключением случаев вмешательства, предусмотренных международным правом;
- право вести поиск, получать и передавать информацию и делать осознанный выбор;
- право свободно перемещаться в пределах страны для участия в избирательной кампании;
- право участвовать в избирательной кампании на равной основе с другими политическими партиями, включая партию, представляющую существующее правительство;
- право иметь доступ к средствам массовой информации, особенно к электронным СМИ, с целью выражения своих политических взглядов;
- право кандидатов, политических партий и членов партий на охрану жизни и имущества.

Это в свою очередь отвечает принятым обязательствам государства в рамках Международной конвенции о ликвидации всех форм расовой дискриминации (ст.2), Декларации ООН о правах лиц, принадлежащих к национальным или этническим, религиозным и языковым меньшинствам (ст.2), Рамочной конвенции Совета Европы о защите национальных меньшинств (ст.15), Московского документа ОБСЕ по человеческому измерению, Документов Бюро по демократическим институтам и правам человека, Рекомендации по анализу законодательной базы выборов (Варшава, январь 2001 г.) и многих других документов.

В целом Конституция Республики Узбекистан вобрала в себя принципиальные положения Всеобщей декларации прав человека и других основополагающих международных документов, она закрепила приоритет прав, интересов и свобод человека над государственными интересами, определила своей основной сутью создание достойных условий жизни для людей, провозгласила принципы социальной справедливости.

Основной закон создал правовую базу для формирования и развития многообразных институтов гражданского общества, многопартийной системы, включая обеспечение свободной деятельности политических партий, утвердила основные принципы и механизмы избирательной системы, закрепила гарантии свободы выбора и волеизъявления людей, права каждого избирать и быть избранным в представительные органы власти, участия граждан в управлении делами государства и общества.

Одновременно созданы основы избирательного законодательства и нормативно-правовые гарантии избирательных прав и свобод граждан. Так приняты Законы "О выборах в Олий Мажлис Республики Узбекистан" (декабрь 1993 года), "О выборах в областные, районные и городские Кенгаши народных депутатов" (май 1994 года), "О гарантиях избирательных прав граждан" (май 1994 года) и др. Настоящие законы прошли успешное испытание временем и показали свою дееспособность, а также эффективность в ходе выборов различного уровня.

В рамках Концепции дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране в выборное законодательство был внесен ряд изменений и дополнений, направленных на более полное осуществление принципа свободы выбора, дальнейшую демократизацию избирательной системы страны.

С учетом опыта проведения демократических выборов и изменений в избирательное законодательство осуществлялась планомерная работа по совершенствованию избирательного законодательства, основными направлениями которой явились:

Создание единой, независимой системы избирательных комиссий снизу доверху — от участковых до Центральной избирательной комиссии. В процессе совершенствования избирательного законодательства, также правовым образом определено место и роль самостоятельного конституционного органа — Центральной избирательной комиссии — в системе государственных органов Республики Узбекистан.

В данном случае в национальное законодательство имплементированы положения ряда международных документов и непосредственно Документа ООН "О повышении эффективности прин-

ципа проведения периодических и подлинных выборов" (1991г.).

Обеспечение стабильности политического развития любой страны связано напрямую с формированием и развитием многопартийной системы в соответствии с международными стандартами.

Правовые нормы, закрепляющие расширенное участие политических партий в формировании высших государственных должностных постов и представительных органов власти самым существенным образом повлияли на динамику развития гражданского общества в Узбекистане и повысили гражданскую активность населения, наполнив тем самым процесс выборов чувством здорового плюрализма.

Это в свою очередь отвечало принятым обязательствам государства в рамках "Документа Копенгагенского совещания по человеческому измерению СБСЕ" (1990 г.) "Международных стандартов и обязательств в отношении права на демократические выборы: практическое руководство по наилучшей практике демократических выборов" (Варшава, 2002 г.).

Обеспечение открытости, гласности и прозрачности выборов. Одним из ключевых вопросов избирательного процесса с точки зрения его открытости является, как известно, возможность наблюдения за выборами.

С учетом международного опыта и собственной практики, в Законе "О выборах в Олий Мажлис Республики Узбекистан" (статья 6) было установлено "участие наблюдателей от политических партий, представительных органов власти, представителей средств массовой информации, а также наблюдателей от других государств, международных организаций и движений на всех стадиях избирательного процесса, начиная от выдвижения и регистрации кандидатов, и заканчивая финальными процедурами голосования, подсчета голосов и объявления итогов выборов". Усовершенствованы правовые механизмы обеспечения прозрачности в ходе выборов.

Внесены изменения в избирательное законодательство в целях укрепления принципов открытости и прозрачности выборов депутатов Законодательной палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан от Экологического движения Узбекистана. Так, наблюдателям предоставлено право присутствовать на Конференции Экологического движения Узбекистана по выборам депутатов Законодательной палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан.

Помимо этого, статья содержит нормы, определяющие права и обязанности наблюдателей, которые сводятся к требованиям добросовестно и объективно наблюдать за действиями членов участковой избирательной комиссии, воздерживаться от вмешательства в их работу, не оказывать

препятствий волеизъявлению избирателей и некоторые другие положения согласно "Существующих обязательств по проведению демократических выборах в государствах — участниках ОБСЕ" (Варшава, 2003 г.) и Рекомендаций Бюро по демократическим институтам и правам человека по наблюдениям за выборами (Варшава, 1999 г.).

Обеспечение гарантии равенства прав всех кандидатов в депутаты. Избирательное законодательство Узбекистана дополнено правовой нормой, запрещающей проведение агитации, сопровождаемой предоставлением избирателям бесплатно или на льготных условиях товаров, услуг (кроме информационных), а также выплатой денежных средств. Такое требование, будучи направленным, на недопущение случаев подкупа, тесно связано с порядком финансирования избирательной кампании из государственных средств, а также добровольными взносами, принимаемыми и равномерно распределяемыми Центральной избирательной комиссией. Тем самым имплементированы также положения Конвенции ООН по противодействию коррупции.

Обеспечение равноправия женщин и мужчин в избирательном процессе. Избирательная система стала важным фактором повышения общественно-политической активности женщин, их значения в сфере государственного и общественного строительства. В закон о выборах введены квоты — нормы о том, что в числе кандидатов в депутаты от политических партий не менее 30 процентов должны составлять женщины. Реализация этой нормы в ходе выборов 2009 года позволила избрать парламент, в нижней палате которого женщины составляют 33 депутата, или 22 процента от их общей численности. Членами Сената избрано — 15 процентов женщин, а в местных представительных органах во втором созыве парламента страны трудятся более 22 процентов женщин от общего количества депутатов. Узбекистан на законодательном, судебном, исполнительном уровне признает важность равного осуществления прав человека, которое является необходимым условием полного участия женщин как граждан, общественных деятелей или политических лидеров во всех сферах общественной и частной жизни. Укрепление гендерного баланса в законодательных органах имеет особое значение для демократии и социальной справедливости. В этой связи в полной мере обеспечиваются положения Конвенция ООН о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин.

Так, в соответствии с нормами Закона "О выборах в Олий Мажлис Республики Узбекистан" в новой редакции — "кандидатам в депутаты, политическим партиям предоставляется равное право использовать средства массовой информации в порядке, устанавливаемом Центральной избира-

тельной комиссией". В отношении предвыборной агитации важный акцент делается на определении критериев доступа кандидатов и политических партий к телевидению, радио, другим средствам массовой информации, с тем, чтобы более четко определялся механизм реализации равенства в их использовании, определено понятие предвыборной агитации, виды, формы и методы ее проведения, установлено, что предвыборная агитация в день выборов и за день до начала голосования не допускается.

В Закон включены нормы направленные на повышение эффективности обеспечения равных условий кандидатам в депутаты, политическим партиям в ходе проведения предвыборной агитации.

Это также предусматривается "Международными стандартами и обязательствами в отношении права на демократические выборы: практическое руководство по наилучшей практике демократических выборов" (Варшава, 2002г.).

Определены сроки, порядок и процедура проведения досрочного голосования, предусмотрена возможность образования избирательных участков в местах содержания под стражей.

В данном случае в национальное законодательство имплементированы положения ряда международных документов и непосредственно Декларации о критериях свободных и справедливых выборов, Европейской Конвенции о защите прав человека и основных свобод (Протокол №12, Статья 1), а также основных стандартов ОБСЕ БДИПЧ и Европейской Комиссии за демократию через право (Венецианской комиссии).

В целом, изменения и дополнения, внесенные в 2003, 2008, 2012, 2014 годах в Конституцию, Закон "О гарантиях прав избирателей", новая редакция законов "О выборах в Олий Мажлис Республики Узбекистан", "О выборах в областные, районные и городские Кенгаши народных депутатов", и другие акты законодательства, принятые в этот период, сформировали ту законодательную базу, которая обеспечила поэтапную, последовательную либерализацию и демократизацию национальной избирательной системы, проведения выборов в двухпалатный парламент в полном соответствии с требованиями закона и общепризнанными международными принципами и нормами.

Деятельность Парламента — Олий Мажлиса Республики Узбекистан осуществляется в соответствии с принципом реальной многопартийности, в основе которого положена конкуренция взглядов и идей, соперничества партий, в том числе оппозиционных.

В нижней палате парламента страны созданы депутатские объединения нового типа, в том чис-

ле депутатская группа Экологического движения, узаконена деятельность партийных фракций, через которых соответствующие политические партии могут влиять на законотворчество, осуществлять парламентский контроль, а значит, участвовать в управлении государством.

В 2014 году состоятся выборы в парламент страны, и данный процесс является одним из наиболее важных. Так как избранные кандидаты, придя в парламент, как представители партии, организуют свою фракцию, и будут конкурировать друг с другом за то, чтобы идеи их партий, цели и задачи предвыборной платформы, интересы электората партии были реализованы в ходе законотворческой деятельности в парламенте.

Накануне выборов 2014 года Центризбирком разработал Программу мероприятий по подготовке и проведению выборов в Олий Мажлис Республики Узбекистан, областные, районные и городские Кенгаши народных депутатов.

Реализация этой программы позволит обеспечить соблюдение конституционных прав граждан на свободу выбора и волеизъявления, проведение выборов в полном соответствии с требованиями закона, при самом активном участии политических партий, без вмешательства в избирательный процесс органов государственной власти в центре и на местах. Законодательством исключено предоставление каких-либо льгот и преференций для любого из участников избирательной кампании.

Обобщая все выше сказанное, хочу отметить, что все законы прошли успешное испытание временем, показали правовую целесообразность и свою практическую ценность, а также эффективность в ходе выборов.

В тоже время Узбекистан не останавливается на достигнутом, мы постоянно работаем над собой, своим избирательным законодательством, с учетом собственного опыта проведения демократических выборов. Системно осуществляется планомерная масштабная работа по совершенствованию избирательного законодательства, основным направлением которого является последовательное расширение избирательных прав граждан и повышение роли политических партий в формировании представительных органов власти.

В заключении хотелось бы привести слова Главы нашего государства И.А.Каримова: "Можно принять идеальную схему управления государством и обществом, закрепить ее в Конституции и законах, но это все ничего не будет стоить, если мы не обеспечим свободное волеизъявление избирателей при избрании и формировании этой власти, если не обеспечим самую совершенную, отвечающую высоким демократическим принципам систему выборов как в центре, так и на местах".

Асқар ҒАҒУРОВ,
Юристар малакасини ошириш маркази директори,
юридик фанлар номзоди, доцент

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ

- ✦ Мақолада сайлов қонунчилигига оид ўзгартишлар, шунингдек, сайлов қонунчилигини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликка оид нормалар таҳлил қилиб берилган.
- ✦ В статье анализируются внесенные изменения в избирательное законодательство, а также нормы предусматривающие административную и уголовную ответственность за нарушение избирательного законодательства.
- ✦ The article analyzes the changes in the electoral law and the rules provide for administrative and criminal liability for violation of electoral legislation.

Таянч сўзлар: Сайлов, сайлов қонунчилиги, сайловолди ташвиқоти, маъмурий жавобгарлик, жиноий жавобгарлик.

Ключевые слова: Выборы, избирательное законодательство, предвыборная агитация, административная ответственность, уголовная ответственность.

Key words: Elections, electoral law, election campaign, administrative responsibility, criminal responsibility.

Юртимиз мустақил тараққиётининг ўтган йиллари мобайнида сайловларнинг ҳуқуқий асосини белгилаб берувчи қонунчилик тизими яратилди. Бунинг самарасида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлаш, миллий сайлов қонунчилигини умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ стандартлари асосида ривожлантириш, демократик сайлов тизими ва амалиётини жорий этиш, давлат ҳокимиятининг вакиллик органларини адолатли сайловлар асосида шакллантириш йўлга қўйилди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси сайловга оид қонунчилик тизимини янада ривожлантиришда муҳим омил бўлди. Жумладан, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сайловолди ташвиқотининг шакл ва усулларини аниқ белгилашга, сайлов кампанияси жараёнида депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга тенг шароитларни таъминлаш механизмларининг самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Айниқса, "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" асоси-

да қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)"ги Қонун юртимизда амалга оширилаётган демократик янгиланиш ва модернизация жараёнларининг мантикий давоми бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалардан келиб чиқиб, мамлакатимиз парламенти томонидан сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, 2014 йил 4 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"-ги Қонунга мувофиқ Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга сайлов ва референдум тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик белгилашга қаратилган қўшимчалар киритилди.

Қонунчиликдаги мазкур янгилıklar, яъни сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик мустаҳкамлаб қўйилиши ўта муҳим аҳамиятга эга бўлди десак, муболаға бўлмайди. Зеро, сайлов тўғрисидаги қонун

ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликнинг аниқ белгилаб қўйилиши, шак-шубҳасиз, сайлов жараёнларида қонун устуворлиги ва адолат тамойиллари таъминланишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси саккизта моддадан иборат бўлган янги боб — "Сайловлар ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик" деб номланган VI боб билан тўлдирилди.

Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ сайлов комиссиялари ўз ваколати доирасида давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар ва мансабдор шахслардан мустақилдир. Зеро, сайлов жараёнини қонуний, адолатли ва сайлов жараёнининг барча иштирокчилари учун тенг шароитларда ташкил этиш учун сайлов комиссияси аъзоларининг мустақил ҳолда иш юритишлари ғоят муҳим тамойил ҳисобланади. Бинобарин, ушбу тамойилнинг амалий жиҳатдан таъминланмаслиги сайловларнинг демократик моҳиятига жиддий путур етказиши мумкин.

Сайлов комиссияси ишига аралашув айбдор шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарликни келтириб чиқаради. Сайлов комиссияларининг ўз ваколати доирасида мустақил қарор қабул қилиши ва ҳар қандай давлат органлари, мансабдор шахслар, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат ташкилотларидан тўлиқ мустақил фаолият юритишини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий нормалар бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик объекти ҳисобланади.

Сайлов комиссиялари ишига аралашув мансабдор шахс томонидан хизмат ёки мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда комиссиянинг муайян қарор чиқаришига ёхуд чиқармаслигига ундашга қаратилган ҳаракатларда намоён бўлади. Давлат ҳокимияти органларидаги ва жамоат бирлашмаларидаги, сиёсий партиялардаги мансаб лавозимларини эгаллаган шахслар бундай ҳуқуқбузарлик субъекти бўлиши мумкин. Бу турдаги ҳуқуқбузарлик фақат қасддан содир этилиши мумкин.

Марказий сайлов комиссияси ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлар округ ва участка сайлов комиссиялари ҳамда референдумни ўтказиш комиссиялари учун, давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун мажбурий ҳисобланади.

Шунингдек, вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарори қўйи сайлов комиссияларининг, шунингдек, тегишли маҳаллий давлат органла-

ри, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг, меҳнат жамоалари ва ҳарбий қисмларининг, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари учун мажбурийдир.

Бинобарин, сайлов комиссияларининг ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорларини ижро этмаслик мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Сайлов комиссияларининг қарорларини ижро этмаслик одатда мазкур қарор ижро учун юборилган давлат органлари мансабдор шахслари томонидан ҳаракатсизлик оқибатида содир бўлади. Бу борада шунга эътибор берилиши керакки, маъмурий жавобгарлик сайлов комиссияларининг ҳар қандай қарорини ижро этмаслик оқибатида эмас, балки, биринчидан, уларнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларини, иккинчидан, сайловларни (ёки референдумни) ташкил этиш билан боғлиқ қарорларини ижро этмаслик оқибатида келиб чиқади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51-3-моддасида сайлов комиссияларининг мурожаатларини кўриб чиқишни ғайриҳуқуқий равишда рад этиш, кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш ҳам мансабдор шахслар учун худди шундай маъмурий жавобгарликка сабаб бўлиши белгилаб қўйилди.

Сайловга оид қонун ҳужжатларида сайлов жараёнининг махсус иштирокчилари бўлган рўйхатга олинган депутатликка номзод, номзоднинг ишончли вакили, кузатувчи ёки сиёсий партиянинг ваколатли вакили ҳуқуқларининг бузилиши маъмурий жавобгарлик келтириб чиқарадиган ҳуқуқбузарликлар сирасига киритилган. Бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибига мансабдор шахслар томонидан депутатликка номзодга сайловда иштирок этиш билан боғлиқ шарт-шароитларни яратиш беришдан бош тортиш киради. Масалан, рўйхатга олинган депутатликка номзодга қонунда кўзда тутилган сайловолди ташвиқоти олиб бориши учун таътил бериш корхона, ташкилот ёки муассасанинг раҳбари томонидан рад этилганлигини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Шунингдек, сайлов жараёнида бинолардан белгиланган тартибда фойдаланиш ҳуқуқи бузилганлиги ҳолатлари ҳам юқорида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарлик таркибига киради.

Бундан ташқари, белгиланган сайлов кампаниясини олиб бориш учун ажратилган бинолардан рўйхатга олинган депутатликка номзодлар сайловчилар билан учрашувлар ўтказишида тенг шароитларни яратиш берилмаслиги ҳам номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузиш сифатида баҳоланади ва юқорида қайд этиб ўтилган маъмурий жавобгарлик чорасини кўришга асос бўлади.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 27-моддасида сайловолди ташвиқоти тушунчаси ва бундай ташвиқотга нисбатан қўйиладиган талаб ўз аксини топган бўлиб, унда сайловолди ташвиқотини сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматларидан ташқари), шунингдек пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб бориш тақиқланиши қатъий белгилаб қўйилган. Мазкур талаб демократик сайловларга қўйиладиган, умумэтироф этилган халқаро стандартларга асосланган бўлиб, бундай норма "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 28-моддасида, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 25-моддасида ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида"ги Қонуннинг 10-моддасида ҳам кўзда тутилган.

Таъкидлаш лозимки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликка бағишланган VI бобида назарда тутилган нормалар умумий хусусиятга эга бўлиб, сайловолди ташвиқотини оммавий ахборот воситалари орқали олиб бориш билан боғлиқ талаблар сайловга оид қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган. Мазкур қонунларда сайловолди ташвиқоти олиб боришнинг умумий шартлари, даврий босма нашрларда, теле ва радио каналларда, шунингдек электрон ифодада ташвиқот олиб бориш хусусиятлари белгиланган.

Бу борада шунга эътибор берилиши лозимки, у ёки бу депутатликка номзодга бошқа номзодларга нисбатан ташвиқот олиб бориш учун яхшироқ ва қулайроқ шароит ҳамда имкониятлар яратиб берилишига йўл қўйилмайди, зотан бунга йўл қўйилиши бошқа номзодларнинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келади. Одатда оммавий ахборот воситаларининг бош муҳаррирлари, журналистлари ёки бошқа вакиллари бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик субъекти бўлади.

Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзод, ишончли вакил, сиёсий партиянинг ваколатли вакили томонидан ўтказилади. Сайловолди ташвиқотининг мақсади, биринчидан, фуқароларни сайловларда фаол иштирок этишга чақириш бўлса, иккинчидан, муайян депутатликка номзодни ёки сиёсий партия номидан номзодликка кўрсатилган барча номзодларни ёқлаб овоз беришга чақиришдан иборат.

Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзод сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади ва овоз бериш бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади, яъни сайлов куни ва овоз бериш бошланишига бир кун қолганида сайловолди ташвиқотига йўл

қўйилмайди. Шунингдек, сайловолди ташвиқотида сайлов комиссияларининг аъзолари иштирок этиши мумкин эмас.

Муайян нусхада нашриётда чоп этилган, сайловолди ташвиқотига йўналтирилган нашрлар босма ташвиқот материаллари ҳисобланади ва улар сайлов кампанияси давомида оммавий тарқатишга мўлжалланган бўлади. Булар сирасига варақаларни, буклетлар, рисоалар, плакатлар ва календарлар киритиш мумкин. Мазкур материалларнинг мазмуни ва шаклига алоҳида талаблар қўйилмайди. Бироқ уларда акс этирилган маълумотлар депутатликка номзод, сиёсий партия тўғрисида ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар бўлмаслиги керак.

Сайлов жараёнида сайлов натижаларига таъсир кўрсатиш мақсадида депутатликка номзод, сиёсий партия тўғрисида атайлаб ёлғон маълумотларни эълон қилиш ёки бошқа усуллар орқали тарқатиш тақиқланган. Бу борадаги ҳуқуқбузарликнинг хусусияти шундаки, бундай ҳаракатлар сайловчиларни чалғитиб, уларни ҳаққоний ахборот олиш ҳуқуқидан маҳрум этиш билан хоҳиш-иродани тўлиқ изҳор этишларига тўсқинлик қилади.

Сайловга оид ахборот ҳамда ташвиқот материалларини қасдан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасдан шикаст етказиш носоғлом рақобат усули бўлиб, бундай хатти-ҳаракат муайян депутатликка номзодга ёки сиёсий партияга қарши қаратилганлигидан ташқари фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини эркин амалга оширишига ҳам тўсқинлик қилади.

У ёки бу депутатликка номзод ёхуд сиёсий партия ҳақидаги ахборотлар акс этирилган босма материаллар бу турдаги ҳуқуқбузарлик предмети ҳисобланади. Шундай материалларни йўқ қилиш ёки уларга ёзиш, бўяш, расм чизиш, матнларга чалғитувчи нотўғри тузатишлар киритиш йўли билан шикаст етказилиши маъмурий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Сайловга оид қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилганидек, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади, депутатликка номзодларни бошқа маблағлар ҳисобидан молиявий таъминлаш ва моддий жиҳатдан ўзгача тарзда қўллаб-қувватлаш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари, жамоат бирлашмалари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва фуқаролари сайлов ўтказиш учун ўз маблағларини ихтиёрий равишда беришлари мумкин. Бу маблағларни Марказий сайлов комиссияси сайлов кампанияси вақтида фойдаланиш учун қабул қилиб олади ва у белгиланган тартибда тенг ҳуқуқлилиқ асосида сарфланмоғи лозим.

Сайловга оид қонун ҳужжатларида барча сай-

лов жараёни иштирокчиларига тенг шарт-шароитлар яратиш мақсадида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун давлат томонидан ажратиладиган маблағлардан ташқари бошқа манбалардан фойдаланиш тақиқланган. Бундай талабнинг объектив зарурати шундаки, бизнес соҳаси вакилларида одатда сайлов жараёнини ташкил этиш учун молиявий маблағлар жалб этишда имкониятлар кўпроқ бўлади. Айтиш пайтда давлат хизматчилари ёки илм-фан ва таълим соҳаси вакиллари бундай имкониятларга эга бўлмаслиги мумкин. Бинобарин, сайлов жараёнининг барча иштирокчиларига адолатли, тенг шароит яратилиши демократик сайловларнинг муҳим мезони ҳисобланади.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 65-моддасига, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 49-моддасига мувофиқ овоз бериш кунига қадар уч кун ичида, шунингдек, овоз бериш кунини жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этиш ёки бошқа шаклларда эълон қилиш тақиқланган. Шунингдек, бундай маълумотларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига, шу жумладан, Интернет тармоғига жойлаштириш ҳам ман этилган.

Сайлов кунини арафасида фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини эркин, холис амалга ошириш имкониятига эга бўлишлари керак. Сайлов кунидан олдин эълон қилинадиган ижтимоий сўровлар натижалари сайловчиларни чалғитиб, уларни бир қарорга келишига монелик қилади. Шунингдек, бундай маълумотларнинг овоз бериш кунини олдиндан эълон қилиниши сайловчилар уларни текшириб кўриш ёки бирон-бир тарзда таҳлил қилиш йўли билан ахборотнинг ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қилишига вақт қолдирмайди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда сайлов қонунчилигини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик қатъий белгилаб қўйилиши сайлов эркинлиги принципи янада тўлиқроқ амалга оширилишига, мамлакатимиз сайлов тизими янада демократлаштирилишига, сайловнинг очиқ-ошқоралиги принципларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Сайлов қонунчилигидаги ушбу янгиликлар сайлов жараёнларини янада либераллаштириш, унинг очиқлигини таъминлаш, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин ва мустақил ифодалашини учун мавжуд механизмларни янада такомиллаштириш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, сайловга оид қонун ҳужжатларининг бузилиши нафақат маъмурий жавобгарликни, балки жиноий-ҳуқуқий жавобгарликни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Фуқаролар-

нинг сайлаш ва сайланиш, сайловолди ташвиқоти олиб бориш ҳуқуқларини амалга оширилишига зўравонлик, алдаш, таҳдид қилиш ёки бошқа йўл билан қаршилик кўрсатувчи шахслар, шунингдек сохта сайлов ҳужжатлари тузган, овозларни атайин нотўғри санаб чиққан, яширин овоз бериш принципини бузган ёки сайловга оид қонун ҳужжатлари бошқача тарзда бузилишига йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, бошқа мансабдор шахслар, сиёсий партияларнинг вакиллари қонунга мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилади.

Сайлов қонунчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарлик масаласи Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 146 ва 147-моддалари билан тартибга солинган бўлиб, унга кўра сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (146-модда) ҳамда сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакиллар ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш (147-модда) каби ҳаракатларнинг содир этилиши жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикасининг сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунлари жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўладиган тарзда бузилганлигига доир материалларни прокуратура органларига оширади.

Сайловга оид қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланиши Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган "Халқ иродаси давлат ҳокимиятининг негизи бўлмоғи лозим, бу ирода вақти-вақти билан ўтказиладиган, сохталаштирилмаган сайловларда ўз аксини топиши, ушбу сайлов ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқига кўра, яширин овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенг қийматли шакллар воситасида ўтказилиши керак"лиги тўғрисидаги халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ келади ҳамда сайловчиларнинг сайлов ҳуқуқларини қўшимча равишда кафолатлашга хизмат қилади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ривожланган демократик давлатларнинг қонунчилик амалиётида ҳам сайлов қонунчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Масалан, Германия Жиноят кодексига сайловларни ўтказиш ёки унинг натижаларини аниқлашга қарши зўравонлик ёки қўрқитув йўли билан тўсқинлик қилиш, сайлов натижаларини, сайлов ҳужжатларини сохталаштириш, сайлов сирини ошқор қилиш, сайлов ҳуқуқини амалга оширишга зўравонлик билан қаршилик кўрсатиш, сайлов ҳуқуқини амалга оширишда сайловчиларни алдаш, сайловчиларни сайлов ҳуқуқларини амалга ошираётганларида пора ёки бошқа йўллар билан ўз томонига оғдириб олиш сингари қилмишлар учун жи-

ной жавобгарлик белгиланган. Швейцария Жиноят кодексига кўра, сайловга ёки овоз беришга зўрлик ишлатиш ёки қўрқитиш йўли билан тўсқинлик қилиш, шахснинг овоз бериш ва сайлов ҳуқуқини амалга оширишига зўравонлик ёки қўрқитиш йўли билан аралаштириш, сайловчиларни ўз тарафига оғдириб олиш, овоз бериш реестрини, имзолар йиғиш натижаларини сохталаштириш ёки уларни йўқотиб юбориш, овоз бериш ва сайловлар сирини ошкор қилиш каби хатти-ҳаракатлар жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Нидерландия жиноят қонунчилигида сайлов ҳуқуқи амалга оширилишига куч ишлатиш йўли билан қаршилиқ қилиш, сайловчиларни оғдириб олиш, сайловлар ёки овоз бериш натижаларини сохталаштириш учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган.

Россия Федерациясининг Жиноят кодексига сайловга оид ҳуқуқлар амалга оширилишига ёки сайлов комиссияларининг ишига тўсқинлик қилиш, депутатликка номзоднинг сайлов кампаниясини, сайлов бирлашмалари, сайлов блоки, референдум ўтказиш бўйича ташаббускор гуруҳ фаолиятини, сайлов ҳужжатларини сохталаштириш ҳамда овоз бериш натижаларини сохталашти-

риш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Шунингдек, Корея Республикасининг Жиноят кодексига сайловга тўсқинлик қилганлик учун жиноятнинг оғир-енгиллигига қараб, ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш, беш йилдан кам бўлмаган муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида сайлов ёки референдумни ташкил этиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилиши билан бир қаторда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига сайлов қонунчилигини бузиш ҳоллари учун жавобгарликни белгиловчи нормаларнинг киритилиши фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини кафолатлашда, бу борадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим омил бўлади. Шубҳасиз, сайловга оид қонунчиликни бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни белгиловчи нормалар халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига асосланган бўлиб, ривожланган демократик давлатларнинг қонунчилик амалиёти ва тажрибасига мос келади.



Матлюба АМИНЖАНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари бошлиғи ўринбосари, юридик фанлар номзоди

СУҒУРТА МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА ТУТГАН ЎРНИ

- ◆ Мақолада суғурта муносабатлари ва суғурта муносабатларининг тадбиркорлик фаолиятида тутган ўрни ёритиб берилган.
- ◆ В статье раскрывается страховые отношения и роль страховых отношений в предпринимательской деятельности.
- ◆ The article deals with the insurance relationship and the role of insurance relations in business.

Таянч сўзлар: Суғурта, тадбиркорлик фаолияти, суғурта компаниялари, микромолиявий ташкилотлар.

Ключевые слова: Страхование, предпринимательская деятельность, страховые компании, микрофинансовые организации.

Key words: Insurance, entrepreneurship, insurance companies, microfinance institutions.

Бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлик фаолиятининг турли шакллари амал қилиб, у якка тадбиркорлик, жамоа, аралаш тадбиркорлик, ҳатто давлат тадбиркорлиги шаклида ҳам юзага келмоқда. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти ҳам келди¹.

Тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кафолатловчи ҳуқуқий тизимни ислоҳ қилиш узвий давом этмоқда десак, муболаға бўлмайди.

Жумладан, Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги қилган маърузасида ҳам тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кафолатловчи қонунларни ислоҳ қилиш борасида бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

Ушбу маърузада республикамызда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга доир бир қатор ҳуқуқий тизимни қайтадан кўриб чиқиш ва уни такомиллаштиришга доир вазифалар белгилаб берилиб, бу тизимни ривожлантиришда бозор иқтисодиёти инфратузилмасининг ўрни қуйидагича ифодаланди: “Шу билан

бирга, бу тизимнинг янада мустаҳкамланиши хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган лизинг, суғурта компаниялари, кредит уюшмалари, микромолиявий ташкилотлар каби молиявий институтларни ташкил этишнинг қонунчилик асосларини шакллантириш ҳисобидан банк-молия соҳасига хусусий капитални жалб қилиш билан ҳам боғлиқ. Бу эса банк ва бошқа молиявий хизматлар бозорида рақобатнинг кенгайиши ҳамда миқдорларга хизмат кўрсатиш сифатининг ошишига имкон беради ва энг юксак халқаро стандартлар талабига мос замонавий бозор инфратузилмасининг ривожланиши учун шароит яратилади”².

Дарҳақиқат, таваккалчилик ва ташаббускорликка асосланган тадбиркорлик фаолиятининг эркин ривожланишида банк ва суғурта тизимини такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Ҳар бир иқтисодий ривожланган хорижий давлатларда банк ва суғурта идораларининг ривожланганлиги кузатиш мумкин.

Ўзбекистонда ҳам мустақилликка эришилгандан сўнг суғурта фаолиятини ривожлантиришга, бу соҳани тартибга солишга қаратилган қонунчилик тизимини такомиллаштиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Шунингдек, босқичма-босқич амалга ошириб

келинаётган ҳуқуқий ислоҳотлар жараёнида бу тизим такомиллашиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида қабул қилинган суғурта фаолиятини тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий манбаларда тадбиркорлик субъектларини турли тасодифий ҳодисалардан, молиявий йўқотишлардан ҳимоялашга доир нормалар ҳам ўз ифодасини топди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 920-моддасидаги тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш ана шундай чоралардан бири сифатида йўлга қўйилди.

Тадбиркорлик хавфини суғурталашнинг қуйидаги турларини ажратиш мумкин:

— юридик шахсларни суғурталашнинг барча турлари;

— ишлаб чиқариш (тижорат фаолияти) тўхтаб қолиши натижасида даромаддан (фойдадан) маҳрум бўлиш хавфини суғурта қилиш;

— Товар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи тадбиркорларнинг сифатсиз товар ишлаб чиқарганлиги натижасида истеъмолчига етказган зарарини қоплаш юзасидан жавобгарликни суғурта қилиш;

— кредитлар суғуртаси (қарздорнинг қарзни қайтармаслиги ва жавобгарлиги хавфи);

— молиявий мажбуриятларни бажармаслик хавфи (молия кафолатларини) суғурта қилиш.

— техника хавфсизлиги (қурилиш — монтаж ишлари, эксплуатация хавфини) суғурта қилиш.

Бундай турдаги суғурта шартномаси тузиш давомида тадбиркор томонидан бир йўла учта шартнома тузиш мажбурияти амалга оширилади. Яъни, банкдан кредит олиш юзасидан кредит шартномаси, шу кредитни қайтаришни таъминлаш юзасидан мол-мулкни гаровга қўйиш шартномаси ва шу гаровга қўйилган мол-мулкни шикастланишини ёки нобуд бўлиш хавфини суғурталаш юзасидан суғурта шартномалари тузилиши лозим. Албатта, бундай шартномаларни тузиш даврида тадбиркор ҳар бир шартнома бўйича ўз зиммасига юклатилган қонуний ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиши ва уни ижро эта олиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Чунки, академик Ҳ.Раҳмонқулов таъкидлаганидек, “ҳар қандай шартномада тарафлар томонидан келишилган ва мустаҳкамланадиган шартларнинг йиғиндиси шартноманинг мазмуни”дир³. Бу эса шартнома тарафларининг мажбуриятини ифодалайди.

Маълумки, суғурта шартномасида ҳам тарафлар ўзларига бир қатор мажбуриятларни олади. Булар суғурта бадали ёки мукофотини ўз вақтида тўлаш, суғурта полисини беришни кечиктирмаслик, суғурта товонини ўз вақтида тўлаш, суғурта объектини асраш, суғурта ҳодисаси рўй берганда вақтида хабар бериш ва суғурта билан боғлиқ бошқа шартлар бўлиши мум-

кин. Суғурта шартномасидан келиб чиқадиган ушбу талаб ва шартларга риоя қилмаслик, уларни қўпол равишда бузиш ҳуқуқий жавобгарликка тортиш учун тўла асос бўлиб ҳисобланади.

Демак, суғурта шартномаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар нафақат қонун нормаларига риоя қилмасликдан, балки шартнома қоидаларига итоат этмаслик оқибатида ҳам вужудга келар экан.

Юқоридагиларга кўра, шартномага оид ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши, иккинчидан, шу хилдаги ҳуқуқбузарликлар учун қонунда белгиланган чораларнинг мавжудлиги суғурта шартномаларини бузганлик учун жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Масалан, суғурта шартномасида белгиланган муддатда суғурта товонининг тўланмаганлиги учун суғурта идораларининг жавобгарлиги келиб чиқади. Бунда суғурта идораси шартномани лозим даражада бажармаганлиги, унинг бу ҳаракатлари суғурта қонунчилигига зидлиги ва суғурта товонини тўламаганлиги суғурта идорасининг айби эканлигидан келиб чиқиб суғурталанувчиларга суғурта товони тўлаш билан бирга, шу суғурта товонининг беришни кечиктирилган ҳар бир куни учун белгиланган пеня миқдори қўшиб тўланади. Агар бу тўловлар суд тартибида ундирилаётган бўлса, албатта, суғурта қилдирувчининг шу суғурта идорасига суғурта товонини олиш билан боғлиқ муурожаати жараёнида кетган харажатлар ҳам ҳисобга олинishi лозим. Чунки, суғурта идоралари туман ёки шаҳар марказларида жойлашганлиги сабабли баъзида шу идорага бориб-келиш билан боғлиқ харажатларнинг ўзи кўп миқдорни ташкил этиши мумкин. Албатта, бу харажатлар шу суғурта идораларининг ўз мажбуриятларини бажармаганлиги натижасида келиб чиққан бўлиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Олий Ҳўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги “Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкий жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”-ги Қарорига кўра, ФКнинг 333-моддасига асосан, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавоб беради⁴. Қарздор мажбуриятни лозим даражада бажариш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўрганлигини исботласа, у айбсиз деб топилади ва жавобгарликдан озод этилади.

Шу ўринда мажбуриятларни вужудга келиши билан мажбуриятларни бажариш муддатларини фарқлаш лозим. Мажбуриятларни вужудга келиши суғурта шартномасида суғурта бадали келиб тушган кундан бошланади, лекин мажбуриятни

Иккинчи типдаги регионаллашув янада барқарор ва самаралидир. Иштирок этувчи давлатлар салоҳиятининг нисбатан тенглиги бундай бирлашмаларнинг самарадорлигини оширади, одатда, ҳамкорликнинг янада мустаҳкам юридик базаси ҳам яратилади. Қудрат жиҳатидан тенг бўлган иштирокчилар суверенитетнинг бирон-бир қисмидан миллий органлар фойдасига воз кечи-

ши, уларда ўзининг сезиларли даражадаги ва муносиб равишдаги вакилликни таъминлаши осон. Уларнинг аста-секин янада яхши мувофиқлаштирилладиган ташқи иқтисодий фаолияти фаолроқ ва самаралироқ бўлиши мумкин.

Минтақавий интеграция гуруҳларининг шаклланиши ёки кенгайиши жараёнида янги босқич 1990 йилларда жаҳон лидерлари бозорларининг кенгайиши ва коммуникацион глобаллашув муносабати билан юз берди. Айнан унинг унча ривожланмаган ёки кичик давлатлар хўжаликларининг беқарорлигини кучайтирган таъсири иқтисодий регионаллашувнинг янада фаоллашувига туртки берди. Натижада ўтган аср охирида жаҳонда 50 дан зиёд мамлакатни ўз ичига олган камида беш самарали интеграцион гуруҳ (АСЕАН, ЕИ, МЕРКОСУР, НАФТА, ИХТ) фаолият кўрсатди.

Бундай бирлашмаларга аъзо давлатлар ўртасидаги иқтисодий-сиёсий ҳамкорлик натижасида шундай бир макон яратилдики, унда савдо ва инвестициялар учун ички тўсиқлар қисман бартараф этилади, шунингдек, бирлашиш йўлига қараб умумий бож сиёсати яратилди ёки яратилмайди. Ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш учун иқтисодий сиёсатнинг бошқа йўналишлари — солиқ-бюджет, пул-кредит, транспорт, энергетика, ижтимоий сиёсатни мувофиқлаштириш амалга оширилади. Натижада интеграцион гуруҳда аъзо давлатлар ва уларнинг компаниялари учун преференциал режим вужудга келади, бошқа дав-

латларнинг компанияларига эса бундай имтиёзлар берилмайди. Алоҳида иқтисодий маконда аъзо давлатларнинг корхоналари учун имтиёзлар ишлаб чиқаришнинг бир қисмини унинг чегарасидан ташқарига итариб чиқариши, шу тариқа глобаллашув учун имконият яратиши ҳам мумкин. Вақт ўтиши билан минтақа доирасидаги ҳамкорлик янада фаоллаша бошлайди: минтақавий интеграцион бирлашма ўз-ўзини ривожлантириб, жаҳон иқтисодиётининг алоҳида, нисбатан мустақил қисмига айланади. Бир томондан, бунга тегишли (масалан, импортнинг энг катта улуши тўғрисидаги) қонун ҳужжатларини қабул қилиш йўли билан, бошқа томондан эса, интеграцион гуруҳга янги аъзоларни қабул қилиш орқали эришилади. Самарали минтақавий бирлашмалар баъзан янги аъзоларни жалб қилади ва шу тариқа жаҳон иқтисодиётининг ушбу сегментини кенгайтиради.

Глобаллашув ва регионаллашув жараёнлари таъсирида XX аср охирида давлатларнинг фаол яқинлашуви юз берди. Сўнгги йилларда вужудга келган Европа Иттифоқи бундай бирлашувга ёрқин мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин. Давлат Европа Иттифоқига қўшилганда, бундан давлат ҳокимият органлари — парламентлар ва ҳукуматлар олдинги мавқеини йўқотади. Маҳаллий ҳокимият эса аввалгидек кучли бўлиб қолади, боз устига, мазкур шароитда унинг ўрни ва аҳамияти янада ошади. Бу эса кўриб чиқилаётган омилларга яна бир қарра урғу беради.



¹ Қаранг: Этциони Амитаи. От империи к сообществу: новый подход к международным отношениям. — М: Ладомир, 2004. — 443 б.

² Қаранг: Хаттон Уилл. Мир, в котором мы живем. — М: Ладомир, 2004. — 502 б.

³ Қаранг: Этциони Амитаи. От империи к сообществу: новый подход к международным отношениям. — М: Ладомир, 2004. — 443 б.

⁴ Қаранг: Широков Г.К., Салицкий А.И. Глобализация и/или регионализация? (Регионализация и ее типы) // Восток. Афро-Азиатские общества: история и современность - 2003 - №5. — 85–96-б.

⁵ Ўша ерда.

Хуршид КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари кафедре бошлиғи в.б.

ШАХС ҲУҚУҚЛАРИ ДАХЛСИЗЛИГИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТЛАРИ

- ◆ Мақолада инсон ҳуқуқ ва эркинликларини янада кафолатлашга оид қонунчиликка киритилган ўзгартишларнинг мазмун-моҳияти ёритиб берилган.
- ◆ В статье раскрывается значение принятых изменений в законодательство по дальнейшему гарантированию прав и свобод человека.
- ◆ The article reveals the importance of adopting amendments to the legislation to further guarantee human rights and freedoms.

Таянч сўзлар: инсон ҳуқуқлари, дахлсизлик, эҳтиёт чоралари, уй қамоғи.

Ключевые слова: права человека, неприкосновенность, меры пресечения, домашний арест.

Key words: human rights, integrity, preventive measures, house arrest.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлатларнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Мазкур вазифани самарали амалга ошириш учун давлатлар ўз миллий қонунларида инсон ҳуқуқларига оид нормаларни мустаҳкамлаб қўядилар.

Мустақил Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда инсоният асрлар давомида орзу қилиб келган демократик ҳуқуқ ва эркинликлар амалга ошмоқда. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек: “Жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш таъминлангандагина у чинакам ҳуқуқий, фуқаролик жамияти бўлади. Бизнинг пировард мақсадимиз инсон ҳуқуқлари ҳар томонлама ҳимоя қилинадиган маърифатли жамият барпо этишдан иборат”.

Бугунги кунда инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари, уларни ҳар томонлама ҳимоялаш ва таъминлаш, жамиятни демократлаштириш ва эркинлаштириш устувор аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унинг дахлсизлигини таъминлаш, инсонни қадрлаш ва улуғлашга йўналтирилган.

Бош Қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатини мустаҳкамлаган муҳим ҳуқуқий асос ҳисобланиб, Конституциянинг 25-моддасида ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгаллиги, ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмаслиги, 26-моддасида “ҳеч ким қийноққа солиниши, зўронликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмаслиги

каби қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган. Конституциямизда мустаҳкамланган ушбу қоидалар 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси”¹, 1966 йил 19 декабрдаги “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт”² ҳамда бошқа умумэтироф этилган инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқ нормаларида мустаҳкамланган.

Таъкидлаш лозимки, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш борасида миллий қонунчилигимиз халқаро умумэтироф этилган нормаларга мос равишда такомиллаштирилмоқда. Жумладан, жиноий жазоларни либераллаштириш, жиноят процесси иштирокчилари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, “Хабас корпус” институтига оид нормалар такомиллаштирилиши натижасида жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Ўтган даврда жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши натижасида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллаш имкониятлари кенгайтирилди.

Қайд этиш лозимки, шахс ҳуқуқ ва эркинлиги дахлсизлигини таъминлаш борасида миллий қонунчилигимиз нормалари мунтазам равишда такомиллаштирилмоқда.

2014 йилнинг 5 сентябридан кучга кирган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси киритилди.

Жиноят-процессуал кодексига янги киритилган

242¹-моддага асосан, “уй қамоғи гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш учун асослар мавжуд бўлганида унинг ёшени, соғлиғи ҳолатини, оилавий аҳволини ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда қамоққа олиш мақсадга номувофиқ деб топилган тақдирда қўлланилади”.

Қонунда уй қамоғи гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг жамиятдан тўлиқ ёхуд қисман ажратиб қўйилиб, ўзи мулкдор, ижарага олувчи сифатида ёки бошқа қонуний асосларда яшаб турган турар жойда тақиқлар (чекловлар) юклатилган, шунингдек унинг устидан назорат амалга оширилган ҳолда қўлланилиши белгилаб қўйилган.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг соғлиғи ҳолатини ҳисобга олган ҳолда тиббий муассаса уй қамоғида сақлаш жойи этиб белгиланиши мумкин.

Ўзига нисбатан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси танланган шахсга куйидаги тақиқлар (чекловлар) ўрнатилиши мумкин: муайян шахслар билан алоқада бўлиш; хат-хабар олиш ва жўнатиш; ҳар қандай алоқа воситаларидан фойдаланиш ва улар ёрдамида сўзлашувлар олиб бориш; уй-жойни тарк этиш.

Ўзига нисбатан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси танланган шахсга мазкур тақиқларнинг барчаси ёки айримлари ўрнатилиши мумкин. Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси танланган шахс ўрнатилган тақиқларни бузиши унга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилишига олиб келиши мумкин.

Уй қамоғини ижро этиш гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг яшаш жойидаги ички ишлар органи зиммасига юклатилади. Уй-жойни тарк этиш бўйича ўрнатилган тақиқларга риоя этиши устидан назорат амалга ошириладиганда ички ишлар органи унинг яшаш жойида бўлишини сутканинг исталган вақтида текширишга ҳақли бўлиб, текшириш кундузги вақтда кўпи билан бир марта ва тунги вақтда кўпи билан бир марта ўтказилади. Зарур ҳолларда уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсга нисбатан **электрон кузатиш воситалари** қўлланилиши мумкин.

Ўзига нисбатан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси танланган шахснинг ҳимоячи, қонуний вакил билан учрашувлари ушбу эҳтиёт чораси ижро этиладиган жойда ўтказилади.

Жиноят-процессуал кодексининг 243-моддасида уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тартиби мустаҳкамланган бўлиб, қонунда назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганда ва даст-

лабки тергов давомида уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси танланганда прокурор, прокурорнинг розилиги билан терговчи уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақида қарор чиқаради. Прокурор уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосноманинг асослилигини текшириб, унга рози бўлган тақдирда, илтимоснома қўзғатиш тўғрисидаги қарор ва зарур материалларни судга юборади. Агар илтимоснома ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан қўзғатилган бўлса, қарор ва кўрсатилган материаллар ушлаб туриш муддати тугашидан камида ўн икки соат олдин судга тақдим қилиниши керак.

Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома жиноят содир қилинган ёки дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан кўриб чиқилади.

Жиноят-процессуал кодексининг 245-моддасига асосан, жиноятлар тергов қилинаётганда уй қамоғи муддати кўпи билан уч ойни ташкил этади. Уй қамоғининг қонун нормаларида белгиланган уч ойлик муддатини: беш ойгача — Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ёки вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг; етти ойгача — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг; тўққиз ойгача — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг; бир йилгача — алоҳида мураккаб ишлар тергов қилинаётган ҳолларда оғир ҳамда ўта оғир жиноятлар содир этганлиқда айбланаётган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг илтимосномасига биноан узайтириш имкони суд томонидан кўриб чиқилади.

Қайд этиш лозимки, Жиноят-процессуал кодексининг 237-моддасига асосан муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат, шахсий кафиллик, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги, гаров, қамоққа олиш, вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топшириш, ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатуви каби эҳтиёт чоралари тизимига уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг киритилиши жиноят содир этган шахсларнинг ижтимоий мослашувига қулай шароит яратилиши билан бир қаторда, оилаларни сақлаб қолиш, қамоқдаги шахслар сонининг камайишига хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, суд-ҳуқуқ ислохотлари натижасида қонунчиликка киритилаётган ўзгартишлар шахс ҳуқуқлари дахлсизлигининг конституциявий кафолатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

¹ А.Х. Саидов. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Konsauditinform-Nashr, Т.: -2006. – 242-бет.

² Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Адолат -2004. –39-бет.

Мавлуда АХМЕДШАЕВА,
Тошкент давлат юридик университети доценти,
юридик фанлар доктори

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТАРМОҚЛАРИ ЎРТАСИДА «БИР-БИРИНИ ТИЙИБ, МУВОЗАНАТДА УШЛАБ ТУРИШ» ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

◆ Мақолада мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётини демократлаштириш шароитида давлат ҳокимияти тизимини ҳокимиятлар бўлиниши принципи асосида ташкил этишнинг аҳамияти, ҳокимият тармоқлари ўртасида “бир-бирини тийиб, мувозанатда ушлаб туриш” тизимининг моҳияти, ушбу тизимнинг ривожланиши, унинг конституциявий - ҳуқуқий асосларининг такомиллашуви таҳлил этилади.

◆ В статье анализируется значение принципа разделения властей, как способа организации системы государственной власти, а также рассматривается сущность механизма “системы сдержек и противовесов” между ветвями власти, развитие и совершенствование конституционно-правовых основ данной системы в условиях демократизации общественно-политической жизни страны.

◆ The article analyzes the significance of the principle of separation of powers, the way of organizing the system of state power, the nature of mechanism «checks and balances» among the branches of power, development and improvement of the constitutional and legal basis of the system in terms of democratization of political life of the country.

Таянч сўзлар: давлат ҳокимияти, ҳокимиятлар бўлиниши, «бир-бирини тийиб, мувозанатда ушлаш» тизими, қонун чиқарувчи ҳокимият, ижро этувчи ҳокимият, суд ҳокимияти, ҳукуматнинг масъулияти, парламент назорати, «ишончсизлик вотуми».

Ключевые слова: государственная власть, разделение властей, «система сдержек и противовесов», законодательная власть, исполнительная власть, судебная власть, ответственность правительства, парламентский контроль, «вотум недоверия».

Key words: the state power, separation power, the system «check and balances», the legislative power, executive power, judicial power, responsibility of government, the control of parlement, vote of confidens.

Мустақиллик йилларининг дастлабки паллала-рида мамлакатимизда янги демократик жамият асосларини қуришдек ўта мураккаб вазифани амалга ошириш юзасидан саъй-ҳаракатлар бош-лаб юборилган бир пайтда жамиятимиз олдида **давлат ҳокимиятини янги демократик асо-да ташкил этиш вазифаси кўндаланг бўлиб турган эди.** Ушбу вазифани амалга оширишда жаҳон давлатчилиги амалиётида синалган ва ўзини оқлаган ҳокимиятлар бўлиниши принципига асо-ланилди.

Ҳокимиятлар бўлиниши принципининг асо-сий моҳияти “бир-бирини тийиб, ўзаро муво-занатда ушлаб туриш” механизмида мужассам-лашган бўлиб, унда ҳокимият тармоқларининг ўзаро мутаносиб ва мувозанатли тарзда фао-лият олиб бориши таъминланади. Бунда нис-батан мустақил бўлган ҳокимият тармоқлари

бир-бирининг ўз ваколат доирасида иш юри-тиши устидан назорат олиб бориш баробари-да, зарур ҳолларда бир-бирини “тийиб” ҳам туради. Айни пайтда, ҳокимиятнинг тармоқлар-га бўлиниши охир-оқибат ўзаро манфаатлар-нинг шундай бир мувозанатини, мутаносибли-гини, ҳокимиятнинг моҳиятан яхлитлигини таъ-минлаши керак. Ҳокимиятлар ўртасидаги муво-занат бу доимо бирдек турадиган ва ўзгармай-диган категория эмас, албатта. Бунга ўз вақти-да ҳокимиятлар бўлиниши назариясининг асо-чиларидан бири бўлган буюк француз мутафак-кири Ш.Л.Монтескье катта эътибор қаратиб, “ҳокимиятни зарур ҳолларда уйғунлаштириш, тартибга солиш, тийиб қўйиш, ҳаракатга кел-тириш, биронтасига бошқасини тийиб тура олиши учун бироз туртки бериш” кераклигини таъкидлаган эди¹.

Давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида муносабат ва нисбат, унинг доираси ва ҳажми доимо ҳам бир хилда бўлавермаслиги мумкин. Бинобарин, бу ҳолатга таъсир этувчи объектив ва субъектив ҳолатлар бор, албатта. Масалан, янги тузум асослари шакллантирилаётган бир шароитда кучли ижро ҳокимиятига эҳтиёж туғилади. Тараққиётимизнинг дастлабки оғир ва мураккаб йилларида Ўзбекистон Президенти бошчилигида ижро ҳокимияти бошқа ҳокимият тармоқлари билан биргаликда янги жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, ташкилий-ҳуқуқий ҳамда маънавий асосларини шакллантириш вазифасини муваффақиятли амалга оширди.

Модомики, Президент бошчилигидаги ижро этувчи ҳокимият оғир ва мураккаб ўтиш даври қийинчиликларини енгишда ҳал қилувчи рол ўйнаган бўлса, кейинчалик, яъни сиёсий институтлар мустаҳкамланган, иқтисодий тузум бир маромда фаолият олиб бораётган, жамиятнинг демократик асослари мустаҳкамланган бир шароитда давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва суд тармоқларини янада мустаҳкамлаш, ҳокимият тармоқлари мувозанатига янги мазмун бериш вазифаси кун тартибига чиқиши объектив ҳолатдир. Ҳокимият тармоқлари ўртасидаги мақбул мувозанатни таъминлаш масаласи мураккаб, жамият ва давлат ривожига ҳамоҳанг равишда олиб бориладиган босқичма-босқич, қадамма-қадам амалга ошириладиган жараён дур. Шу нуқтаи-назардан олганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ташаббуси билан 2007 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни бу масалада жуда катта ўзгаришларга асос бўлди. Бундай ўзгаришлардан муҳими — Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижро ҳокимиятига бошчилик қилишни ўз зиммасидан соқит қилганлигида ўз ифодасини топди ва тегишлича Конституциянинг 89-моддаси қуйидаги тахрирда ўзгартирилди: “Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди”. Шунга боғлиқ ҳолда, давлат раҳбари жамият ривожининг мавжуд даражасидан келиб чиққан ҳолда ўз ваколатларининг маълум қисмини Олий Мажлис ва Бош вазирга ўтказди.

Давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида мувозанатни таъминлашда, айниқса, қонун чиқарувчи ҳокимият билан ижро этувчи ҳокимият ўртасида ваколат ва манфаатлар мувозанатини таъминлашда парламент назоратининг ўрни ва аҳамияти ўзига

хос. Парламент назорати бу давлат назоратининг муҳим кўриниши бўлиб, у ижро этувчи ҳокимият ва унинг тизимида кирадиган давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан Конституция, қонунларнинг ижро этилиши юзасидан назорат қилиш мақсадида кузатиши, қонунлар ижросига тўсиқ бўлаётган ҳолатларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича махсус фаолиятдир. Парламент назорати натижасида нафақат қонунларнинг ижроси, балки, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари ҳамда ижро ҳокимияти фаолиятида қонунийлик кучайиши таъминланади.

Айтиш мумкинки, мазкур Қонундаги қоидалар жамиятимизда, парламент фаолиятида сиёсий партияларнинг ўрни ва роли масаласида жиддий ижобий бурилиш ясади ва қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ижро этувчи органлар фаолияти устидан парламент назорати самарадорлигини кўтаришга катта имкониятлар очиб берди. Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг, айниқса парламент ҳаётида иштирокининг кучая бориши парламент назоратининг такомиллашувига замин яратди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сиёсий фракцияларининг Бош вазирни тайинлашда ва лавозимидан озод этишда ҳамда Тошкент шаҳар ҳамда вилоят ҳокимларини лавозимига тайинлаш ва лавозимидан озод этишда иштирок этишининг демократик ташкилий-ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди.

Давлат ҳокимияти тизимини демократлаштиришда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи доирасида тақдим этган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да игари сурилган ғоялар, тақлиф ва тавсиялар катта аҳамиятга эга бўлиб, улар янги демократик ўзгаришларга асос бўлди. Шу ўринда, 2011 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)”ги Қонун муҳим қадам бўлди. Мазкур Қонун Президент — давлат бошлиғи билан қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тармоқлари ўртасида янада мутаносиб конституциявий ваколатлар тақсимотини таъминлашга қаратилган бўлиб, унда, шунингдек, Бош вазирга ишончсизлик вотуми билдириш институти жорий этилди, айрим ваколатлар Президентдан Сенатга — парламентимизнинг юқори палатасига ва Вазирлар Маҳкамасига берилди, маҳаллий кенгашларнинг ваколатлари сезиларли равишда кенгайтирилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига киритилган

ушбу ўзгартишларнинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, уларга кўра, Бош вазир лавозими га номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлашнинг янада демократик принципларини ифодалайдиган янги тартиби ўрнатилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари доирасидан чиқарилди. Сайловларда голиб чиққан сиёсий партия тақдим этган Бош вазир номзодининг парламент томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши ҳақидаги конституциявий тартибнинг белгиланиши, ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми институтининг жорий этилиши ва сиёсий тизимни модернизация қилиш жараёнида амалга оширилиши лозим бўладиган бошқа қатор чора-тадбирлар ўз мазмун-моҳияти билан мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди.

Таъкидлаш жоизки, худди ҳаёт бир жойда тўхтаб турмаганидек, давлат ҳокимияти органлари тизими ҳам, улар ўртасидаги муносабат ҳам доимий ўзгаришда, диалектик ривожланишда давом этаверади. Шунга кўра, жамиятимизнинг бугунги кундаги ривожланиш эҳтиёжлари мамлакатда давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасидаги муносабатда “ўзаро бир-бирини тийиб, манфаатлар мувозанатини сақлаш” механизмини янада демократлаштириш, ўзаро мувозанатни янада кучайтиришни кун тартибига қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан киритилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2014 йилнинг апрелида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)”ги Қонунга биноан киритилган ўзгартишлар жамиятнинг демократик асосларини, жумладан, давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида “ўзаро бир-бирини тийиб, мувозанатда ушлаб туриш” механизмини, жумладан, Ҳукуматнинг масъулиятини ва парламент назорати институтининг самарадорлигини оширишга қаратилган демократик жараённи янада юқори босқичга кўтарди.

Қабул қилинаётган ўзгартишлар Олий Мажлис билан Вазирлар Маҳкамаси ўртасида “ўзаро бир-бирини тийиб, манфаатлар мувозанатини сақлаш” механизми самарадорлигини оширишга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси га **ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этиши** тартиби

жорий этилиши, бир томондан, Ҳукуматнинг Олий Мажлис олдида масъулиятини, иккинчи томондан эса, депутатлар, умуман олганда, парламентнинг жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ривожланиши учун масъулиятини янада кучайтиради, демакки, ушбу органлар фаолиятида қонунийлик, халқчиллик ва ошкораликни оширади. Юқорида зикр этилган қонунда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан парламент назоратининг ҳуқуқий асослари янада аниқлаштирилганлигини алоҳида қайд этиш жоиз. Унга мувофиқ, Конституциянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари мустаҳкамланган 78-моддасининг 21-бандига қўшимча қилиниб, **“парламент назоратини амалга ошириш”** ваколати конституциявий-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди. Дарҳақиқат, жаҳон давлатчилиги амалиёти ва ўз миллий давлатчилигимизнинг мустақиллик йилларида шаклланган таърибаси кўрсатганидек, ижро ҳокимиятининг масъулиятини оширишда парламент назорати ўзига хос ўрин тутади.

Таъкидлаш жоизки, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ўртасида мувозанатни таъминлашда Ҳукуматнинг парламент олдидаги масъулияти, унинг ҳисобдорлиги катта аҳамият касб этади. Шунга боғлиқ ҳолда Конституцияга киритилган қўшимча ва ўзгартишлар доирасида Асосий Қонуниимизнинг 6-бандининг 2-қисми алоҳида ўрин тутади. Уларга кўра, Ҳукумат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси га мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг асосий масалалари бўйича йиллик маърузалар тақдим этиши, ўз фаолиятида **Олий Мажлис ва Президент олдида жавобгар эканлиги** конституциявий мустаҳкамлаб қўйилди. Бундай тартибнинг жорий этилиши Ҳукуматнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун масъулиятини оширишга, унинг парламент ва Президент олдида жавобгарлигини кучайтиришга хизмат қилади ва ўз мазмун-моҳиятига кўра ривожланган демократик давлатлар амалиётга тўла мос келади.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш керакки, Конституцияга киритилган юқоридаги қўшимча ва ўзгартишлар ҳокимиятлар бўлиниши принципнинг амалда самарадорлигини оширади, “ўзаро бир-бирини тийиб, мувозанатда ушлаб туриш” тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиради, ҳукуматнинг масъулиятини оширишга хизмат қилади, парламент назорати самарасини кучайтиради ҳамда жамиятнинг демократик асосларини мустаҳкамлашга, мамлакатимиздаги модернизация жараёнлари кўламини кенгайтиришга ва чуқурлаштиришга хизмат қилади.

¹ История политических и правовых учений. Под ред. д.ю.н., проф. О.Э.Лейста. –М.: Зерцало, 2006. –С.276

Муҳиддин МУСАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди

МАҲКУМЛАР ҲУҚУҚЛАРИГА ОИД ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ҚОИДАЛАРИ

- ◆ Мақолада маҳкумларга оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг аҳамияти ҳамда мазкур ҳужжатларни қўллашнинг аҳамияти ҳақида ёритиб берилган.
- ◆ В статье раскрывается значение международно-правовых документов касающихся осужденных лиц, а также значение применения данных актов.
- ◆ The article explains the importance of international legal instruments relating to convicted persons, as well as the value of the application of these acts.

Таянч сўзлар: фуқаро, фуқаролиги бўлмаган шахслар, халқаро ҳамжамият, дипломатик паспорти, давлат чегараси.

Ключевые слова: гражданин, лица без гражданства, международное сообщество, дипломатический паспорт, государственная граница.

Key words: citizen, stateless persons, the international community, diplomatic passport, state border.

Кўплаб хорижий давлатларда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам инсон ҳуқуқларига, жумладан, маҳкумларга нисбатан бўлган муносабат жиддий ўзгариб, уларга эътибор кучайди. Албатта, бу ҳолатни жиноятчиликка қарши кураш самарадорлиги кўп жиҳатдан суд ҳукми билан тайинланадиган жинойи жазолар қанчалик одилона ва қонуний ижро этилаётганлиги ҳамда мамлакатимизда маҳкумлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро стандартларнинг назарий-ҳуқуқий асосларини ўрганишга талаб ва эҳтиёжнинг кучайиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасидаги раҳбарий ғоялардан бири Ўзбекистон миллий қонунчилиги билан халқаро ҳуқуқнинг ўзаро муносабатини белгилаб берувчи ғоя ҳисобланади.

Унга кўра, Ўзбекистон халқи «халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари устунлигини тан олган ҳолда» ўзининг Асосий Қонунини қабул қилди. Унга кўра, агар халқаро шартномаларда қонунда назарда тутилганидан бошқача қоидалар ўрнатилган бўлса, у ҳолда халқаро ҳуқуқ қоидалари қўлланилади. Шунингдек, инсон ҳуқуқларининг давлат манфаатларидан устунлиги ҳам Конституцияда кўрсатиб ўтилган².

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг

Асосий Қонунида мустаҳкамлаб қўйилган талаблар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти нуқтаи назаридан, эндиликда оммавий ҳокимият органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан қабул қилинадиган юридик аҳамият касб этувчи барча қарорларнинг ҳуқуқий асосини фақатгина Ўзбекистон қонунчилиги эмас, балки мамлакатимиз учун аҳамиятли бўлган халқаро ҳуқуқ нормалари ҳам ташкил этишини англатади.

Албатта, кўрсатилган талаблар умумий бўлганлиги боис, миллий жинойи жазони, шу жумладан, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этишда бевосита иштирок этувчи Ўзбекистон Республикаси давлат органлари фаолиятига нисбатан ҳам амал қилади.

Шу муносабат билан ҳозирги кунда давлатлар томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилишни амалга ошириш борасида андозалар ўрнатувчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардаги талаблар мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятининг халқаро ҳуқуқий асослари мажмуини ташкил этади.

Юридик адабиётларда маҳбуслар билан муомала қилиш бўйича халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун ва шаклига кўра турли меъёрлар асосида тавсифланади. Масалан, улар ҳаракат доирасига кўра:

а) универсал ва минтақавий;

б) йўналишига кўра умумий ва махсус;
в) юридик оқибатига кўра мажбурий ёки тавсия
характеридаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар бўлиши
мумкин.

“Универсал халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар” БМТ
томонидан қабул қилинади ва барча давлатларга
тааллуқли ҳисобланади.

1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари
умумжаҳон декларацияси, 1966 йилда қабул қи-
линган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги
халқаро Пакт ва 1989 йилда қабул қилинган Бола
ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциялар шулар
жумласидандир.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси
Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эриш-
ганидан кейин қўшилган (1991) биринчи халқаро-
ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Демократик ҳуқуқий
давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш
йўлини танлаган Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва
манфаатларини жамиятни ривожлантириш ва
давлат қурилиши, ички ва ташқи сиёсатнинг энг
устувор йўналиши этиб белгиланди.

Мазкур Декларациянинг қоидалари 1992 йил 8
декабрда қабул қилинган Асосий Қонунимиз —
Конституцияда, шунингдек, инсоннинг ҳуқуқ ва
эркинликлари ишончли ҳимоя қилинишини
таъминлайдиган миллий қонунчилигимиз нор-
маларида ўз ифодасини топган.

Конституциянинг 18-моддасида «Ўзбекистон
Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ
ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати,
тили, ижтимоий келиб чиқиши, этникоди, шахси
ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида
тенг»лиги, 19-моддасида «Фуқароларнинг
Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган
ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд
қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб
қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас»лигининг мустаҳкамлаб
қўйилганлиги инсон ҳуқуқлари олий қадрият
сифатида эътироф этилганлигининг исботи бўлса,
26-моддадаги «Жиноят содир этганликда
айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда
қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг
айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди.
Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш
учун барча шароитлар таъминлаб берилади. Ҳеч
ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз
ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа
тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин
эмас»лигининг таъкидланиши ҳам инсон ва
фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари умумэтироф
этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига мос равишда
ёки ундан ҳам зиёдроқ таъминланганининг
кафолатидир.

“Минтақавий халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар”
тегишли минтақа давлатлари, бирлашмалари,
уюшмалари (Европа Иттифоқи, Мустақил
Давлатлар Ҳамдўстлиги) томонидан қабул қилиниб,

фақат ушбу минтақа доирасидагина амал қилади.
Бунга 1950 йилги Инсон ҳуқуқлари ва асосий
эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа
конвенциясини ёки 1995 йилги МДҲнинг Инсон
ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги конвенциясини
мисол қилиб келтириш мумкин.

Йўналиши бўйича умумий турдаги халқаро
ҳуқуқий ҳужжатлар инсон ва фуқаролар, шу
жумладан, маҳкумлар ҳуқуқий ҳолатининг асосини
мустаҳкамловчи ҳужжатлардир. Масалан, Инсон
ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, маҳ-
кумларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва улар билан
муомала қилиш принципларини белгиловчи
ҳужжатлар махсус турдаги халқаро ҳуқуқий
ҳужжатлар ҳисобланади. Масалан, 1990 йилги
«Пекин қоидалари», деб юритиладиган БМТнинг
Вояга етмаганларга нисбатан одил судловни
амалга оширишга тегишли минимал қоидалар.

Ўз навбатида, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни
тааллуқлилигига қараб барча маҳкумларга,
(масалан, 1984 йилги Қийноқларга солишга ва
муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа
шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни
тахқирловчи турларига қарши Конвенция) ва
алоҳида тоифадаги маҳкумларга тегишли (масалан,
1990 йилги Турма қамоғи билан боғлиқ бўлмаган
чоралар бўйича минимал стандарт қоидалар)
халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга бўлиб ўрганиш
мумкин.

Ҳужжатлар юридик оқибатига кўра маҳбуслар
билан муомала қилишнинг асосий принципларини
белгилаб берувчи мажбурий (масалан, 1984 йилги
Қийноққа ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ
шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни
камситувчи турларига қарши конвенция) ва тавсия
(масалан, 1955 йилги Маҳбуслар билан муомала
қилишнинг минимал стандарт қоидалари)
характеридаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар бўлиши
мумкин.

Халқаро ҳуқуқ субъектлари учун айрим халқаро
ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик мажбурий оқибат
келтириб чиқармаслигига қарамай, ҳозирги
демократик давлатлар уларга амал қиладилар
ҳамда ўз қонунчиликларида уларнинг қоида-
ларидан фойдаланадилар.

Бунинг асосий сабаби шундаки, кўрсатилган
халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар аслида жазони ижро
этиш тизими соҳасида ҳуқуқий давлатчиликнинг
универсал принципларини мувофиқлаштиради.
Бундан Ўзбекистон Республикаси ҳам истисно эмас,
чунки мамлакатимиз Конституцияси муқаддимасида
юқорида таъкидлаганимиздек, халқаро ҳуқуқнинг
умумэтироф этилган қоидалари устунлигининг тан
олиниши эълон қилинган. Жумладан, Конс-
титудиянинг 13-моддаси 1-қисмида қайд этил-
ганидек, Ўзбекистон Республикасида демократия
умуминсоний принципларга асосланади, уларга
кўра инсон, унинг ҳаёти ва эркинлиги, шаъни, қадр-

қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади.

Худди шу нуқтаи назардан Президентимиз томонидан 2008 йилнинг 1 январидан мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилинди.

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосий аҳамияти шундаки, «уларда иштирокчи давлатларнинг ўз аҳолисига нисбатан кафолатлаши шарт бўлган ва шунга мос келадиган принциплар фақатгина инсоннинг асосий ҳуқуқлари рўйхати ва мазмунини белгилабгина қолмай, балки кўрсатилган ҳуқуқларни давлат томонидан чеклашнинг мумкин бўлган кўламини ҳам белгилайди.

Кўриб ўтиладиган ҳолатда айнан сўнги муаммо алоҳида қизиқиш уйғотади. Гап шундаки, жазони ижро этувчи органларнинг ҳуқуқ-тартиботни таъминлашдаги иштирокининг асосий шакли, улар томонидан оператив қидирув, жиноят-процессуал ва маъмурий фаолият олиб бориш ҳисобланади.

Айнан улар ёрдамида жазони ижро этиш жойларида мавжуд тартиботга тажовуз қилувчи қилмишларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш таъминланади. Ўз навбатида, мазкур фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқбузарлик содир этишда иштирок этувчи шахсларнинг ёки маҳкумларнинг ҳуқуқларини суд ҳукмида кўрсатиб ўтилган муддат мобайнида у ёки бу даражада чеклаш билан қисман боғлиқ бўлади.

Ушбу муаммони ҳал этишда жаҳон ҳамжамияти, жумладан, мамлакатимиз жазони ижро этувчи муассасалари ва органлари ходимлари томонидан бугунги кунда ҳисобга олиниши керак бўлган умумий ёндашув Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 29-моддасининг 2-қисмида белгилаб қўйилган. Ушбу ҳужжатга биноан, «Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини демократик жамиятда етарли бўлишини ҳамда ҳурмат қилинишини таъминлаш, ахлоқ, жамоат тартиби, умум фаровонлигининг одилонга талабларини қондириш мақсадидагина қонунда белгиланган чекланишларга риоя этиши керак».³

Мазкур умумий талаблар айрим аниқликлар киритиш орқали бошқа халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам қайтарилади (1950 йилги Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясининг 8-моддаси, 1966 йилги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 4, 7, 22-моддалари ва ҳ.к.).

Маҳбуслар билан муомала қилишга оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар одатда 3 та асосий қисмдан:

— умумий принциплар (умумэтироф этилган қоидалар);

— маҳкумларнинг алоҳида тоифаларига тегишли бўлган қоидалар (қамоқда ушлаб турилган маҳкумлар, руҳий касаллар ва ақли норасолар) ва ходимларга нисбатан бўладиган талаблардан

иборатдир.

Маҳбуслар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидаларида умумэтироф этилган қоидалар тегишли йўналиш бўйича бир неча гуруҳдан иборат талабларни ўз ичига олган.

Биринчи гуруҳда маҳкумларни қабул қилиш, таснифлаш, моддий-маиший таъминот, режим, меҳнатни ташкил қилиш, касбий тайёргарлик ва тарбиявий ишлар бўйича, шунингдек, персоналга талаблар ўрнатувчи бўлим мавжуд. Гуруҳга оид талаблар маҳкумларни қабул қилиш қоидаларини, қайддан (регистрациядан) ўтказиш тартиби ва келган маҳкумлар тўғрисидаги маълумотлар характерини белгилаш билан бирга, тоифаларга ажратиш, вояга етмаганлар ва катталарни, эркалар ва аёлларни, маҳкумлар ва терговдагиларни, биринчи марта судланган маҳкумларни ва рецидивистларни ажратилган ҳолда алоҳида-алоҳида сақлашни белгилайди.

Иккинчи гуруҳга тааллуқли талаблар маҳкумларни моддий-маиший сақлаш шароитларининг минимал талабларини, хусусан, яшаш жойлари бўйича талаблар — ҳар бир маҳкумни тунда алоҳида хонага (камерага) жойлаштиришни, ҳамма яшаш жойларида табиий ёруғлик ва тоза ҳаво нормал даражада бўлишини, ҳар бир маҳкум ўзининг табиий эҳтиёжларини тозалikka риоя этган ва ўз кадр-қимматини сақлаган ҳолда қондириши учун етарли даражада санитар-гигиена шароитлари (ҳожатхона ва душ) бўлишини назарда тутди.

Шахсий гигиена бўйича талаблар маҳкумга ўз ташқи қиёфасини табиий сақлаши учун керакли буюмлар билан таъминланишини шарт қилиб қўяди.

Кийим кийиш ва ётоқ жойлари бўйича ҳам стандарт мавжуд. Яъни фуқаролик кийими кийиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган маҳкумларга уларнинг инсоний кадр-қимматини камситмаган ҳолда мавсумий кийим-бош берилишини, маҳкум муассаса ташқарисига чиққанида шахсий ёки атрофдагилардан фарқ қилмайдиган кийим кийишини, ҳар бир маҳкум индивидуал ётоқ жойи ва кўрпа-тўшак билан таъминланиши ҳамда чойшаблар мунтазам равишда алмаштириб турилишини назарда тутди.

Овқатланиш бўйича умумий талаблар шундан иборатки, яъни овқат соғлиқни сақлаш учун етарли даражада ва тўйимли бўлиши, сифатли тайёрланиши ва узлуксизлиги, ҳар бир маҳкум эҳтиёжига кўра тоза ичимлик суви билан таъминлаши ва ҳоказо.

Жисмоний машқлар бўйича умумий талаблар очиқ ҳавода иш билан таъминланмаган маҳкумлар, агар об-ҳаво қулай бўлса, ҳар куни бир соатдан кам бўлмаган вақт мобайнида жисмоний машқлар билан шуғулланиши, жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти эса бу машқларни бажариб бориш учун лозим даражада майдон ва

ускуналар билан таъминлаб беришини белгилайди.

Тиббий-санитария таъминоти бўйича умумий талабларга кўра, ҳар бир жазони ижро этиш муассасаси биттадан кам бўлмаган тиббий ходимга эга бўлиши, маҳкум муассасага келган пайтда тиббий кўрикдан ўтиши ва кейинчалик унинг соғлиғи устидан доимий назорат амалга оширилиши, касалларнинг махсус муассасаларга ўтказилиши, агар маҳкума аёлларга болаларини ўзи билан қолдиришга рухсат этилса, унда мазкур муассасада болалар боғчаси ташкил этилиши, шифокор ходим доимий равишда маҳкумларнинг моддий-маиший сақланиш шароитларини текшириб, назорат қилиб бориши назарда тутилади.

Учинчи гуруҳ режимни ташкил этиш бўйича талабларни ўз ичига олади ва гуруҳнинг ўзи иккита кичик гуруҳга ажратилади. Биринчи кичик гуруҳ талаблари режимни таъминлаб, тартиб ва интизомни қўллаб-қувватлайди ҳамда қуйидагиларни тавсия этади: муассаса маъмурияти томонидан маҳкумга унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, интизомий жазо турлари ва ҳуқуқбузарлик тушунчаси ҳақида маълумот берилишини, уларни қўллаш ҳуқуқига эга бўлган органлар ва мансабдор шахсларнинг қонун асосида фаолият кўрсатишини, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ишлари жазо тартибда тайинланмаслигини, шафқатсиз ҳамда инсонийликка хос бўлмаган жазоларнинг тайинланмаслигини, хавфсизликни таъминлаш воситалари фақатгина жароҳат етказишнинг олдини олиш ёки қочиб кетишни тўхтатишнинг олдини олиш мақсадида қўлланилишини, занжир ва кишанлар қўллашни қатъиян тақиқлашни ва ҳоказо.

Иккинчи кичик гуруҳ талаблари маҳкумларнинг ташқи олам билан алоқаларини тартибга солиб, қуйидагиларни тавсия этади: барча маҳкумлар ҳар қандай ҳокимият органларига цензурадан ўтказилмаган тарзда шикоятлар билан муурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлишини, белгиланган муддат оралиғида ва лозим бўлган назорат остида оиласи ёки ижобий тавсифга эга бўлган яқин кишилари билан мулоқотда бўлиш имкониятига эга бўлишини, чет эл фуқароларига ўз давлатининг дипломатик вакиллари билан етарли даражада мулоқотда бўлишини, маҳкумларга газета, журнал ва китоблар ўқиш, радио эшитиш имкониятини таъминлашни, маҳкум вафот этганда ёки жиддий касалланганда унинг қариндошларига дарҳол

хабар қилинишини ва ҳоказо.

Тўртинчи гуруҳ ахлоқ тузатиш воситалари, яъни меҳнат, касбий тайёргарлик, тарбиявий ишларни қўллаш борасидаги талабларни ўрнатади.

Жумладан, меҳнатни ташкил этиш борасидаги талаблар қуйидагилардан иборат: маҳкумлар ўз қобилиятларига яраша меҳнат қилишлари ва ўз меҳнатлари учун адолатли иш ҳақи олишлари, меҳнат ижтимоий фойдали фаолият бўлишини ҳамда қийноққа сабаб бўлмаслигини, меҳнатни ташкил этишда иқтисодий фойда кўриш мақсади бўлмаслигини, хавфсизлик ва ҳимоя қоидалари умумий қоидаларга мос келишини, шу жумладан, олинган жароҳат ёки касб билан боғлиқ касаллик учун компенсация олиш ҳуқуқига эга бўлишини, иш ҳафтасининг энг кўп муддати ҳафтада бир марта дам олиш кунини ҳисобга олган ҳолда амалдаги қонунчилик билан белгиланишини, маҳкумлар ўз иш ҳақига энг зарур нарсаларни сотиб олиш ва оиласига ёрдам кўрсатиш имкониятини ва ҳоказо.

Тарбиявий ишлар бўйича талаблар эса қуйидагиларни тавсия этади: ёшлар ва саводсизларни ўқитиш мажбурий эканлигини, ҳар бир муассасада маҳкумлар фойдаланиши мумкин бўлган кутубхоналар мавжудлигини, маҳкумларнинг қонунга итоаткор ҳулқ-атворини рағбатлантириш принциpigа амал қилинишини, ҳар бир маҳкум билан тарбиявий ишларни олиб бориш режасини тузишда унинг шахсий хусусиятлари албатта ҳисобга олиниши лозим.

Қоидаларнинг махсус бўлими жазони ижро этиш муассасалари ходимларига қуйидаги талабларни қўяди: ходимлар ўз устида ишлайдиган, етарли маълумотга эга ва жисмонан бақувват, шунингдек, маҳкумлар учун шахсий намуна ва уларнинг ҳурматларига сазовор бўлишлари ва ҳоказо. Жазони ижро этиш муассасаларидаги шаҳодатланган психолог, психиатр, ўқитувчи ва тарбиячи ходим лавозимларига малакали мутахассисларни жалб этиш, қулай меҳнат шароитини яратиш, маҳкума аёлларни назорат қилувчилар улар билан бир жинсда бўлиши, муассаса ходимларига тўланадиган ойлик маош уларнинг кундалик ва оилавий эҳтиёжларини қондирадиган даражада етарли бўлиши, ижтимоий ҳимоя ва имтиёзлар билан таъминланиши, айна пайтда пенитенциар муассасалар ва уларда ишлаётган ходимлар тегишли давлат органлари ҳамда хизмат вакилларининг доимий назоратида бўлишлари назарда тутилади.



¹Рустамбоев М.Х., Тухташева У.А. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти ва суд-ҳуқуқ ислохоти. – Тошкент, 2009. – Б.235.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2 011.-Б.3-7.

³Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига оид халқаро ҳужжатлар: тўплам / Маъсул муҳаррир А.Х.Саидов. – Т., 2004. – Б. 12-19.

Дилрабо КАРИМОВА,
преподаватель Высших курсов подготовки сержантского состава
Академии МВД Республики Узбекистан

УГОЛОВНО-ПРОЦЕССУАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ СЛЕДОВАТЕЛЯ С ОРГАНАМИ ДОЗНАНИЯ НА СТАДИИ ПРЕДВАРИТЕЛЬНОГО СЛЕДСТВИЯ

✦ Мақолада муаллиф терговчининг тергов ва тезкор ҳаракатлар ўтказишда ўз иш юритувида бўлган жиноят иши бўйича суриштирув идораларига берадиган топшириқ, кўрсатма ва талаблари бажарилишининг процессуал томонларини очиб беришга ҳаракат қилган ҳамда бу борада ўз нуқтаи назарини илмий асослантиришга уринган.

✦ В статье автор, анализируя проблемы взаимодействия следователя с органами дознания, затрагивает и научно обосновывает уголовно-процессуальные аспекты взаимодействия следователя с органами дознания при производстве следственных, розыскных действий в стадии предварительного следствия, и высказывает свою точку зрения по решению некоторых проблем в данной сфере.

✦ In article have discussed problems in cooperation of investigator with the bodies of inquiry also author disputes with opinions of some authors, and scientifically substantiates one ideas. Author gives his ideas in solving of research problems.

Таянч сўзлар: Терговчи, суриштирувчи, терговчининг суриштирув идаралари билан ўзаро ҳамкорлиги, терговчининг топшириги, тергов ва тезкор ҳаракатлар.

Ключевые слова: Следователь, орган дознания, взаимодействие следователя с органами дознания, поручение следователя, следственные и розыскные действия.

Key words: Interaction of investigator with the bodies of inquiry, investigator, organs of inquiry, methods of organization of corporation, the perspective of developing.

Президент Республики Узбекистан Ислам Каримов отметил, что "Одним из ключевых приоритетов демократического обновления страны является последовательная демократизация, либерализация судебной-правовой системы, направленная на обеспечение верховенства закона, законности, надежную защиту прав и интересов личности, говоря коротко, - формирование правового государства и правосознания людей".

При обеспечении верховенства закона необходимо поставить надежный заслон преступности, в борьбе с которой важную роль играют следственные органы. Одним из важных элементов в этом направлении является взаимодействие следователя, как основного организатора досудебного производства с органами дознания как непосредственными исполнителями поручений следователя. Эффективность данного взаимодействия зависит от многих факторов, одним из которых являются правовые основания совместной, сла-

женной работы следователя и органа дознания. Следует признать, что в настоящее время на практике "очень часто не обеспечивается должное взаимодействие с оперативно-розыскными органами". Это связано с определенным несовершенством уголовно-процессуального и оперативно-розыскного законодательства относительно механизма взаимодействия следователя с органами дознания. К числу нуждающихся в дальнейшем исследовании относится и вопрос о даче следователем поручений о проведении следственных и розыскных мероприятий. Такое взаимодействие осуществляется в определенных формах, под которыми в научной литературе понимаются основанные на уголовно-процессуальном законе конкретные способы сотрудничества этих органов, средства связи между ними, обеспечивающие их совместную согласованную работу при расследовании преступлений.

Расследуя преступление, следователь вправе

воспользоваться помощью органов дознания. В соответствии со ст. 36, 347 УПК Республики Узбекистан, следователь имеет полномочия давать письменные поручения органу дознания о выполнении розыскных и следственных действий по принятым к своему производству уголовным делам, а также требовать от органов дознания содействия в производстве отдельных следственных действий. Как видно из содержания данной правовой нормы, взаимодействие в данном случае заключается в выполнении органом дознания следственных или розыскных действий по поручению следователя. В деятельности органов предварительного расследования дача следователями органам дознания названных поручений применяется широко.

Наличие подобных поручений в уголовном деле является важным документом с точки зрения допустимости доказательств, полученных не следователем. Известно, что доказательства по уголовному делу должны быть получены только надлежащим субъектом расследования, а именно тем следователем, в чьем производстве находится уголовное дело. Когда следователь поручает выполнить следственные действия другому участнику процесса, в данном случае органу дознания, то последний должен приобрести статус "надлежащего субъекта" сбора доказательств по уголовному делу. Поручение следователя в этом случае является как бы своеобразной доверенностью, на основании которой, орган дознания приобретает полномочия по производству следственных действий в качестве надлежащего субъекта по сбору доказательств. Несмотря на то, что в законе нет указания на необходимость приобщения к материалам уголовного дела поручения следователя, представляется целесообразным рекомендовать обязательное приобщение подобного поручения к материалам уголовного дела. Это действие необходимо для того, чтобы иные участники процесса при ознакомлении с материалами уголовного дела могли бы видеть поручение и оценивать полученное доказательство иным субъектом, как допустимое.

Наличие у оперативных аппаратов органов дознания специфической (негласной) оперативно-розыскной функции и отсутствие таковой у следователя придает взаимодействию совершенно новые свойства. Кроме того, необходимость органического и теснейшего взаимодействия обусловлено доминирующим разведывательно-поисковым и конспиративным характером оперативно-розыскной и преимущественно доказательственной направленности уголовно-процессуальной деятельности, реализуемой гласно.

При осуществлении взаимодействия большое значение имеет содержание поручения следователя о проведении процессуальных, следствен-

ных или розыскных действий. Важно указывать в поручении о том, какое именно процессуальное или следственное действие поручается провести органу дознания. Конкретное указание на перечень дозволенных действий определяет пределы полномочий органа дознания, который начинает действовать вместо следователя.

В уголовно-процессуальном законе отсутствуют перечень и объем тех процессуальных, следственных или оперативно-розыскных действий, которые могут быть поручены следователем органу дознания. Это тем более актуально в связи с принятием нового Закона Республики Узбекистан "Об оперативно-розыскной деятельности". Подобная ситуация позволяет следователю самому определять тот необходимый перечень вышеуказанных действий, которые он намерен поручить. Представляется, что такое положение вещей не всегда оправданно. Следователи зачастую злоупотребляют своими полномочиями в этой части и поручают выполнение таких действий, которые могли бы осуществить сами. В специальной юридической литературе по этому поводу исследователями высказываются разные суждения относительно механизма взаимодействия между следователем и оперативными подразделениями уголовного розыска. Так, Н.А.Аменицкая полагает, что "современная проблема взаимодействия органов, осуществляющих оперативно-розыскную деятельность, и органов предварительного расследования обусловлена противоречием между системной взаимосвязью этих видов государственной деятельности и отсутствием единой нормативно-правовой регламентации вопросов взаимодействия оперативных подразделений и следователя". Однако как следует увязать оперативно-розыскную деятельность органов дознания с процессуальной деятельностью следователя. А.В. Гордин определяет, "что постановка в законе задач ОРД, оснований ОРМ и назначений уголовного судопроизводства взаимоувязаны, что явно предполагает объединение субъектов взаимодействия в достижении общей цели - установления истины о преступном событии в ходе раскрытия и расследования преступлений посредством использования средств и методов, присущих этим подсистемам, но при четком разграничении их полномочий". При расследовании преступлений следователь не всегда имеет право и возможность участвовать в проведении оперативно-розыскных действий проводимых подразделениями уголовного розыска. А это может повлиять на то, насколько доказательство оказалось ценным.

Зачастую, загруженность сотрудников органов дознания поручениями следователя о выполнении многоэпизодных следственных действий, отдаляет их от исполнения своих основных служебных обязанностей. Нельзя возлагать на дознава-

телей проведение предварительного расследования по уголовному делу, находящемуся в производстве у следователя. Так как данная функция производится самим следователем путём проведения следственных действий, установленных уголовно-процессуальным законодательством, что даёт гарантии установления истины по расследуемому делу. Не вызывает сомнения дача следователем поручения дознавателю о задержании подозреваемого или обвиняемого, проведение обыска и выемки и т.п. Но следственные действия, проведение которых требуют принятия определенного постановления, ни в коем случае не должны передаваться для выполнения органу дознания. К числу таких следственных действий можно отнести избрание или изменение меры пресечения, приостановление либо окончание уголовного дела, выделение или приобщение уголовных дел и т.п.

Другие исследователи дают более широкое понятие взаимодействия, подразумевая под этим не только оказание помощи в проведении следственных действий органами дознания, но и тесное сотрудничество в расследовании преступлений.

Так, А. Х.-А. Пихов даёт предметный анализ таких ключевых понятий, как "правовая помощь" и "сотрудничество в борьбе с преступностью", по результатам которого "правовая помощь по уголовным делам определяет как форму сотрудничества государств в борьбе с преступностью, содержанием которой является совершение на основе взаимности допустимых по национальным законам и международным соглашениям действий, способствующих выявлению преступлений, их расследованию, судебному рассмотрению и реализации приговоров, а также иных действий и решений".

Необходимо отметить, что следователь является ответственным лицом в производстве которого находится уголовное дело, и он как субъект предварительного следствия, и по возможности только он должен производить наиболее важные следственные действия. Однако в силу разных причин следователь не всегда может выполнить все необходимые следственные действия по уголовному делу сам. Учитывая это обстоятельство, законодатель предусмотрел для следователя право обратиться за помощью к органу дознания. Каждый следователь по уголовному делу, находящемуся в его производстве, вправе произвести лично либо поручить другому следователю или дознавателю произвести какое-либо следственное действие в любом месте на территории Республики Узбекистан (УПК РУз. ч.1 ст.347). Можно предположить, что следователь сам определяет необходимость поручения производства того или иного следственного действия и он давая пору-

чение о производстве следственных действий, должен исходить из конкретных обстоятельств уголовного дела.

Относительно взаимодействия следователя с экспертно-криминалистическими подразделениями, которые также являются по своей сути органами дознания, можно привести мнение Т.В. Демидовой, которая отмечает: "Взаимодействие следователя с сотрудниками экспертно-криминалистических подразделений представляет собой урегулированную законом и ведомственными нормативными актами согласованную деятельность административно независимых друг от друга субъектов, протекающую под руководством следователя и состоящую в использовании им помощи эксперта (специалиста) при производстве экспертиз, проведении других следственных действий и оказании непроцессуальной помощи в целях раскрытия, расследования и предупреждения преступлений".

Не вполне понятно также, почему в ч. 1 ст. 347 УПК РУз речь идет о праве следователя поручать органам дознания производство только следственных действий. У следователя может возникнуть необходимость в производстве не по месту совершения преступления и иных процессуальных, розыскных действий (например, наложение ареста на имущество, задержание или заключение под стражу скрывшегося обвиняемого в порядке, предусмотренном ч. 2 ст. 243 УПК РУз). Исходя из этого, было бы целесообразным в ч. 1 ст. 36 УПК РУз указать на полномочия следователя поручать органам дознания производство не только розыскных и следственных, но также и других процессуальных действий.

Возникают ситуации, когда по каким-либо причинам следователь не может произвести следственное действие самостоятельно. Это может быть удаленность местонахождения следователя от места предполагаемого производства следственного действия (например, в другом городе), большая загруженность следователя по другим уголовным делам, может возникнуть необходимость производства нескольких следственных действий одновременно. Очевидно одно - исключается возможность производства следственного действия самим следователем. Только при этом условии будет оправданным поручение следователя о выполнении розыскных и следственных действий другим лицам.

Предположим, что следователь для проверки сведений, содержащихся в сообщении о преступлении, дал органу дознания обязательное для исполнения письменное поручение о проведении конкретных оперативно-розыскных мероприятий, а орган дознания смог осуществить требуемую проверку лишь путём осуществления других оперативно-розыскных мероприятий,

не указанных в поручении следователя, то возникает ситуация при которой: а) орган дознания не выполнил требование закона об обязательном исполнении письменного поручения следователя о выполнении конкретных оперативно-розыскных мероприятий и, б) это повлечет в дальнейшем признание недопустимыми доказательств, полученных с использованием результатов оперативно-розыскной деятельности, добытых в ходе оперативно-розыскных мероприятий, выполнение которых следователь не поручал органу дознания.

Изложенное приводит к выводу о том, что, давая органу дознания обязательное для исполнения письменное поручение о проведении оперативно-розыскных мероприятий, следователь не должен указывать в нем, какие именно розыскные и оперативно-розыскные мероприятия следует осуществить при выполнении его поручения.

Поскольку в соответствии с уголовно-процессуальным законодательством любое решение следователя должно оформляться постановлением, то по нашему мнению, вынесение постановления об отмене поручения органам дознания о проведении оперативно-розыскных мероприятий должно быть предусмотрено в определённой статье УПК РУз, регулирующей отказ в возбуждении уголовного дела. Само собой разумеется, что следователь имеет право отменять свои по-

ручения о проведении оперативно-розыскных мероприятий в стадии возбуждения уголовного дела и до вынесения постановления об отказе в возбуждении уголовного дела, если отпала необходимость в их проведении. Постановление следователя об отмене поручения органам дознания о проведении оперативно-розыскных мероприятий должно храниться в материалах проверки сообщения о преступлении, а если оно вынесено после возбуждения уголовного дела, то в материалах уголовного дела.

Затронутая в данной статье проблема взаимодействия следователя с органами дознания в настоящий момент актуальна. Деятельность следователя по предупреждению и пресечению преступлений многогранна, а потому ее практическое осуществление порождает вопросы, которые необходимо планомерно, систематически разрешать в установленном законом порядке. Следовательно, предположения о внесении изменений в нормативно-правовые акты, высказанные в контексте настоящей статьи, в очередной раз подтверждают неразрешенность существующих правовых пробелов в данной сфере, а поэтому обосновывают и необходимость принятия действенных мер, направленных на изменение сложившейся ситуации в целях усовершенствования действующего уголовно-процессуального, оперативно-розыскного законодательства и ведомственных нормативных актов.



Махиннора МИРХАМИДОВА,
преподаватель Университета мировой экономики и дипломатии

РАЗВИТИЕ МЕЖДУНАРОДНО ПРАВОВЫХ ОТНОШЕНИЙ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И КОРОЛЕВСТВА САУДОВСКОЙ АРАВИИ

- ◆ Мақола Ўзбекистон Республикаси ва Саудия Арабистони Қироллиги ўртасидаги халқаро ҳуқуқий муносабатларни ўз ичига олади.
- ◆ Статья включает в себя международно-правовые отношения между Республикой Узбекистан и Королевством Саудовской Аравией.
- ◆ The present article covers international relations between the Republic of Uzbekistan and the Kingdom of Saudi Arabia.

Таянч сўзлар: Саудия Арабистони Қироллиги, Саудия тараққиёт жамғармаси, халқаро ҳуқуқий муносабатлар, ISESKO.

Ключевые слова: Королевство Саудовская Аравия, Саудовский фонд развития, международно-правовые отношения, ISESKO.

Key words: Kingdom of Saudi Arabia, Saudi Fund for Development, international law relations, ISESKO.

Двухсторонние отношения между Узбекистаном и Саудовской Аравией были установлены на раннем периоде, сразу после объявления Узбекистаном своей независимости 31 августа 1991 г. Основой сотрудничества является Меморандум о взаимопонимании, о дипломатических отношениях (20 февраля 1992 г.).

В подтверждение динамичного развития отношений между странами можно привести следующую хронологию. Так, в апреле 1992 г. Президент Республики Узбекистан Ислам Каримов посетил с официальным визитом Королевство и встретился со Служителем Двух Святынь Королем Фахдом ибн Абдел Азизом. Этот визит способствовал укреплению двухсторонних отношений. Следующим важным шагом в деле укрепления и развития узбекско-саудовских отношений стал визит Министра иностранных дел Саудовской Аравии Сауда аль-Фейсала в Узбекистан.

В ноябре 1992 г. в Джидде начало свою деятельность Генеральное консульство Узбекистана. В 1995 г. в Эр-Рияде открылось Посольство Узбекистана. С 1997 г. в Ташкенте функционирует Посольство Королевства Саудовской Аравии.

В политической сфере уделяется особое внимание также развитию межпарламентского сотрудничества. В апреле 2012 г. состоялся визит саудовской делегации во главе с председателем Консультативного совета (парламент) Абдуллой Аль аш-Шейхом в Узбекистан.

Следует упомянуть также, что был организован визит саудовской делегации во главе с государственным министром по иностранным делам Низаром бин Обейд Мадани, в ходе которого был проведен очередной раунд межмидовских политических консультаций.

Активно развивается сотрудничество между Узбекистаном и Саудовской Аравией в культурной сфере. В частности, в 2011-2013 гг.:

- делегация Узбекистана принимала участие на Международной книжной ярмарке;
- организованы Дни культуры Узбекистана в городах Эр-Рияд и Джидда;
- состоялся визит саудовской делегации во главе с ректором Мединского исламского университета Мухаммада ат-Тамими;
- представители Узбекистана приняли участие в международной конференции по случаю объявления г. Медины столицей исламской культуры в 2013 г.;
- представители и музыканты национальных инструментов Саудовской Аравии приняли участие в работе международного музыкального фестиваля «Шарк тароналари»;
- поездка паломников Узбекистана в Саудовскую Аравию в целях совершения обрядов умра и хадж.

Хочется особо подчеркнуть, что интерес представляет хронология развития экономического сотрудничества. В июне 2011 г. в Ташкенте состоя-

лось 3-е заседание узбекско-саудовской межправительственной комиссии (далее — МПК), в рамках которого был проведен бизнес-форум, а также подписаны протокол и соглашение о взаимном поощрении инвестиций.

В настоящее время реализуется 2 проекта по линии Саудовского фонда развития (далее — СФР) в области развития ирригационных систем и общеобразовательных школ.

В июне 2011 г. в Джидде подписано соглашение между Республикой Узбекистан и СФР о финансировании работ по реконструкции автомагистрали «Гузар-Чим-Кукдала».

В феврале 2013 г. состоялся визит бизнес-деlegationи Торгово-промышленной палаты в Узбекистан, в ходе которого проведен узбекско-саудовский бизнес-форум.

В мае 2013 г. также состоялся визит саудовской делегации во главе с министром финансов, председателем совета директоров Саудовского фонда развития Ибрахимом аль-Ассафом в Узбекистан.

Таким образом, в течение 23 лет с момента установления двухсторонних отношений сотрудничество двух стран развиваются поэтапно под эгидой лидеров двух стран Короля Абдал Азиза и Президента Ислама Каримова.

Большой интерес представляет определение перспектив и приоритетных направлений дальнейшего сотрудничества. После открытия дипломатических представительств в обеих странах, были подписаны ряд соглашений о сотрудничестве в политической, торгово-экономической, инвестиционной, технологической и культурной сферах. В настоящее время рассматривается возможность подписания других соглашений в рамках деятельности узбекско-саудовской межправительственной комиссии.

Узбекистан может стать важным партнером для совместных арабско-узбекских инвестиций, которые можно создать на основе арабских финансовых ресурсов и богатом узбекском потенциале. Такие совместные инвестиции дают возможность разнообразить традиционные экономические альтернативы, существующие между арабскими государствами и Узбекистаном.

Саудовская Аравия является основным мировым экспортером нефти, однако есть и другие источники финансирования экономики, в данное время Королевство вкладывает большие инвестиции в сферу промышленности, сельского хозяйства и коммерции. Также Саудовская Аравия располагает большими инвестиционными вложениями в экономику различных стран, на постоянной основе. Именно этот сектор может стать основой укрепления отношений между Республикой Узбекистан и Королевством Саудовской Аравии. Следует отметить Узбекистан и Саудовская Аравия располагают огромным потенциалом для сотрудничества в области переработки нефти и газа,

торговли, строительства, текстильной промышленности и в других сферах. В частности, в нефтегазовой и текстильной промышленности имеется огромная разница в ценах на сырье и готовую продукцию. Создание совместных предприятий в этих отраслях послужит развитию взаимовыгодных связей. Узбекистаном и Саудовской Аравией накоплен богатый опыт и в сфере строительства. При этом перспективным является производство строительных материалов.

Принимая во внимание, что Узбекистан — страна, не имеющая выхода к морю, необходимо активизировать сотрудничество по строительству автомагистралей. Саудовская Аравия поддерживает инициативу Узбекистана по строительству международного транспортного коридора Узбекистан — Туркменистан — Иран — Оман — Катар. Данный проект направлен на активизацию экономического сотрудничества между нашими государствами. Договоренность об этом была достигнута в ходе официального визита Помощника Министра иностранных дел Принца Халида бин Сауда бин Халида Аль Сауда в октябре 2010 г., когда он заявил, что Королевство поддерживает эту инициативу.¹

Этот транспортный коридор будет способствовать выходу центрально-азиатских стран к мировым рынкам и укреплению сотрудничества именно с государствами залива, в том числе с Саудовской Аравией.²

Республика Узбекистан и Королевство Саудовская Аравия развивают двустороннее сотрудничество, опираясь на рамочное соглашение о сотрудничестве в политической, экономической, торговой, инвестиционной и технологической сферах, делах молодежи и спорта, на соглашение о защите и поощрении инвестиций³, соглашение об избежании двойного налогообложения⁴. Успешно выполняет свою функцию узбекско-саудовская совместная межправительственная комиссия, что содействует развитию и активизации социально-культурного, торгового, инвестиционного, экономического сотрудничества между двумя странами.

На сегодняшний день в Узбекистане действует 10 компаний с участием саудовского капитала, 4 из которых работают со 100%-ым саудовским капиталом.⁵

Также развивается сотрудничество между странами в области обеспечения безопасности и защиты прав и свобод человека, свидетельством тому является визит 2 апреля 2013 г. в Узбекистан членов делегации Министерства внутренних дел Королевства Саудовской Аравии под руководством Генерала Абдулла Бин Мухаммад Аль-Хувейрийний — начальника Главного Управления международного сотрудничества при Министерстве внутренних дел Саудовской Аравии. В ходе визита члены делегации встретились с руководством Министерства внутренних дел Республики Узбекистан

тан. В ходе данной встречи были обсуждены перспективы развития сотрудничества между Узбекистаном и Королевством Саудовская Аравия в сфере обеспечения безопасности. Кроме того, между двумя странами существует договор о развитии сотрудничества в области борьбы с терроризмом, организованной преступностью, контрабандой и оборотом наркотиков, психотропных веществ, борьбы с различными видами преступлений⁶.

Сотрудничество развивается непрерывно между Комитетом по делам религий при Кабинете Министров Республики Узбекистан и Министерством по делам Хаджа и Министерством по делам Ислама, Ваффов, и Наставлений Королевства Саудовской Аравии.

Число паломников из Узбекистана, ежегодно отправляющихся в Мекку и Медину в Хадж, составляет 5200 человек, а число паломников республики, отъезжающих в Умра ежегодно, составляет 6000 граждан.

В конце декабря 2014 года в Управлении мусульман Узбекистана была принята делегация Международной компании «Аль-Хидая» Саудовской Аравии. В ходе приема была проведена встреча с руководством Комитета по делам религий и Управления мусульман Узбекистана. На встрече были обсуждены вопросы, а также подписан договор об организации проведения обрядов Умры весеннего сезона и Рамадана в 2015 году в Мекке и Медине.

Между центром Короля Абдулазиза и институтом Востоковедение им. Бируни подписано соглашение о научном сотрудничестве между двумя странами в Эр-Рияде в январе 2011 г. Его цель — создать совместную базу для работы над научными арабскими и исламскими проектами.

В 2007 г., благодаря широкомасштабной работе, осуществляемой в стране под руководством Президента Ислама Каримова, по обеспечению свободы совести, восстановлению и развитию

исламских ценностей, изучению богатого научно-культурного наследия предков, реконструкции и благоустройству мест захоронения великих мыслителей и святых, Ташкент был объявлен ISESKK⁷ столицей исламской культуры. Это событие было встречено с большим удовлетворением в Саудовской Аравии, представители которой приняли участие в международной конференции и встречах, состоявшихся по этому случаю в Ташкенте.

На сегодняшний день опубликованы и переведены на арабский язык несколько трудов Президента Республики Ислама Каримова, в частности «Узбекистан на пути к великому будущему»⁸, «Узбекский народ никогда и ни от кого не будет записан»⁹.

Необходимо упомянуть также многосторонние отношения, которые составляют твердую основу для сотрудничества современных отношений между государствами, и закрепляют сходство подходов двух сторон к большинству важных проблем как международных, так и региональных. Обе страны сотрудничают в рамках Организации Объединенных Наций, Организации Исламского сотрудничества и других международных организациях.

Таким образом, сотрудничество между государствами будет развиваться как на двухсторонней основе, так и в рамках международных отношений во всех сферах сотрудничества: политического, экономического, культурного, социального.

В заключении следует отметить, что Узбекистан и Саудовская Аравия располагают большим потенциалом для развития взаимного сотрудничества в разных сферах. Сближаясь и находя все новые точки соприкосновения, сфера интересов обеих сторон друг к другу растет. Можно с уверенностью сказать, что развитие двухсторонних международно-правовых отношений Республики Узбекистан и Саудовской Аравии в дальнейшем также будет служить во благо развития и процветания двух стран.



¹ Этот проект был инициирован в ходе визита Президента Ислама Каримова в Туркменистан в 2010 году.

² Абдурахмон бин Абдулла аш-Шае, Чрезвычайной и полномочный посол Королевства Саудовской Аравии в Республике Узбекистан. Интервью «У Узбекистана и Саудовской Аравии есть незадействованные резервы в сотрудничестве». Доступно на http://podrobno.uz/upload/media/20131004_170749.jpg

³ Эр-рияд, 1995г. ноября

⁴ Эр-рияд, 2008г. ноября

⁵ Абдурахмон бин Абдулла аш-Шае, Чрезвычайной и полномочный посол Королевства Саудовской Аравии в Республике Узбекистан. Интервью «У Узбекистана и Саудовской Аравии есть незадействованные резервы в сотрудничестве». Доступно на http://podrobno.uz/upload/media/20131004_170749.jpg

⁶ Абдурахмон бин Абдулла аш-Шае, Чрезвычайной и полномочный посол Королевства Саудовской Аравии в Республике Узбекистан. Интервью «У Узбекистана и Саудовской Аравии есть незадействованные резервы в сотрудничестве». Доступно на http://podrobno.uz/upload/media/20131004_170749.jpg

⁷ ISESKK - Исламская организация по вопросам образования, науки и культуры (Islamic Educational, Scientific and Cultural Organization) была учреждена Организацией Исламская Конференция (ОИК) в мае 1979 года.

⁸ Перевёл на арабский язык доктор Мухаммад аль-Бухари. Издано в 1999 г. саудовским объединением «Дар ас-Салам» издательства ас-Сарават в г. Джидда.

⁹ В 2008 году делегация Узбекистана посетила Королевство Саудовской Аравии. Во время визита состоялась презентация книги Президента Республики Узбекистана на арабском языке в Центре исламских исследований Короля Фейсала в Эр-Рияде.

ЖИНОЯТ ИШИНИ ҚЎЗГАТИШ БОСҚИЧИДА ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ

◆ Мақолада жиноят ишини қўзғатиш босқичида қонунийликни таъминлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинган. Жиноят-процессуал қонунчилик нормалари ва илмий адабиётларни ўрганиш асосида қонунийликнинг бузилиши турлари ҳамда тергов бўлими бошлиғи ва прокурор томонидан жиноят ишини қўзғатиш босқичида қонунийликни таъминлаш бўйича ваколатлари таҳлил қилинган.

◆ В статье рассмотрены актуальные вопросы обеспечения законности на стадии возбуждения уголовного дела. На основе анализа уголовно-процессуального законодательства и научной литературы рассмотрены виды нарушений законности и полномочия начальника следственного отдела и прокурора по упреждению нарушений законности на стадии возбуждения уголовного дела.

◆ The article deals with the urgent issues of ensuring of the rule of law in the stage of instigate criminal case. The author analyses the notion of legality, infringement of legality, authorities of the head of the investigation department on ensuring of the rule of law in the activity in the stage of instigate criminal case bodies on the basis of studying the norms of Criminal procedure and scientific literature.

Таянч сўзлар: Қонунийлик, жиноят ишини қўзғатиш, тергов бўлими бошлиғи, прокурор, қонунийликнинг бузилиши, тергов бўлими бошлиғининг ва прокурорнинг ваколатлари.

Ключевые слова: Законность, возбуждение уголовного дела, начальник следственного отдела, прокурор, нарушение законности, полномочия начальника следственного отдела и прокурора.

Key words: legality, instigate criminal case, head of the investigation department, prosecutor, infringement of legality, authorities of the head of the investigation department and prosecutor.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий мақсади шиддат билан ўзгараётган замон талабларига жавоб берадиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини олий қадрият сифатида кафолатлайдиган қонунчилик тизими ва уни амалга ошириш механизмини тўлиқ шакллантириш ва амалиётга жорий этишдан иборатдир. Ушбу мақсадга эришиш айниқса, жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал этиш, жиноят содир этган шахсларни аниқлаш, улар учун жавобгарлик ва жазонинг муқаррарлигини таъминлаш, жиноятдан жабрланган шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, шунингдек, ушбу жараёнлар давомида қонунийликнинг таъминланиши жуда муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов: “Энг аввало қонунчилик фаолиятимиздаги камчиликларни танқидий баҳолаб, бартараф этиш, қонунларимизнинг мукамал ва изчил бўлишига эришмоғимиз ва энг муҳими, барча ҳуқуқий давлатлар қаторида қонун

асосида яшашни ўрганишимиз зарур. Шу билан бирга, қонунчилик ва меъёрий асосларни шакллантириш жамиятни ўзгартириш ва ислоҳ этиш жараёнидан олдинроқ юриши керак”¹, деб бежиз таъкидламаган.

Жиноятга оид ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, кўриб чиқиш ва ҳал этишдан иборат фаолият Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси²нинг (кейинчалик — ЖПК) нормалари ва идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган бўлиб, уни амалга оширишда суриштирувчи, терговчи ва прокурор томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар ва қабул қилинадиган қарорлар қонунийлик ва асослантирилганлик талабларига жавоб бериши лозим.

Зеро, ЖПКнинг 382-моддаси 3-қисми 1-бандида ва Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 28-моддаси 1-қисми 2-бандида: “...содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги ариза ва маълумотларни қабул қилиш, рўйхат-

дан ўтказиш ва ҳал этиш тўғрисидаги қонун талаблари қай даражада ижро этилаётганлигини ҳар ой камида бир марта текширади³, деб белгиланган. Бу эса жиноят ҳақидаги ариза ва хабарни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал этишда қонунийлик ва асосланганлик масалаларининг муҳокама этилишига асос яратади. Ушбу тушунчалар ўртасидаги алоқани изоҳлашга турлича муносабатлар мавжуд. Жумладан, Ю.Н.Белозеров ва А.А.Чувилевларнинг фикрича, "...фақат асосланган қароргина қонуний деб топилиши мумкинлигидан, асосланганлик эса процессуал қарорга асос бўладиган фактик маълумотларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда жиноят-процессуал қонун талабларига қатъий риоя этиш билан таъминланишидан иборатдир", деб фикр билдирадилар⁴. Бу фикр жиноят ишини кўзғатиш босқичида қонунийликнинг бузилиши шакллари тўғрисида мулоҳаза юритишга ундайди.

Жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ва ҳал этиш бўйича амалиётни ўрганиш жиноят ишини кўзғатишда қонунийлик талабларининг бузилиши жиноятга оид хабарларни қабул қилиш босқичида ҳам (жиноятларни ҳисобга олишдан яшириш; содир этилган жиноят тўғрисидаги хабарларни сохталаштириш; турли баҳоналар билан аризани қабул қилишни рад этиш), жиноятга оид хабарларни терговга қадар текшириш ва тегишли процессуал қарор қабул қилиш жараёнида ҳам (жиноятнинг аниқ аломатлари бўлганда жиноят ишини кўзғатишни асоссиз равишда рад қилиш; терговга қадар текширув материаллари ва қабул қилинган қарорларни сохталаштириш; жиноий жазоланадиган қилмишни маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида квалификация қилиш; терговга қадар текширув муддатининг ўтиб кетиши, процессуал қарорни ўз вақтида қабул қилмаслик; терговга қадар текширув босқичида ЖПК билан рухсат этилмаган тергов ва бошқа ҳаракатларни ўтказиш; асоссиз равишда жиноят ишини кўзғатиш) ҳолатлари мавжудлигини кўрсатади.

Содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятга оид аксарият хабарларнинг иш юритувига қабул қилинмаслиги муайян ҳудуд миқёсида жиноятчиликнинг ҳақиқий ҳолати, унинг аниқ таркибий тузилиши ва динамикаси бузиб кўрсатилишини келтириб чиқаради. Бу эса давлат органлари томонидан унга қарши кураш стратегияси ва тактикасининг тўғри белгиланишига салбий таъсир кўрсатади.

Юқорида келтирилган қонунбузилишларнинг олдини олиш зарурияти жиноят ишини кўзғатиш босқичида қонунийликни таъминлаш тизими яратилишини ва ишчан механизм жорий этилиши зарарлигини тақозо этади. Бу тизимнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, жиноятга оид хабарлар

кўриб чиқиладиган идоравий-процессуал контроль ва прокурор назорати ҳисобланади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизими-га, бошқа органлар билан бир қаторда, ички ишлар ва прокуратура органлари киради⁵. Лекин улар ушбу тизим доирасида бир хил фаолият юритади, деган фикрга қўшилиш анча мушкул.

Чунки, бизнинг фикримизча, улар ўртасидаги муносабатлар бир-бирига бўйсунуш (субординация) хусусиятига эгадир. Масалан, ички идоравий-процессуал контроль ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари фаолиятига нисбатан амалга оширилади; сўнгра прокурор қонунийлик устидан назоратни амалга ошира туриб, ҳокимият ваколатини ички ишлар органларининг барча тизими-га татбиқ этади. Бироқ, бу судларга тегишли эмас; ниҳоят, олий контрол қилувчи орган бўлган суднинг диққат эътибори ҳам ички ишлар органлари, ҳам прокуратуранинг қарорлари ва ҳаракатларига қаратилади.

Контроль функциясини бажарувчи органлар ва мансабдор шахсларга қараб, назарияда идоравий-процессуал контролни ташкилий ва процессуал контролга ажратилади⁶.

Ташкилий контроль маъмурий-ҳуқуқий шаклда амалга оширилади ва идоравий-норматив ҳужжатлар билан тартибга солинган. Бундай контролни ички ишлар органлари бўлинмаларининг раҳбарлари жиноятга оид хабарларни кўриб чиқувчи мансабдор шахсларга нисбатан қўллайдилар (бўлинманинг иш тартибини белгилаб беради, хизмат интизомига риоя этишни талаб қиладди, ўрнатилган тартибда ходимларни рағбатлантириш ёки уларга интизомий жазо беради, аниқ ижрочиларга жиноятга оид хабарларни терговга қадар текширувни ўтказиш учун топширади, ўз вақтида ҳодиса содир бўлган жойга чиқишни ташкиллаштиради ва контроль қиладди, жиноятга оид хабарларни текшириш натижалари ҳақидаги ҳисоботларни эшитади, уларнинг белгиланган муддатларда кўриб чиқилишига риоя қилинишини таъминлайди, аниқланган камчиликларни барта-раф этиш тўғрисида кўрсатма беради, ходимларнинг юкломларини ҳисобга олган ҳолда, жиноятлар тўғрисида келиб тушган аризалар ва материалларни тақсимлайди, ҳисобга олиш ва ҳисобдорликни текширади, хизмат текширувларини ўтказилади, бўлинма мансабдор шахсларининг ҳаракатлари устидан шикоятларни кўриб чиқади).

Жиноятга оид хабарларни кўриб чиқиш устидан идоравий-ташкилий контроль ҳам жиноятга оид хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, ҳисобга олиш ва ҳал этиш тартибига риоя этишни текширишга қаратилган. Ички ишлар органининг бошлиғи ҳар куни ҳодисалар тўғрисидаги хабарларнинг ўз вақтида ва тўлиқ рўйхатга олиниши ҳамда ҳал этиш муддатларига риоя этили-

ши, жиноятларни ҳисобга олиш китоби ҳамда ходисалар тўғрисидаги хабарларни ҳисобга олиш журналининг тўғри юритилиши устидан контролни амалга оширади, жиноятга оид хабарларнинг ички ишлар органида рўйхатга олинишининг тўлиқлигини солиштириб чиқади⁷.

Худди шундай контроль ваколатлари жиноятга оид хабарлар қабул қилинадиган, рўйхатга олиннадиган ва текшириладиган бошқа идораларнинг раҳбарлари томонидан ҳам амалга оширилади.

Ташкилий контролдан фарқли ўлароқ, идоравий-процессуал контроль процессуал шаклда қўлланилади ҳамда терговга қадар текширувни амалга оширувчи шахснинг процессуал фаолиятга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади, яъни жиноят-процессуал хусусиятга эга бўлади. Терговчининг ҳаракатлари устидан процессуал контроль қилиш ҳуқуқи тергов бўлинмаларининг бошлиқларига берилган. Бундай контролни амалга ошириш учун жиноят ишини кўзғатиш босқичига мувофиқ равишда юқорида кўрсатилган шахсларнинг ўзаро ваколатларини қонуний тартибга солиш зарур.

Бирок, ҳозирги кунга қадар процессуал контролга доир аксарият масалалар қонунда тергов амалиётининг муаммоларига мос равишда ҳал этилмаган. Масалан, ЖПК 329-моддасининг 5-қисмига асосан, жиноят тўғрисидаги аризалар ва хабарларни терговга қадар текшириш муддатини суриштирувчи ёки терговчининг асосланган қарори бўйича бир ойгача узайтириш ҳуқуқи фақат прокурорга берилган. Бизнинг фикримизча, ЖПКда идоравий-процессуал контролни такомиллаштириш учун тергов бўлими бошлигининг қуйидаги ваколатларини назарда тутиш мақсадга мувофиқдир:

— жиноятга оид хабарларни терговга қадар текшириш бўйича суриштирувчи, терговчига топшириқлар бериш;

— терговга қадар текширув материалларини бир суриштирувчи, терговчидан бошқасига ўтказиш;

— терговга қадар текширувнинг моҳиятига кўра, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш чораларини кўриш бўйича кўрсатмалар бериш.

Шундай қилиб, идоравий контролнинг мақсади жиноятга оид хабарларни кўриб чиқувчи терговчиларнинг фаолиятга бевосита раҳбарлик қилишдан иборат. Чунки, ташкилий шаклда ҳам, процессуал шаклда ҳам қўлланиладиган контроль айнан шу мақсадга хизмат қилади. Шу билан бирга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ичида амалга ошириладиган контроль ўз олдида кўйилган вазифаларни ҳар доим ҳам бажармайди. Жиноятга оид хабарларни кўриб чиқишда йўл қўйилаётган қонунбузилишлари ҳамда тергов бўлими бошлиқларининг ушбу фаолият устидан

лозим даражада контроль олиб бормаётганлиги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2013 йилги ҳисоботида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан инсон ҳуқуқларининг жиддий бузилишларидан бири сифатида кўрсатилган⁸.

Айнан шунинг учун ҳам жиноятга оид хабарларни кўриб чиқувчи мансабдор шахсларнинг идоравий раҳбарлари зиммасига юкланган ваколатлар аҳамиятини камайтирмаган ҳолда, жиноят ишини кўзғатишнинг қонунийлиги ва асосланганлигини таъминлаш тизимида асосий ўрин идораларнинг манфаатларига боғлиқ бўлмаган прокурор назоратига ажратилганини эътироф этмаслик мумкин эмас.

2001 йил 29 августдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 27-моддасига мувофиқ, жиноят ишини кўзғатиш босқичидаги прокурор назоратининг предмети бўлиб, бир томондан, жиноятлар тўғрисидаги аризалар ва хабарларни кўриб чиқиш ва ҳал этишнинг қонунчилик томонидан ўрнатилган процессуал тартиби, бошқа томондан эса — қабул қилинадиган қарорларнинг қонунийлиги ҳисобланади⁹.

Прокурор зиммасига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун унга муҳим процессуал ҳуқуқлар берилган: Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 382-моддасига асосан, прокурор жиноятга оид хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва ҳал этишда қонун талабларининг бажарилишини текширишга ваколатлидир. Прокурор жиноятга оид хабарларни ҳал этиш тартибига риоя этиш устидан назорат қилиш доирасида суриштирув ва дастлабки тергов органларидан ишни текшириш учун содир этилган жиноятларга оид ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олади; содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги ариза ва маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал этиш тўғрисидаги қонун талаблари қай даражада ижро этилаётганлигини ҳар ой камида бир марта текширади.

Жиноят-процессуал қонунчиликда назарда тутилган тартибга мувофиқ, прокурорнинг суриштирув ва дастлабки тергов органларига терговга қадар текширув ўтказиш, ишларни кўзғатиш ва тергов қилиш билан боғлиқ кўрсатмалари ана шу органлар учун мажбурийдир. Прокурор аниқланган қонунбузилишлари тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритади. Шу муносабат билан жиноятни ҳисобга олиш ва рўйхатга олишдан яшириш муаммосини фақат прокурор назорати методикасини такомиллаштириш орқали ҳал этиб бўлмайди. Бунинг учун давлат миқёсидаги ташкилий хусусиятга эга бўлган чоратадбирларни қабул қилиш лозим¹⁰.

Прокурор фаолиятининг бошқа бир йўнали-

ши — жиноятга оид хабарлар бўйича қарор қабул қилиш, жиноят ишини қўзғатиш ёки жиноят ишини қўзғатишни рад этишнинг қонунийлиги ва асосланганлиги устидан назорат қилишдир. Жиноят ишини қўзғатиш устидан назорат қилишда прокурор жиноятга оид хабарларни текшириш материалларини пухта ўрганиши; жиноят аломатлари аниқ бўлганда жиноят ишини қўзғатишни кечиктиришга йўл қўймаслиги; терговчи, суриштирувчидан жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарор ва текшириш материаллари, алоҳида тергов ҳаракатлари ўтказилган ҳолларда эса — уларнинг баённомалари ва қарорлар келиб тушганда, кечиктирмасдан, уларнинг асосланганлиги ва процессуал қарор қабул қилиш учун етарли эканлигини текшириши, жиноят ишини қўзғатиш заруратини истисно қилувчи ҳолатларни аниқлаши, тергов ҳаракатларининг ўз вақтида ва қонуний ўтказилганлигини аниқлаши лозим.

Прокурор нафақат жиноят ишини қўзғатишнинг қонунийлигини, балки жиноят ишини қўзғатишнинг қонуний рад этилишини ҳам назорат қилади. Ички ишлар органларида шундай амалиёт юзага келганки, жиноят ишини қўзғатишни

рад қилиш тўғрисидаги қарорнинг қўчирма нусхаси хабардор қилиш учун прокурорга юборилади. Бу ўз навбатида, жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш орқали жиноятларни яширишнинг олдини олишнинг муҳим воситаси бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб, жиноят ишини қўзғатишнинг қонунийлигини таъминлаш тизимида контроль ва назорат қилишнинг ҳар иккаласи иштирок этади, бироқ бири иккинчисининг вазифасини бажармайди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ичида амалга ошириладиган контроль ташкилий йўналишга эга ва қонунбузилишига қарши курашнинг бирламчи марраси бўлиб хизмат қилади. Прокурор назорати — қонунбузилишини аниқлашнинг асосий ва энг амалий воситаси бўлиб, у прокурор томонидан жиноий таъкиб қилишни тақозо этади ва уларнинг ҳар бири жиноят тўғрисидаги хабарни кўриб чиқишда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларининг муҳофаза қилинишига ва таъминланишига ҳамда қонунда белгиланган воситалар билан ҳимоя этилишига хизмат қилади.



¹ Каримов И. Қаранг: Ўзбекистон XXI асрга интиломқда. -Т., - 1999. - 20-б.

² Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. -Т., 2013.

³ Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 168-модда; 2003., №5, 67-модда; 2005., № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007., № 6, 249-модда; 2008., № 9, 487-модда, ЎРҚ–193, 22.12.2008.

⁴ Белозеров Ю. Н., Чувилев А. А. Проблемы обеспечения законности и обоснованности возбуждения уголовного дела. — М., 1973. — С. 14.

⁵ Рустамбаев М.Х. Тухташева У.А. Правоохранительные органы. Учебник. -Т., 2011. - 371 с.

⁶ Масалан, қаранг: Раҳманкулов А. Х., Миразов Д.М. Дастлабки тергов: Дарслик. — Т., 2013. — Б.137; Белозеров Ю. Н., Марфицин П. Г. Обеспечение прав и законных интересов личности в стадии возбуждения уголовного дела: Учебное пособие. — М., 1994. — С. 39; Химичева Г. П. Рассмотрение милицией заявлений и сообщений о преступлении. — М., 1997. — С. 116—122 ва бошқ.

⁷ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 1993 йил 5 январдаги “Ички ишлар органлари томонидан жиноят ёки ходисалар ҳақидаги ариза ва хабарларни ёхуд бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал этиш тартиби ҳақида”ги буйруғи

⁸ Депутаты Законодательной палаты заслушали отчет Уполномоченного Олий Мажлиса по правам человека // uza.uz. 19.02.2014.

⁹ Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 168-модда; 2003., №5, 67-модда; 2005., № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007., № 6, 249-модда; 2008., № 9, 487-модда, ЎРҚ–193, 22.12.2008.

¹⁰ Бундай таклифлар процессуал адабиётларда аллақачон илгари сурилган. Қаранг: Пулатов Б.Х. Прокурор назорати. Дарслик. -Т., 2009. 517 б.; Соловьев А. Б., Токарева М. Е., Халиулин А. Г. Прокурорский надзор за исполнением законов при расследовании преступлений. — М., 2000. — С. 84.

Нодиржон ХАЙРИЕВ,
Тошкент давлат юридик университети катта илмий
ходим-изланувчиси, юридик фанлар номзоди

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚўЛЛАШ – ЖИНОЯТ ИШЛАРИ ЮРИТУВИНИ ИНТЕНСИФИКАЦИЯЛАШНИНГ МУҲИМ ЙўНАЛИШИ

◆ Мақолада жиноят ишлари юритувини интенсификациялашнинг муҳим йўналиши сифатида жиноят процессида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган ҳамда соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

◆ В статье проведено анализ организационно-правовых основ применения современных информационно-коммуникационных технологий в уголовном процессе как важного направления интенсификации уголовного судопроизводства, а также разработаны рекомендации по совершенствованию законодательство в этой сфере.

◆ In this article analyzed organizational-legal bases of application of modern information-communication technologies in criminal trial as important direction of intensification of criminal legal process, and also developed recommendations on perfection of the legislation in this sphere.

Таянч сўзлар: жиноят ишлари юритувини интенсификациялаш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, одил судлов.

Ключевые слова: интенсификация уголовного судопроизводства, современные информационно-коммуникационные технологии, правосудие.

Key words: intensification of criminal legal process, modern information-communication technologies, justice.

XXI аср — глобаллашув асри шароитида давлатимиз раҳбарининг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида қайд этилганидек, замонавий ахборот технологиялари ва илм-фан ютуқлари тезлик билан тарқалади. Албатта, замонавий ахборот технологиялари барча соҳалар сингари жиноят процессида ҳам унинг самарадорлигини янада оширишга хизмат қилувчи омил бўлиб хизмат қилди.

Ўз навбатида, жиноят процесси самарадорлиги унинг давомийлиги (муддатлар), тезкорлиги, ошқоралиги, жиноят процессида қабул қилинган ҳужжатларнинг ишончилиги каби мезонлар билан ўлчанади. Шу муносабат билан жиноят процессида муддатларни қисқартириш ва жиноят процесси самарадорлигига оид асосий кўрсаткичлар сифатини ошириш жиноят процессида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш вазифасини кун тартибига қўяди.

Айни дамда миллий адабиётларда ҳам ЖПКда жиноят процессида замонавий ахборот технологияларини қўллаш имконини берадиган нормалар мавжудлиги тўғрисида фикрлар билдирилган¹. Хусусан, жиноят-процессуал қонунчиликда тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда илмий-техника воситаларини (магнитофон, видеомагнитофон, кинога олиш аппаратлари ва бошқа аппаратларни) қўллаш (69-модда), далилларни қайд этишда ахборотни акс эттириш усулларини қўллаш (91-модда), нарса ва ҳужжатларни техник воситалардан фойдаланиб кўздан кечириш (140-модда), телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш (171-модда), экспертиза (172-модда), илмий-техникавий воситаларни қўллаб намуналар олиш (193-модда), жиноят иши юзасидан далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий-техника воситаларини қўллаш

(339-модда), техник воситалардан фойдаланиб ҳукм тузиш (465-модда), уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашда электрон кузатиш воситаларидан фойдаланиш (242¹-модда), шахсни қамоққа олиш тўғрисидаги илтимосномани почта, телеграф, телекс, факс ёки бошқа алоқа воситалари орқали етказиш (605-модда) ва бошқалар. Фикримизча, ҳозирги кунда эксперимент тергов ҳаракатини ўтказиш борасида замонавий технологиялардан фойдаланиш имкониятлари тобора ортиб бормоқда (хусусан, 3К форматда воқеа ва ҳодисаларни қайта тиклаш, электрон ахборот технологияларини қўллаш² ва ҳ.к.). Шу муносабат билан ЖПК 19-бобида ҳам эксперимент тергов ҳаракатини ўтказишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш тўғрисидаги қондани киритиш мақсадга мувофиқ.

Шу маънода жиноят ишлари юритувини интенсификациялаш судда жиноят ишларини юритиш тезкорлигини ошириш ҳамда судлар фаолиятида ошкораликни таъминлаш мақсадида судлар фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация воситаларини кенг қўллаш билан боғлиқ³. Хусусан, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастурини тасдиқлаш белгиланди. Ушбу фармоннинг ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрдаги 346-сонли “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори⁴ қабул қилинганлиги ҳамда “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш” Дастури тасдиқланганлигини қайд этиб ўтиш лозим.

Юқоридаги қарор асосида судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг тўртта асосий вазифаси белгиланди: 1) судлар фаолиятида компьютерлаштириш даражасини ва компьютер техникасидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш; 2) судларда ишларни юритиш самарадорлигини оширишни таъминлайдиган ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига кўрсатиладиган интерактив хизматлар рўйхатини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш; 3) судьялар ва судлар ходимларининг компьютер саводхонлиги даражасини ошириш ҳамда ишда замонавий компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларини такомиллаштириш; 4) судлар тизимида ахборот хавфсизлигини, ҳужжатларнинг хавфсиз айланишини таъминлаш.

Бу борада “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш” Дастурига алоҳида тўхталиш лозим. Ушбу Дастур 2012-2014 йиллар оралиғида амалга оширишга мўлжалланган 6 бўлимдан иборат бўлиб, унда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолатини таҳлил қилиш (I бўлим), ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини ривожлантириш (II бўлим), судьяларнинг, судлар ходимларининг компьютер саводхонлиги даражасини ошириш ва амалий кўникмаларини такомиллаштириш, ишда замонавий компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича уларни аттестациядан ўтказиш (III бўлим), миллий ахборот тизими доирасида интеграциялаштириладиган ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш (IV бўлим), ахборот ресурслари сонини кўпайтириш, кўрсатиладиган интерактив хизматлар сифатини ошириш (V бўлим), ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, электрон ҳужжатлар айланишининг хавфсиз тизимларини жорий этиш (VI бўлим) масалалари кўзда тутилган.

Мазкур Дастур доирасида жумладан: электрон ҳужжатлар айланиши тизимларидан, компьютер техникаси ва ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича идоравий низомларни қабул қилиш; судларнинг марказий аппаратида ва ҳудудий бўлинмаларида маҳаллий ҳисоблаш тармоқларини ташкил этиш; электрон суд жараёнини, шу жумладан, суд жараёнларини видео, аудио қайд этишни, шунингдек, суд жараёнлари стенографиясининг янги турларини ташкил этиш бўйича таклифлар киритиш; судлар фаолияти тўғрисидаги ахборотларни тўплаш, ишлаш, тизимлаштириш ва сақлаш бўйича “Судлар фаолияти” ва “Суд ҳужжатлари” ахборот тизимларини яратиш; маълумотлар алмашишнинг электрон воситалари орқали Олий судга, Олий хўжалик судига даъво, илтимоснома ва уларга илова қилинадиган ҳужжатлар билан биргаликда судга мурожаат қилиш имконияти берилиши таъминланишини ҳисобга олган ҳолда судларнинг веб-ресурсларини модернизациялаш; маълумотлар алмашишнинг электрон воситалари орқали суд муҳокамаси қатнашчиларини хабардор қилиш имкониятини бериш ва уларга суд ҳужжатларини ҳамда бошқа хат-хабарларни юбориш; электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ягона химояланган коорпоратив электрон почтани ва электрон ҳужжатлар айланиши тизимини белгиланган тартибда жорий этиш ва улардан фойдаланиш каби бир қанча муҳим ташкилий-ҳуқуқий янгиланишлар бўлиши кўзда тутилган.

Илмий янгиликлар ва турли кашфиётлар миқдори тобора ортиб бораётган ҳозирги шароитда суд-ҳуқуқ тизимига илмий-техник ва техноло-

гик янгиликлар жорий этилмоқда, алоҳида фаолият турларини компьютерлаштириш жараёнлари кечмоқда⁵. Жиноят ишлари юритувини интенсификациялашни таъминлашнинг муҳим йўналиши сифатида жиноят ишлари юритувида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш ҳозирги кунда Австрия, АҚШ, Беларусь Республикаси, Буюк Британия, Германия, Италия, Канада, Украина, Швеция, Финляндия, Ҳиндистон, Янги Зеландия, Эстония каби бир қатор давлатларда кенг қўлланилмоқда. Хусусан, кўрсатилган давлатларда жиноят суд иш юритувида видео-конференц-алоқа, полиграф, стресс-детектор, инсоннинг руҳий-физиологик ҳолатини баҳолашга асосланган тензометрик платформалар, “электрон” жиноят ишларини юритиш тизими, видеобаённома, “электрон суд” ва бошқа тизимлардан кенг фойдаланилмоқдаки⁶, булар ҳозирда жиноят-процессуал соҳанинг муҳим, илгор ва истиқболли новациялари бўлиб қолмоқ-

да. Ҳозирги вақтда ГФРда, АҚШнинг Флорида ва Вирджиния штатларида видео-конференц-алоқа тизими ёрдамида айбланувчи ва судланувчиларнинг шикоятларини кўриб чиқиш амалиёти ҳам қўлланилмоқда⁷.

Ушбу институтлар ҳозирги вақтда хорижий давлатларда электрон шаклда мурожаат қилиш, суд мажлиси куни ва вақти тўғрисида смс-хабар орқали хабардор қилиш, видео-конференц-алоқа тизими орқали айрим процессуал ҳаракатларни амалга ошириш, тарафларнинг илтимосномаларини кўриб чиқиш, гувоҳ кўрсатувларини тинглаш каби шаклларда кенг қўлланилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда ҳам ахборот асри шароитида тергов ва суд ҳаракатларини ўтказишда замонавий ахборот-коммуникация тизимларидан самарали фойдаланиш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишга оид процессуал нормаларни янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.



¹ Саҳаддинов С.М. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Умумий қисм (илмий-амалий шарҳ) / Масъул муҳаррир: профессор Б.Х.Пўлатов. — Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. — Б.307.

² Никитин Р.О. Правовое обеспечение использования электронно-информационных технологий в уголовном процессе: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. — Владимир, 2005. — С. 4.

³ Чижов М.В. Применение информационных и коммуникационных технологий в судебной деятельности в условиях формирования информационного общества: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. — М.: РАП, 2013. — 23 с.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрдаги 346-сонли “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2012 йил, 50-сон, 560-модда.

⁵ Плешаков С.М. Современные экспертные технологии в деятельности судебно-экспертных учреждений России: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. — Н.Новгород: НГУ, 2007. — С. 3.; Сарапулов А.А. Информационные технологии в уголовном процессе: история, современное состояние, перспективы // Вестник ЮУрГУ. Серия «Право». — 2013. — Т.13. — №2. — С. 107-108.

⁶ Архипова Е.А. Применение видеоконференцсвязи в уголовном судопроизводстве России и зарубежных стран (сравнительно-правовое исследование): Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. — М.: Академия Генеральной прокуратуры РФ, 2013. — С. 6.; Абдулволиев А.Ф. Предпосылки и перспективы внедрения электронной формы уголовного дела в деятельность судебных органов // NB: Вопросы права и политики. — 2013. - № 5. - С.150-164.

⁷ Ефремов А.А. Правовые аспекты применения информационных технологий при осуществлении правосудия в Российской Федерации // Право и Интернет: теория и практика: материалы II Всероссийской конференции (<http://www.ifap.ru/pi/02/r23.htm>).

Василика АХМЕДОВА,
старший научный сотрудник-исследователь
Университета мировой экономики и дипломатии

МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО СТРАН СНГ В БОРЬБЕ С НЕЗАКОННЫМ ОБОРОТОМ КУЛЬТУРНЫХ ЦЕННОСТЕЙ

✦ Мақолада маданий қадриятларнинг ноқонуний айланмасига қарши кураш соҳасида давлатлараро ҳамкорлик масалалари ёритилган. МДҲга аъзо давлатлар доирасида маданий қадриятларни химоя қилиш бўйича ҳуқуқий тизим шаклланишининг асосий босқичлари кўриб чиқилган.

✦ В статье рассматриваются вопросы межгосударственного сотрудничества в области борьбы с незаконным оборотом культурных ценностей. Рассматриваются основные этапы становления правовой системы защиты культурных ценностей в рамках стран-участниц СНГ.

✦ The article presents issues of interstate cooperation in the field of the struggle against illegal circulation of cultural values. The basic stages of the formations of the legal system of the protection of cultural values within CIS members are considered.

Таянч сўзлар: маданий қадриятлар, химоя қилиш, МДҲ, халқаро ҳамкорлик.

Ключевые слова: культурные ценности, защита, СНГ, международное сотрудничество.

Key words: cultural values, protection, CIS, international cooperation.

В современном мире культурные ценности находятся под охраной каждого государства, а возникающие на этой основе общественные отношения являются предметом правового регулирования как внутригосударственного, так и международно-правового.

Так, международно-правовое сотрудничество на уровне субъектов международного права можно назвать одним из наиболее действенных средств в урегулировании вопросов, входящих в повестку современного мира, в том числе вопросов, связанных с незаконным оборотом культурных ценностей. Региональные же образования, выступают достаточно сильным звеном в подобного рода взаимоотношениях и продолжают укреплять свои позиции.

Культурные ценности являются одним из основных элементов цивилизации и культуры народов, и они приобретают все более высокую ценность при определении их происхождения и истории. Страны же центральноазиатского региона, в числе которых Республика Узбекистан, которая имеет многочисленные памятники мате-

риальной культуры, хранящиеся в музеях Узбекистана археологии, этнографии, нумизматики, вещественные реликвии периода независимости, которых насчитывается свыше полутора миллионов обладает богатыми слоями культурного наследия и охрана их является одной из важнейших особенностей во взаимоотношениях между странами региона.

Так сложилось, что на постсоветском пространстве находится большое количество культурных ценностей, вывезенных незаконно с территории Узбекистана. Территория стран СНГ также используется в качестве коридора транзита похищенных предметов, имеющих культурное значение.

В этих условиях особое значение приобретает сотрудничество по охране культурного наследия, осуществляемое в рамках Содружества Независимых Государств (СНГ), которое взяло бы на себя обязательства противодействовать подобной преступной практике всеми имеющимися в его распоряжении средствами.

Одним из первых документов, оформленных в

рамках СНГ, стало Ташкентское Соглашение о сотрудничестве в области культуры от 15 мая 1992 г. и принятое в его развитие Соглашение 1994 года о соответствующем сотрудничестве таможенных служб. Еще одним шагом по пути укрепления процедурного механизма защиты культурного наследия стало Положение о порядке возврата вывозимых и ввозимых культурных ценностей, утвержденное в 1997 году.

Важное значение имело определение понятия незаконного оборота культурных ценностей в прикладном значении, так как определения, даваемые в международно-правовых документах не имеют универсального подхода. В принятых Решением Совета глав государств СНГ от 10 февраля 1995 г. "Основах таможенных законодательств государств-участников Содружества", под контрабандой определили перемещение через таможенную границу государства с сокрытием от таможенного контроля, либо с обманом использованием документов или средств таможенной идентификации, также сопряженное с недекларированием или недостоверным декларированием "предметов художественного, исторического и археологического достояния народов, а равно такое перемещение иных предметов, совершенное в крупных размерах или с использованием служебного положения должностного лица либо должностным лицом с использованием своего служебного положения, или лицом, уполномоченным на перемещение через таможенную границу государства отдельных товаров, освобожденных от определенных форм таможенного контроля, либо группой лиц, организовавшихся для занятия контрабандой". Т.е. фактически основными признаками, подпадающими под контрабанду, были определены все действия, связанные с культурными ценностями, носящие скрытый характер, любого лица, в том числе должностных лиц, с образованием или без образования организованной группы. При этом интересным остается факт, что норма не предусматривает, мотивы преступления, не делая увязки с корыстными целями, тем самым, возможно, подчеркивая незаконность и неотвратимость ответственности за возможность утраты уникальных по своей природе культурных ценностей.

В 1995 г. было заключено Соглашение о создании Совета по культурному сотрудничеству государств-участников СНГ, благодаря которому был подписан целый ряд документов, регулирующих вопросы перемещения культурных ценностей. Так, решением глав правительств государств-участников СНГ от 9 октября 1997 г. было утверждено "Положение о порядке возврата незаконно вывозимых и ввозимых культурных ценностей". Важной особенностью данного документа являлось утверждение правил возврата незаконно

перемещенных культурных ценностей в случае их обнаружения на территории одной из стран СНГ.

В дальнейшем странами СНГ предпринята попытка объединить усилия по пресечению незаконного оборота культурных ценностей посредством заключения Соглашения о вывозе и ввозе культурных ценностей, подписанное в Москве 28 сентября 2001 г. Данное соглашение регулировало правила по ввозу и вывозу культурных ценностей, условия их транзита через территории государств СНГ, а также порядок временного вывоза и ввоза подобного рода ценностей. Но данный документ не был поддержан всеми странами СНГ, в том числе и Республика Узбекистан не подписала данное соглашение, а Республика Молдова и Украина подписали его с оговорками.

Одним из важнейших документов, разработанных в рамках СНГ, по праву можно назвать Соглашение в области координации совместных усилий в организации борьбы с хищениями культурных ценностей, которое было подписано в Душанбе 5 октября 2007 г. Соглашение предусматривает такие правила как размещение информации о похищенных культурных ценностях в соответствующей информационной базе, и, если эти культурные ценности будут обнаружены в другой стране Содружества, они должны быть возвращены. Статья 3 данного Соглашения определяет основные направления взаимоотношений, которые включают в себя совершенствование нормативной правовой базы сотрудничества сторон в борьбе с хищениями культурных ценностей и обеспечении их возврата, гармонизацию законодательства стран-участниц в этой области; осуществление согласованных мер для выполнения положений универсальных и региональных международных договоров, направленных на борьбу с хищениями культурных ценностей, участниками которых они являются. Кроме того, документ предусматривает совершенствование механизмов взаимодействия правоохранительных и иных органов для принятия согласованных мер по противодействию хищениям культурных ценностей и обеспечению их розыска и возврата и проведение соответствующих мероприятий в отношении юридических и физических лиц при наличии оснований полагать об их возможной причастности к хищениям культурных ценностей.

Предусмотрено, что каждая из сторон обеспечивает ведение соответствующими компетентными органами информационных баз данных о пропавших, утраченных, похищенных, разыскиваемых, а также о задержанных, изъятых, арестованных или конфискованных культурных ценностях.

Немаловажным является то, что в данном

соглашении предусмотрен единый подход в определении хищения культурных ценностей, под которым понимается любое незаконное деяние, направленное на завладение культурными ценностями, влекущее ответственность в соответствии с законодательством стран-участниц СНГ.

Кроме того, важное значение в развитии сотрудничества между странами СНГ является ратификация таких важнейших международных документов как Конвенция ЮНЕСКО 1970 г. "О мерах, направленных на запрещение и предупреждение незаконного ввоза, вывоза и передачи права собственности на культурные ценности" и Конвенция УНИДРУА "О похищенных и незаконно вывезенных культурных ценностях" 1995 г.

Однако, следует иметь ввиду, что только ратификация Конвенций не является показателем. Не менее важно добросовестное и компетентное осуществление положений Конвенции на национальных уровнях.

В связи с чем, особое значение имеют также двусторонние договора, регулирующие сотрудничество договаривающихся государств и предусматривающие формы и меры сотрудничества в сфере противодействия противоправным посягательствам против объектов культурного наследия.

Например, Соглашение между Правительством РФ и Правительством РУз "о сотрудничестве таможенных служб по вопросам задержания и возврата незаконно вывозимых и ввозимых культурных ценностей" от 2 марта 1994 г. закрепляет обязанность оформления соответствующих разрешений на ввоз и вывоз культурных ценностей.

Также следует отметить договор между РУз и Украиной "о дружбе и дальнейшем углублении всестороннего сотрудничества" от 19 февраля 1998 г., в котором стороны обязуются сотрудничать в борьбе с контрабандой и незаконным вывозом культурных ценностей.

Между тем необходимо отметить, что актуальность данной темы обусловлена тем, что общественная опасность хищения и незаконного оборота предметов, представляющих культурную ценность, заключается в уроне, который наносится культуре и экономике страны. Более того, хищение культурных ценностей сегодня приобретает признаки транснациональной организованной преступности. Данный вид преступления в настоящее время является наиболее выгодным после наркобизнеса и нелегальной торговли оружием.

В связи с чем, существует также необходимость сотрудничества государств в области уго-

ловного правосудия, формировании специализированных органов в сфере розыска, и руководствуясь желанием повысить эффективность сотрудничества между странами в борьбе с преступной деятельностью, связанной с движимыми культурными ценностями, путем принятия мер, направленных на то, чтобы воспрепятствовать незаконному транснациональному обороту движимых культурных ценностей вне зависимости от того, являются ли они похищенными, наложения соответствующих и эффективных административных и уголовных санкций, а также обеспечения средств для их реституции.

Кроме того, необходимо, чтобы каждая из стран СНГ активизировала бы работу по формированию национальных списков материальных культурных ценностей в целях обеспечения надлежащего сохранения и защиты их от незаконного оборота учитывая и фиксируя их.

Несмотря, что общепризнанным является факт того, что каждое государство обязано охранять находящиеся на его территории культурные ценности, немаловажно, что бы государства с уважением относились к национальному достоинству других государств региона, беря также моральные обязательства в отношении как своего культурного достояния, так и культурного достояния всех народов региона и мира. Важно ясное понимание того, что решение проблем сохранения культурного наследия неразрывно связано с дальнейшим развитием всего человечества и создания единого общекультурного пространства. Следует продолжить совершенствование гражданского, налогового и таможенного права, правил международных перевозок и страхования, правоприменительной практики для защиты интересов нашей страны.

Следовательно, опыт взаимодействия стран СНГ в области противодействия незаконному перемещению культурных ценностей показывает, что объединение и продуктивное сотрудничество всех стран Содружества в этом направлении крайне необходимо и должно являться крайне эффективным и своевременным в деле охраны культурного наследия народов и создания общего культурного пространства государств-участников СНГ.

Подводя итоги сказанному, считаю необходимым сформулировать следующие выводы и предложения.

1. В целях совершенствования правоохранительной деятельности стран СНГ по предотвращению незаконного вывоза, ввоза и передачи права собственности на культурные ценности, организации регистрации фактов пропажи, утраты, хищения культурных ценностей, обеспечению своевременности оповещения об этих фактах

целесообразно сформировать межгосударственный "Банк данных по регистрации культурных ценностей, похищенных, незаконно вывезенных из государств-участниц СНГ".

2. Республике Узбекистан присоединиться к Конвенции ЮНИДРУА по похищенным или незаконно вывезенным культурным ценностям.

3. Целесообразно в правоохранительной деятельности использовать международный стандарт "Идентификация объекта".

4. На межгосударственном уровне следует унифицировать законодательство стран СНГ в части установления уголовной ответственности за нелегальный оборот культурных ценностей.

5. Эффективность уголовно-правовой защиты

культурных ценностей возрастет в случае принятия Модельного закона стран СНГ "Об использовании и защите отличительных знаков, принятых для обозначения культурных ценностей во время вооруженных конфликтов".

6. Необходимо унифицировать законодательство стран СНГ в части установления уголовной ответственности за нелегальный оборот культурных ценностей, а также расследования данной категории дел (единая подследственность уголовных дел, определение подлежащего применению процессуального законодательства в случае совершения контрабанды в местах объединения таможенных границ и в условиях союзного государства).



Лилия АЧИЛОВА,
соискатель Ташкентского государственного
юридического университета

ПРОБЛЕМЫ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ГОСТИНИЧНЫХ УСЛУГ

- ◆ Мақолада меҳмонхона хизмати кўрсатишнинг ҳуқуқий муаммолари ҳамда ушбу соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар билдирилган.
- ◆ В статье приводятся проблемы правового регулирования гостиничных услуг, а также предложения по совершенствованию законодательства в данной области.
- ◆ The article presents problems of legal regulation of hotel services, as well as suggestions to improve the legislation in this area.

Таянч сўзлар: меҳмонхона хизмати, туризм, турагент, истеъмолчи.

Ключевые слова: гостиничные услуги, туризм, турагент, потребитель.

Key words: hotel services, tourism, travel agent, the consumer.

В настоящее время во всем мире проявляется интерес к туризму в Узбекистане, стране обладающей большим туристическим потенциалом, с каждым годом большие изменения происходят в сфере туризма. Из года в год увеличивается число туристов, этому способ резкое качественное и количественное увеличение автомобильного, авиационного и железнодорожного транспорта, оживление торговых, культурных, научно-технических и спортивных контактов между государствами.

С развитием туризма в Республике Узбекистан развиваются и средства размещения — гостиницы. В настоящее время в Республике Узбекистан имеется более 500 гостиниц на более чем 25000 мест. За последние 6 лет, созданы более 200 средних и малых частных гостиниц. В индустрии гостеприимства акцент делается на факте оказания услуг гостю, будь то местный житель или приезжий. На международном рынке индустрии гостеприимства отечественные гостиницы, особенно средние и малые, могут достичь конкурентных преимуществ проявлением известного на весь мир узбекского гостеприимства, которого так ждут иностранные гости.

Осуществление гостиничной деятельности затрагивает интересы многих участников рынка гостиничных услуг. Процессы производства и потребления гостиничной услуги протекает одновременно с момента бронирования места в гостинице, въезде в гостиницу, проживания и до момента выезда из гостиницы. При этом гость воспринимает услугу как результат деятельности персонала гостиницы. Гость вступает в контакт с обслуживающим персоналом при регистрации, в номере, в спортзале и т.д. Вместе с тем, гость обязан соблюдать правила проживания и следовать принятым нормам поведения в общественных местах.

Возникающие при этом разнообразные, взаимо-

связанные и взаимозависимые отношения нуждаются в правовом регулировании.

Договор об оказании гостиничных услуг является двухсторонним. То есть для совершения этого договора необходимо выражение согласованной воли двух сторон. При этом имеются встречные обязанности, одинаково существенные и важные — обязанность исполнителя оказать услуги заказчику и обязанность заказчика оплатить стоимость услуг.

В Республике Узбекистан гостиничная услуга регулируется Гражданским кодексом Республики Узбекистан и «Правилами предоставления гостиничных услуг в Республике Узбекистан», утвержденное министерством коммунального обслуживания РУз от 22.12.1997 года.¹

Несмотря на то, что в ГК РУз нет специальной нормы регулирующих оказание гостиничных услуг, однако гл. 38 ГК РУз определяется общая модель договора возмездного оказания услуг. В соответствии с ч.1 ст. 703 ГК РУз по договору возмездного оказания услуг исполнитель обязуется по заданию заказчика оказать услуги (совершить определенные действия или осуществить определенную деятельность, не имеющую вещественной формы), а заказчик обязывается оплатить эти услуги.²

В соответствии с Правилами предоставления гостиничных услуг исполнитель предоставляет гостиничные услуги, а потребитель обязан оплатить эту услугу. Исполнитель это юридическое лицо или индивидуальный предприниматель, оказывающий гостиничные услуги. Потребителем признается гражданин воспользовавшийся услугами гостиницы.

Исходя из вышеуказанных анализов, и ГК РУз и Правила регулируют договор возмездного оказания услуг. Только в ГК РУз сторонами договора выступают исполнитель и заказчик, а в Правилах сторонами договора выступают исполнитель и потребитель. Пред-

лагается для устранения противоречий в Правилах, сторону договора именуемого потребителем заменить на заказчика, и привести в соответствие с ГК РУз.

Из п.1.2 Правил предоставления гостиничных услуг в Республике Узбекистан вытекает, что названные Правила регулируют отношения между потребителями (гражданами, проживающими в гостиницах или имеющими намерение воспользоваться услугами гостиницы) и исполнителями в сфере предоставления гостиничных услуг.³

Исполнитель предоставляет гостю номер или место в гостинице и предлагает, как бесплатные, так и дополнительные услуги за отдельную плату по желанию потребителя.

Исполнитель может предоставлять виды бесплатных услуг: вызов скорой помощи, пользование медицинской аптечкой, побудка к определенному времени, предоставление кипятка, иголок, ниток и другие виды услуг по усмотрению собственника.

Дополнительными платными услугами могут быть — бассейн, спортивный зал, конференц зал, оздоровительные услуги, прокат автомобилей, услуги парикмахерской и другое.

На сегодняшний день, дополнительные услуги в гостинице приобретают все большее значение для гостя при выборе гостиницы.

Оставаясь основной, услуга размещения воспринимается гостями как само собой разумеющееся, а повышенный интерес вызывают именно дополнительные услуги, выделяющие данную гостиницу из ряда других.

Сегодня, не выходя из гостиницы можно постричься, принять оздоровительные процедуры, заниматься в спортивном зале и др. Вместе с тем необязательно проживать в гостинице, чтобы воспользоваться платными дополнительными услугами гостиницы. В этом случае граждане не проживающие в гостинице, но воспользовавшиеся платными дополнительными услугами, также нужно считать потребителями, так как они пользуются за определенную плату дополнительными гостиничными услугами.

Если вернемся к п. 1.2 Правил то увидим, что данные Правила регулируют отношения граждан проживающих в гостиницах и исполнителей.

Исходя из вышеуказанных анализов о том, что возникающие взаимозависимые отношения между гражданами не проживающими в гостинице, но пользующиеся дополнительными услугами гостиницы и исполнителем, Правилами не отрегулированы.

Проблемой связанной с потребностями клиентов с ограниченными возможностями стали заниматься с момента принятия Закона Республики Узбекистан «О социальной защищенности инвалидов в Республике Узбекистан» от 11.06.2008 года.⁴

Отметим, что согласно указанного Закон основными направлениями государственной политики в области социальной защищенности инвалидов является:

— обеспечение прав, свобод и законных интересов инвалидов;

— обеспечение равенства прав и возможностей инвалидов и др.

В связи с тем что Правила предоставления гостиничных услуг в Республике Узбекистан были утверждены 22.12.1997 года, естественно в них не нашли свое отражение проблемы связанные с потребителями клиентов гостиниц с ограниченными возможностями.

На сегодняшний день спектр услуг, оказывающих гостиницами, очень широк. Количество сервисных услуг постоянно растет. Это связано с повышением культуры и благосостояний населения.

В настоящее время между владельцами гостиниц и туристами заключаются контракты, по которому одна сторона берет на себя обязательство перед турагентом предоставлять гостиничные услуги клиенту турагента.

Отношения турагента, его клиента и гостиницы также не нашли своего правового регулирования в Правилах.

Вместе с тем не отрегулирован срок бронирования, ответственность сторон в результате не обеспечения сохранности личных вещей находящихся в камере хранения и в номере и др.

С учетом изложенного можно сделать вывод о том, что Правила предоставления гостиничных услуг в Республике Узбекистан не могли в полной мере обеспечить многочисленные права и обязанности сторон.

Кроме того следует отметить, что в настоящее время в Республике нет правил регулирующих отношения гостиничных услуг. Выше указанные правила утратили свою силу в 2012 году, а новые правила не приняты. Это свидетельствует о том, что правовому регулированию гостиничных услуг нет должного внимания.

В настоящее время нужны такие правила, которые обеспечат защиту прав и законных интересов туристов, в том числе лиц с ограниченными возможностями, защиту их имущества и безопасность, обеспечат взаимные права и обязанности гостя и владельца гостиницы.

¹ Правила предоставления гостиничных услуг в Республике Узбекистан Министерством юстиции Республики Узбекистан от 12 января 1998 года. Регистрационный № 389

² Гражданский Кодекс Республики Узбекистан (Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1996 г., приложение к № 2; 1997 г., № 2, ст. 56; 1998 г., № 5-6, ст. 102, № 1, ст. 20, № 9, ст. 229; 2001 г., № 1-2, ст. 23; 2003 г., № 5, ст. 67; Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2004 г., № 25, ст. 287, № 37, ст. 408; 2006 г., № 14, ст. 110, № 39, ст. 385; 2007 г., № 1-2, ст. 3, № 3, ст. 21, № 14, ст. 132, № 15, ст. 154, № 50-51, ст. 506; 2008 г., № 52, ст. 513; 2009 г., № 39, ст. 423; 2010 г., № 37, ст. 315, № 38, ст. 328; 2011 г., № 51, ст. 542; 2014 г., № 20, ст. 222). Гл. 38. Ст. 703.

³ Правила предоставления гостиничных услуг в Республике Узбекистан Министерством юстиции Республики Узбекистан от 12 января 1998 года. Регистрационный № 389. п.1.2

⁴ Закона Республики Узбекистан «О социальной защищенности инвалидов в Республике Узбекистан» от 11.06.2008 года.



СУДЛАНГАНЛИК ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИНИНГ МУҲИМ ИНСТИТУТЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА

- ◆ Мақолада судланганлик институтининг аҳамияти ҳамда моҳияти очиб берилиб, унинг суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишда жиноят ҳуқуқида тутган ўрни ёритиб берилди.
- ◆ В статье раскрыты суть и значение института судимости, и его место в реформировании судебно-правовой системы, а также в уголовном праве.
- ◆ This article discloses the nature and importance of the institution convictions, and his place in the reform of the judicial system, as well as in criminal law.

Таянч сўзлар: Судланганлик институти, суд-ҳуқуқ ислохотлари, либераллаштириш, жиноят қонунчилиги, судланганлик, миқдор, жиноят.

Ключевые слова: Институт судимости, судебно правовые реформы, либерализация, уголовный законодательство, судимость, численность, преступление.

Keywords: Institute criminal records, forensic legal reforms, liberalization, criminal legislation, criminal records, abundance, crime.

Суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислохотларнинг ижобий натижасига бугунги кунда барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Шу билан бирга, жиноят қонунчилигини либераллаштириш мақсадида қабул қилинаётган қонунлар қанчалик муқаммал ва яхши бўлмасин, улар амалда тўғри татбиқ этилсагина кўзланган натижага эришиш мумкин.

Судланганлик жиноят ҳуқуқининг муҳим институтларидан бири бўлиб, у шахснинг содир этган жинояти учун жиноий жазога ҳукм этилганликдан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолатдир.

Кейинги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган улкан ислохотлар натижасида жиноят қонунчилигини либераллаштириш йўлида кўплаб қонунлар қабул қилинди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтининг киритилиши ижобий натижаларга олиб келди. Айниқса, жиноят натижасида келтирилган зарар ёки зиёни ўз ихтиёри билан қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўлламаслик тўғрисидаги норманинг Жиноят кодексига киритилиши жиноят содир этганлиги учун муайян турдаги жазога ҳукм қилинган шахсларнинг судланганлик ҳолати муддатини қисқаришида ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлди.¹

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 77-моддасига кўра, судланганлик шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм этилганидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолатдир. Жазо тайинланган айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган ҳисобланади.

Судланганлик бу шахснинг содир этган жинояти учун (суднинг жазо тайинланган айблов ҳукмини қонуний кучга киришида ифодаланадиган) ҳукм қилишнинг маҳкум учун муайян жиноий ҳуқуқий ва умумий ҳуқуқий оқибатларга олиб келадиган муддатли характерга эга юридик факт ҳисобланади.²

Судланганлик кишилар ҳуқуқини чеклаш билан боғлиқ бўлган институт бўлганлиги туфайли ҳар доим ва барча давлатлар судланганлар миқдорининг кам бўлишидан ва бундай шахсларни имкони борича камайтиришдан манфаатдордир. Ўзбекистонда ҳам мустақилликка эришилганидан кейин жамиятда судланганларнинг миқдорини камайтириш йўлида катта ишлар амалга оширилди. Бу масалада суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Жамиятда судланганларнинг умумий миқдорини камайтиришнинг бош асоси жиноятчиликнинг олдини олишдир. Аҳоли миқдорининг ўсиб боришига қарамасдан судланганлар умумий миқдорининг камайиб бориши суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришнинг ютуқлари натижасидир.

Агар 1994 йилда 73561 жиноят (шундан 29317 таси оғир жиноят) рўйхатга олинган бўлса, 1995 йилда 67026 жиноят рўйхатга олинган, 1996 йилда эса 65980 жиноят рўйхатга олинган, 1995 йилга нисбатан 1996 йилда жиноятчилик 14,7 фоизга камайган. Кейинги йилларда жиноятчиликда камайиш тенденцияси юз берган.³

Агарда кейинги йилларда судланганларнинг миқдорига аҳамият бериладиган бўлса, судланганларнинг миқдори ҳам йилдан-йилга камайиб бор-

ган. Бунда жиноятчиликда камайиш тенденцияси юз берган. 2000 йили судланганларнинг умумий миқдорини юз фоиз деб оладиган бўлсак, 2001 йилда 2000 йилга нисбатан 5 фоизга ошган, 2002 йилда эса 11,3 фоизга камайган, 2003 йилда 16 фоизга, 2004 йилда эса 19 фоизга камайган.⁴

Кейинги йилларда республика бўйича судланганлар сонига назар ташлайдиган бўлсак, 2012 йилда судланганлар 35012 нафар бўлса, 2013 йилда бу рақам 32869 нафарга камайган. Шу жумладан, муқаддам судланганлар 2012 йилда 6348 нафар бўлиб, 18,1 фоизни ташкил қилган бўлса, 2013 йилда уларнинг сони 5802 нафарга камайиб, 17,7 фоизга камайган.⁵ Ушбу рақамлардан кўриниб турибдики, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш бошланганидан кейин судланганларнинг миқдори йилдан-йилга камайиб бормоқда.

Жамиятда судланганларнинг миқдори, аввало, содир этилган жиноятларнинг миқдори ва ўша жиноятларни содир этишда айбланаётган шахсларнинг миқдори билан, шунингдек, содир этилган жиноятларда оғир ва ўта оғир жиноятларнинг миқдори билан бевосита боғлиқдир. Чунки, оғир ва ўта оғир жиноятларнинг судланганлик муддати анча узок муддатли бўлиб, оғир жиноятларнинг судланганлик муддати етти йил белгиланган бўлса, ўта оғир жиноятларнинг судланганлик муддати ўн йил, ўта хавфли рецидивистлар ва ўн беш йил ва ундан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққанларнинг судланганлик муддати белгиланмаганлиги туфайли оғир ва ўта оғир жиноятларда камайиш юз бермаса, йилдан-йилга судланган шахсларнинг миқдори ошиб бораверади.⁶ Шунга кўра, жамиятда судланган шахсларнинг миқдорини камайтириб бориш учун оғир ва ўта оғир жиноятларнинг олдини олиш ҳамда рецидив жиноятчиликнинг олдини олиш учун барча имкониятларни ишга солган ҳолда унга қарши кураш олиб боришдан иборатдир. Бундай ҳолат албатта жамиятимиздаги судланган шахсларнинг жиддий камайишига олиб келади.

Юридик адабиётларда судланганлик институтидан воз кечиш тўғрисидаги таклифлар ҳам бўлган⁷. Аммо, судланганлик институти жиноят содир қилган шахсларнинг хулқини назорат қилиб туриш, уларнинг жисмоний фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда жазони ўташ вақтида тузалиш йўлига ўтиб олмаган шахсларга нисбатан тарбиявий хусусиятдаги чораларни қўллаб, уларни турмуши ва ишида ёрдам бериш учун, айрим ҳолларда эса жазони ўтаб бўлганидан кейин ҳам маса-

лан, маъмурий назорат ўрнатиш орқали тарбиявий ишларни давом эттириш учун судланганлик институти зарурдир.

Рецидив жиноятчиликни ўрганган олимларнинг деярли барчаси, шахс дастлабки жиноят учун жазони ўтаб чиққанидан бошлаб олти ой ўтмасдан бир йил ўтмасдан, икки йил ўтмасдан ва уч йил ўтмасдан ёки уч йил ўтиб кетганидан кейин қасдан янги жиноят содир қилганларни ўрганиб, тегишли хулосалар қилганлар. Агар шахс жазони ўтаб чиққан вақтдан бошлаб кўп вақт ўтмасдан янги қасдан жиноят содир қилса, ҳукм бўйича жазони ўташдан олдинги жиноий фаолиятдан воз кечмаган ҳисобланишини таъкидлайдилар. Кўпчилик рецидив жиноят содир қилганлар дастлабки жинояти учун жазони ўтаб чиққанидан кейин уч йил ўтмасдан қасдан жиноят содир қилган шахслардир. Бундай ҳолатдан шундай хулоса қилиш мумкинки, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан шахсларни жазони ўтаб чиққан кунидан бошлаб уч йил мобайнида назорат қилиш ва зарур бўлса, ана шу давр ичида уларга алоҳида аҳамият бериш, турмуш ва ишларида ёрдам беришига алоҳида ёндашиш талаб этилади.

Судланганлик институти Узбекистон Республикаси Жиноят кодексига такомиллаштиришнинг асосий йўналиши қуйидагиларни кўзда тутади. Биринчидан, Жиноят кодексига қонунчилик принципига мувофиқ судланганликнинг ҳуқуқий моҳияти ва унинг олиб ташланиши ёки тугалланиши каби жиноий ҳуқуқий оқибатлари белгиланган. Иккинчидан, қонун чиқарувчи судланганлик мавжудлиги туфайли фуқаролик ҳуқуқларининг чекланишига олиб келадиган судланган шахсларнинг миқдорини камайтиришдан манфаатдордир.⁸ Жиноят ҳуқуқига оид адабиётларда судланганлик институти огоҳлантириш аҳамиятига эга ҳисобланади. Судланганликнинг умумий ҳуқуқий оқибатлари каби жиноят-ҳуқуқий оқибатлари ҳам жиноий жазо самарадорлигини ошириш ва маҳкумни тарбиялашга қаратилган чораларни мустаҳкамлаш, шунингдек, аввал судланган шахслар томонидан янги жиноятлар содир этилишининг олдини олишга қаратилгандир.

Судланганлик маҳкумнинг жиноят содир этгандан кейинги хулқи устидан нафақат уни тузатиш мақсадида, балки конституциявий тузумнинг асосини, бошқа шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини, соғлигини, давлат хавфсизлиги ва мамлакат мудофаасини ҳимоя қилиш мақсадида ижтимоий-ҳуқуқий назорат қилиш учун ҳам юридик асос ҳисобланади.

¹ Усмоналисв М. Судланганлик унинг ҳуқуқий оқибатлари ва либераллаштириш муаммолари. «Янги аср авлоди». Тошкент. 2005й. Б-5.

² Ўша жойда.

³ Каракетов И. Усмоналисв М. Криминология. Тошкент. «Янги аср анлоди». 2001. Б-49.

⁴ Усмоналисв М. Судланганлик, унинг ҳуқуқий оқибатлари ва либераллаштириш муаммолари. «Янги аср авлоди». Тошкент. 2005й. Б-6.

⁵ Ички ишлар вазирлиги Ахборот марказининг жиноятчиликнинг ўсиш динамикаси тўғрисидаги маълумотлари.

⁶ Рустамбаев М.Х.- Узбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. 2-Том. Жиноят тўғрисида таълимот. Т1.— Т.: «ИЛМ ЗИЁ», 2011. -Б227.

⁷ Казакова И., Кранцев Г. Институт судимости необходимо совершенствовать, Ученые записки ВНИИСЗ. 1966. В. 8. С 234-235.

⁸ Усмоналисв М. Судланганлик унинг ҳуқуқий оқибатлари ва либераллаштириш муаммолари. Тошкент. «Янги аср авлоди». 2005й.Б-28.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва
Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг
2014 йил 3 октябрдаги 17/266-сонли ҚАРОРИ

"АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ВА АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТўҒРИСИДА"ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ ҚўЛЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ ҲАҚИДА

"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни янги таҳрирда қабул қилинганлиги муносабати билан ушбу Қонун ҳамда акциядорлик жамиятлари фаолиятини тартибга соладиган бошқа қонун ҳужжатларининг тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17 ва 47-моддаларига асослашиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми қарор қилади:

1. Судлар акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар иштирокидаги ишларни кўришда шуни инобатга олишлари лозимки, бундай жамиятларнинг тузилиши, фаолияти ва тугатилиши, шунингдек акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади), "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

2. Акциядорлик жамиятлари (бундан буён матнда жамият деб юритилади) иштирокидаги ишларни кўришда судлар қонун Ўзбекистон Республикасида тузилган ёки тузиладиган барча жамиятларга нисбатан татбиқ этилишини назарда тутишлари лозим.

Банк, инвестиция ва сўғурта фаолияти соҳаларида, шунингдек давлат ташкилотларини хусусийлаштиришда акциядорлик жамиятларини ташкил этишнинг ва улар ҳуқуқий ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади (Қонуннинг 2-моддаси).

3. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, арз қилинган талабнинг умумий юрисдикция суди ёки ҳўжалик суди судловига тааллуқлилиги масаласи ушбу судларнинг Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси (бундан буён матнда ФПК деб юритилади) ва Ҳўжалик процессуал кодекси (бундан буён матнда ХПК деб юритилади)да белгиланган ваколатларидан келиб чиқ-

қан ҳолда аниқланади.

3.1. ХПКнинг 23-моддасига мувофиқ, акциядорлар ўртасида, акциядор билан жамият ўртасида жамият фаолиятдан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар, меҳнатга оид низолардан ташқари, ҳўжалик судларига тааллуқлидир.

3.2. Судлар ушбу тоифадаги ишлар бўйича даъво аризаларини иш юритишга қабул қилишда низо қачон вужудга келганлигига эътибор қаратишлари лозим.

Низо жамият давлат рўйхатидан ўтиб, юридик шахс мақомига эга бўлганидан сўнг вужудга келган ҳамда уларнинг фаолиятдан келиб чиққан бўлса, иш ҳўжалик судлари судловига, аксинча низо жамият давлат рўйхатидан ўтказилгунига қадар вужудга келган ва иштирокчиларидан бири сифатида жисмоний шахс қатнашган ёки меҳнатга оид бўлса, умумий юрисдикция судлари судловига тааллуқли бўлади.

3.3. Судлар, жамият фаолиятдан келиб чиққан, баъзилари ҳўжалик судига, баъзилари эса умумий юрисдикция судига тааллуқли бўлган ўзаро боғлиқ бир неча талаб бирлаштирилган тақдирда, иш умумий юрисдикция суди судловига тааллуқли бўлишини назарда тутишлари лозим.

Низо жамият фаолиятдан келиб чиққан бўлсада, ундаги тараф (жисмоний шахс) мазкур жамиятнинг акциядори бўлмаса, шунингдек собиқ акциядори бўлса, бундай низолар ҳўжалик суди судловига эмас, балки умумий юрисдикция судлари судловига тааллуқли, бундан акцияларни бегоналлаштириш ва бундай ҳаракатнинг оқибати билан боғлиқ низолар мустасно.

Шунингдек, акциядор ҳисобланган жисмоний шахс билан жамият ўртасида вужудга келган, жамият фаолияти билан боғлиқ бўлмаган низолар умумий юрисдикция судлари судловига тааллуқлидир.

3.4. Иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат қонунчилигининг қўлланилиши ҳамда меҳнат шартномасида назарда тутилган шартлар юзасидан келиб чиққан низолар умумий юрисдикция судлари судловига тааллуқлидир.

Хусусан, судларга жамият директорининг, жамият бошқаруви аъзоларининг, ишончли бошқарувчининг қонун ва бошқа қонун ҳужжатларида, жамият уставида ҳамда муддатли меҳнат шартномасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек Қонун 79-моддасининг саккизинчи қисмига асосан тузилган шартномалар бўйича юзага келадиган низолар умумий юрисдикция судлари судловига тааллуқли эканлиги тушунтирилсин.

4. Қонуннинг 3-моддасига кўра устав фонди (устав капитали) акциядорларнинг акциядорлик жамиятига нисбатан ҳуқуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган тижорат ташкилоти акциядорлик жамияти деб эътироф этилади.

5. ФК 58-моддасининг тўртинчи қисми ва Қонун 11-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар жамиятнинг муассислари бўлиши мумкин. Жамиятни тузиш тўғрисидаги қарорни қабул қилишда иштирок этмаган шахслар унинг муассиси деб аталиши мумкин эмас.

Жамиятни таъсис этиш йўли билан ташкил этиш муассисларнинг (муассиснинг) қарорига кўра амалга оширилади. Жамиятни таъсис этиш тўғрисидаги қарор таъсис йиғилиши томонидан қабул қилинади. Жамият бир муассис томонидан таъсис этилган тақдирда, жамиятни таъсис этиш ҳақидаги қарор шу муассис томонидан яқка тартибда қабул қилинади.

Жамиятни таъсис этиш тўғрисидаги қарор муассисларнинг овоз бериш натижаларини ҳамда жамиятнинг таъсис этиш, унинг уставини тасдиқлаш, жамиятнинг бошқарув органларини шакллантириш масалалари юзасидан муассислар қабул қилган қарорларни акс эттириши керак.

Судлар жамиятни таъсис этиш тўғрисидаги қарорда Қонуннинг 10-моддасида кўрсатилган масалалар акс эттирилган бўлишига эътибор қаратишлари лозим. Бунда жамиятни таъсис этиш, унинг уставини тасдиқлаш тўғрисидаги ва муассис томонидан жамиятнинг акциялари ҳақини тўлаш учун киритилаётган қимматли қоғозларнинг, ўзга мулк ҳуқуқларнинг ёки пулда ифодаланган баҳога эга бўлган бошқа ҳуқуқларнинг пулда ифодаланган баҳосини тасдиқлаш ҳақидаги қарорлар муассислар томонидан бир овоздан қабул қилинади.

Давлат ташкилоти акциядорлик жамияти сифатида қайта ташкил этилаётганда жамиятни таъсис этиш тўғрисидаги қарор давлат мулкани тасарруф этишга ваколатли орган томонидан қабул қилинади.

Жамият муассислари ва акциядорларининг сони чекланмайди.

6. Судлар шуни эътиборда тутишлари лозимки, Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ жамиятнинг таъсис ҳужжати унинг устави ҳисобланади.

Судларга тушунтирилсинки, жамият уставида Қонун 13-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак. Агар жамият уставида бартараф этиладиган бузилишлар мавжуд бўлса, бу ҳолат акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш ва уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масаласини кўриб чиқиш мажбуриятини юклаш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилиш учун асос бўлади. Бартараф этилмайдиган бузилишлар мавжуд бўлганда эса бу ҳолат ФК 53-моддаси иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисига асосан жамиятнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги талаб билан судга муро-

жаат қилиш учун асос бўлади.

Жамият уставига нисбатан фуқаролик қонун ҳужжатларининг битимни ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ нормалари қўлланилмайди.

7. Жамият муассислари жамиятни ташкил этилиши билан боғлиқ мажбуриятлар юзасидан жамият давлат рўйхатидан ўтказилгунига қадар солидар жавобгар бўлади. Жамият муассисларнинг жамиятни ташкил этиш билан боғлиқ мажбуриятлари юзасидан муассисларнинг ҳаракатлари кейинчалик акциядорларнинг умумий йиғилишида маъқулланган тақдирдагина жавобгар бўлади.

Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

Акциялар ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари бўйича ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.

8. ФКнинг 67 ва 68-моддаларига, Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ, жамият акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

Жамиятни шўба жамият мажбуриятлари (қарзлари) бўйича жавобгарлиги билан боғлиқ низоларни кўришда, судлар ФКнинг 48 ва 67-моддалари, шунингдек Қонуннинг 8-моддаси талабларини эътиборга олишлари лозим. Мазкур нормаларга кўра шўба жамият учун мажбурий бўлган кўрсатмалар беришга ҳақли бўлган асосий жамият, бу кўрсатмалар ижроси юзасидан шўба жамият тузган битимлар бўйича у билан биргаликда солидар жавобгар бўлади.

Асосий жамият, агар унинг айби билан шўба жамиятнинг ночорлиги (банкротлиги) юзага келса, шўба жамият мажбуриятлари (қарзлари) бўйича субсидиар жавобгарликка тортилиши мумкин.

9. Жамиятни тузиш пайтида устав фондиди дастлабки шакллантириш ва акцияларни жойлаштириш билан боғлиқ низоларни ҳал этишда судлар, жумладан муассис-акциядор таъсис йиғилиши томонидан белгиланган муддатда, аммо акциядорлик жамияти рўйхатдан ўтказилганидан сўнг кўпи билан бир йил ичида акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўлаши шарт эканлигига эътибор қаратишлари лозим.

Акцияларни жойлаштириш ва қимматли қоғозлар муомаласига доир қонунчилик талабларига риоя қилинмаган ҳолда тузилган акцияларни жойлаштириш ва муомаласига оид битимлар суднинг қарорига асосан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

10. Қайта сотиш мақсадида жамият тасарруфига ўтган акциялар жамият тасарруфига ўтган пайдан эътиборан бир йилдан кечиктирмай реализация қилиниши керак, акс ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг устав фондиди (устав

капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим. Кўрсатилган муддатда реализация қилинмаган акциялар бекор қилиниши керак.

11. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, Қонуннинг 17-моддасида жамият устав фондининг энг кам миқдори белгиланган. Ушбу моддага кўра жамият устав фондининг энг кам миқдори жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича тўрт юз минг АҚШ долларига тенг бўлган суммадан кам бўлмаслиги керак.

12. Жамият устав фондини кўпайтириш акцияларнинг номинал қийматини ошириш ёки кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан амалга оширилади. Устав фондини бундай тарзда кўпайтириш акциядорлар умумий йиғилишининг ёхуд, агар жамият устави ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан бундай ҳуқуқ кузатув кенгашига берилган бўлса, кузатув кенгашининг қарори билан амалга оширилади (Қонуннинг 18-моддаси).

13. Акциядорлик жамияти устав фондини камайтириш акцияларнинг жамият устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан, акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда жамият томонидан олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

Акцияларнинг бир қисмини сотиб олиш ва бекор қилиш йўли билан жамият устав фондини камайтиришга, бундай имконият акциядорлик жамияти уставида назарда тутилган ҳолдагина йўл қўйилади.

Агар муомалада қолган акцияларнинг номинал қиймати бўйича умумий миқдори жамият устав фондининг (устав капиталининг) Қонуннинг 17-моддасида назарда тутилган энг кам миқдоридан камайиб кетадиган бўлса, жамият жойлаштирилган акцияларининг умумий сонини камайтириш мақсадида уларнинг бир қисмини олиш йўли билан жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш ва жамият уставига тегишли ўзгартириш киритиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига асосан йўл қўйилади (Қонуннинг 19-моддаси).

14. Қонуннинг 20-моддасига кўра кредиторлар жамиятнинг устав фонди камайтирилганлиги тўғрисида ўзларига хабар юборилган кундан бошлаб кечи билан ўттиз кун ичида жамиятдан мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришни ва устав фонди камайтирилиши билан боғлиқ зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Судларга тушунтирилсинки, белгиланган муддат бу талабнома юбориш муддати ҳисобланмайди. Бунда жамиятдан мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришни ва устав фонди камайтирилиши билан боғлиқ зарарни тўлашни талаб қилиш кредиторнинг ҳуқуқи ҳисобланади. Кредиторнинг

Қонуннинг 20-моддасида назарда тутилган ҳуқуқдан фойдаланмаганлиги кейинчалик уни мажбуриятни муддатидан олдин бажаришни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум этади.

15. Қонуннинг жамият устав фондини (устав капиталини) камайтириш ёки жамиятни тугатиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш ҳақидаги талаби жамият томонидан бажарилмаган тақдирда, жамият Қонун 32-моддасининг саккизинчи қисмига мувофиқ акциядорлар, кредиторлар, шунингдек ваколатли давлат органларининг даъвоси асосида суд томонидан тугатилиши мумкин.

16. Судлар акцияларнинг ҳаммасини ёки муайян қисмини акциядорлик жамияти томонидан қайтариб сотиб олиш мажбуриятини юклаш ҳақидаги даъво аризаси билан фақат овоз берувчи акцияга эга бўлган акциядорлар фақатгина Қонун 40-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатларда муурожаат қилишга ҳақли эканлигини назарда тутишлари лозим.

Шунга кўра, агарда акцияларини қайтариб сотиб олиш мажбуриятини юклаш ҳақидаги талаб қайд этилган масалалар бўйича ёқлаб овоз берган ёхуд овоз беришда ўзрсиз сабабларга кўра иштирок этмаган овоз берувчи акцияга эга бўлган акциядор томонидан билдирилган бўлса, бундай талабни қаноатлантириш рад этилади.

Даъвогарнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этмаганлиги сабабларини аниқлашда, судлар у йиғилишни ўтказиш вақти ва жойи ҳақида қонунда белгиланган тартибда хабардор қилинганлигини текширишлари лозим.

Судлар шунини эътиборга олишлари керакки, акциядорнинг ўзига тегишли акцияларни қайтариб сотиб олиш тўғрисидаги талабни акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган кундан эътиборан кечи билан ўттиз кун ичида жамиятга тақдим қилишлари керак. Ушбу талаб ёзма шаклда берилиши ва унда акциядорнинг яшаш жойи (жойлашган ери) ҳамда у қайтариб сотиб олинишини талаб қилаётган акциялар сони кўрсатилган бўлиши керак. Бунда қайд этилган ўттиз кунлик муддат низоми судгача ҳал этиш муддати ҳисоблалишини назарда тутиш лозим. Судлар бундай даъволарни кўриш жараёнида акциядор томонидан талабнома жамиятга қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида юборилганлигини текширишлари лозим. Агар талабнома ушбу муддат ичида юборилган бўлмаса, даъво бўйича иш юритиш ХПК 86-моддасининг 8-бандига асосан тугатилиши лозим.

16.1. Қонун 41-моддасининг тўртинчи қисмига кўра ўттиз кунлик муддат тугаганидан сўнг жамият қайтариб сотиб олиш талабини қўйган акциядордан акцияларни ўн кун ичида сотиб олиши шарт.

Судлар эътиборга олишлари керакки, ўн кунлик муддатни ҳисоблаш акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган кундан эътиборан ўттиз кун ўтганидан сўнг бошланади.

Агарда, суд муҳокамаси давомида мазкур банд-

нинг биринчи ва иккинчи хатбошиларида кўрсатилган муддатлар ўтмаган бўлса, акцияларни қайтариб сотиб олиш ҳақидаги мажбуриятни юклаш тўғрисидаги даъво талаби жамият томонидан мажбуриятни бажариш муддати келмаганлиги сабабли рад этилади. Даъво аризани қаноатлантиришни қайд этилган асосга кўра рад этилиши мажбуриятни бажариш муддати юзага келгандан сўнг қайтадан судга мурожаат қилишга тўсқинлик қилмайди.

16.2. Судлар шуни инобатга олишлари лозимки, акцияларни қайтариб сотиб олиш тўғрисидаги даъво қаноатлантирилганда акцияларни сотиб олишга жамият томонидан ажратилган маблағларнинг суммаси акциядорларда ўзларига қарашли акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келишига сабабчи бўлган акциядорлар умумий йиғилиши қарори қабул қилинган санадаги жамият соф активлари қийматининг ўн фоизидан ошиб кетиши мумкин эмас, жамиятни ўзгартириш ҳолатлари бундан мустасно.

Шу муносабат билан акцияларни қайтариб сотиб олиш ҳақидаги мажбуриятни юклаш тўғрисидаги талабни кўришда судлар назарда тутишлари керакки, бундай даъво талаби фақат жамият соф активлари қийматининг ўн фоизидан ошмаган миқдорда қаноатлантирилиши мумкин, бундан жамиятни ўзгартириш ҳолатлари мустасно.

16.3. Акциядорларнинг ўзларига тегишли акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олиниши тўғрисидаги талаблари акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган кундан ўттиз кун кечиктирилиб тақдим этилган тақдирда, жамият талаб қўйган акциядорларга қайтариб сотиб олишни рад этиши мумкин.

16.4. Қайтариб сотиб олиш талаби қўйилган акцияларнинг умумий сони Қонун 41-моддасининг бешинчи қисмида белгиланган чекловларни инобатга олган ҳолда қайтариб сотиб олиниши мумкин бўлган акциялар сонидан ошиб кетган тақдирда жамият томонидан акциялар акциядорлардан қўйилган талабларга мутаносиб равишда қайтариб сотиб олинади.

16.5. Қонуннинг 40-моддасига асосан жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олиш ушбу акцияларнинг бозор қиймати бўйича амалга оширилади, бу қиймат жамиятнинг акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келишига сабаб бўладиган ҳаракати натижасида қийматнинг ўзгариши ҳисобга олинмаган ҳолда аниқланади.

Сотиб олинмаган акцияларнинг бозор қийматини аниқлашда судлар Қонуннинг 24-моддаси талабларини ҳисобга олишлари керак.

17. Жамият қайта ташкил этилган тақдирда жамият томонидан қайтариб сотиб олинган акциялар бекор қилинади.

Жамият томонидан Қонуннинг 40-моддасида назарда тутилган бошқа ҳолларда қайтариб сотиб олинган акциялар жамият тасарруфига ўтиб, улар

овоз бериш ҳуқуқини бермайди, овозларни санаш чоғида ҳисобга олинмайди, улар бўйича дивидендлар ёзилмайди ва бундай акциялар қайтариб сотиб олинган пайтдан эътиборан бир йилдан кечиктирмай реализация қилиниши лозим, акс ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилиши мазкур акцияларни бекор қилиш йўли билан жамият устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши керак бўлади.

18. Қонун 38-моддаси иккинчи қисмига кўра Қонуннинг 40 ва 41-моддаларига мувофиқ қайтариб сотиб олиш тўғрисида талаб қўйилган ҳамма акциялар қайтариб сотиб олинмагунига қадар жамият жойлаштирилган акцияларни олишга ҳақли эмас.

19. Акциядорнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш, дивиденд олиш ва жамият томонидан корпоратив ҳаракатлар бажарилганда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлари жамият акциядорларининг реестри асосида амалга оширилади.

20. Судлар, агар жамиятга нисбатан "олтин акция"ни жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, жамият акциядорларининг реестрига давлат вакили ҳам қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда киритилиши лозим эканлигига эътибор қаратишлари керак.

21. Жамият акциядорларининг реестрлари шакллантирилишини таъминлаш ва шакллантирилган реестрларни сақлаш мажбурияти Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси (бундан буён матнда Марказий депозитарий деб юритилади)га юклатилган. Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш бўйича Марказий депозитарий билан шартнома тузилмаган тақдирда, рад жавобини олган томон жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бир ойлик муддат ўтгач шартнома тузишга мажбурлаш ҳақида даъво билан судга мурожаат қилиши мумкин.

22. Судларга тушунтирилсинки, қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлардан мустасно равишда жамият акциядорларининг реестрини шакллантиришни асоссиз рад этишга йўл қўйилмайди. Қонун 44-моддасининг олтинчи қисмига мувофиқ жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш асоссиз рад этилганлиги устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

23. Судлар шуни эътиборга олишлари керакки, қонун акциядорни у томонидан жамият олдидagi мажбуриятлар бузилганлиги, унинг акциядорлар йиғилишига келмаслиги ёки унда қатнашишни рад этганлиги, акциядорлик жамияти билан узоқ вақт олоқада бўлмаганлиги каби асослар бўйича акциядорлар реестридан чиқариш имкониятини назарда тутмайди.

24. Судларга тушунтирилсинки, дивиденд тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби ҳақидаги қарор ҳар бир турдаги, шу жумла-

дан, имтиёзли акциялар бўйича жамият кузатув кенгашининг тавсиясига мувофиқ, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Бундай қарор мавжуд бўлмаса, жамият дивидендларни тўлашга, акциядорлар эса уларни тўлашни талаб қилишга ҳақли эмас.

Дивидендларни тўлашда биринчи навбатда имтиёзли, сўнгра оддий акциялар инобатга олиниши лозим. Имтиёзли акциялар бўйича қатъий белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда жамият мазкур акцияларнинг эгаларига дивидендлар тўлашни рад этган тақдирда акциядорлар Қонун 51-моддасининг учинчи қисми асосида дивидендлар тўланишини суд тартибидан талаб қилишга ҳақлидирлар.

Судлар ишларни кўришда, дивидендларнинг миқдори Қонуннинг 50-моддасига мувофиқ жамият кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмаслигига эътибор беришлари лозим.

25. Акция эгаси ёки эгасининг қонуний вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил мобайнида талаб қилинмаган ва Қонун 51-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ умумий йиғилиши қарорига асосан жамият ихтиёрида қолдирилган дивидентни ундириш бўйича даъво тақдим этилган тақдирда, судлар даъвони қаноатлантиришни рад этишлари лозим, бундан ФКнинг 159-моддасига асосан ўтказиб юборилган муддат тикланган ҳоллар мустасно.

26. Дивидендлар белгиланган муддатда тўланмаган тақдирда акциядор, жамиятдан унга тегишли дивиденд суммасини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган қайта молиялаш ставкалари бўйича пеня ундириш ҳақида судга даъво билан мурожаат қилишга ҳақли. Бунда пеня дивиденд тўлови кечиктирилган давр учун дивиденд тўлаш муддати тугаган куннинг эртасидан бошлаб ҳисобланади.

Суд қарори билан ундирилган дивидендларни тўлаш жамият томонидан рад этилган тақдирда, акциядор ёки кредитор аризаси асосида жамият "Банкротлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда банкрот деб топилиши мумкин.

27. Қонуннинг 54-моддасида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганда акциядорлик жамияти мазкур ҳолатлар тугагунга қадар дивидендлар тўлаш бўйича қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

28. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

29. Қонун 82-моддасининг биринчи қисмига кўра миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жамиятда уларнинг орасидан миноритар акциядорларнинг қўмитаси ташкил этилиши мумкин.

Қонун ҳужжатларида миноритар акциядор деб ҳисобланиши учун акциядор қанча миқдордаги акцияга эга бўлиши кераклиги белгиланмаган.

Судларга тушунтирилсинки, жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эга, лекин акциялари сони акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган масала бўйича қарор қабул қилишга таъсир қилмайдиган даражада оз акцияга эга бўлган акция эгаси миноритар акциядор ҳисобланади, агарда қонун ҳужжатларида бошқача назарда тутилмаган бўлса.

Акциядорнинг миноритар акциядорлар қўмитасига аъзо бўлиши унинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ва овоз бериш ҳуқуқидан, шунингдек Қонуннинг 26 — 28 моддаларида белгиланган бошқа ҳуқуқлардан маҳрум қилмайди.

30. Жамият миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига киради (Қонун 59-моддаси).

Қонунда миноритар акциядорлар қўмитаси аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш учун асослар кўрсатилмаган.

Шу муносабат билан судларга тушунтирилсинки, миноритар акциядорлар қўмитаси аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш учун қўмита аъзоларининг ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги, ўз ваколатларини суистеъмол қилганликлари, қўмита аъзосининг бетоблиги сабабли ўз вазифасини бажара олмаслиги ва қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи белгилаган бошқа ҳолатлар асос бўлиши мумкин.

31. Қонун 82-моддасининг ўн учинчи қисмига кўра миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолиятига жамият кузатув кенгашининг ёки ижроия органининг аралашувиغا йўл қўйилмайди.

Судлар назарда тутишлари лозимки, жамият кузатув кенгашининг ёки ижроия органи томонидан миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолиятига аралашуш, қўмитанинг нормал фаолият юритиши учун тўсқинлик қилинган ҳолатларда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли орган миноритар акциядорлар манфаатида ушбу ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) ноқонуний деб топиш тўғрисида даъво аризаси билан судга мурожаат қилиши мумкин. Бундай тоифадаги ишларда жавобгар сифатида жамият кузатув кенгашининг ёки ижроия органи эмас, жамият иштирок этади.

32. Жамиятнинг акциядорларига тегишли бўлган дивидендлар тўланмаган тақдирда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи мазкур жамият акциядорининг ёки

миноритар акциядорлари қўмитасининг мурожаати асосида судга жамиятнинг зиммасига ушбу жамият акциядорларига дивидендлар тўлаш мажбуриятини юклатиш тўғрисида даъво тақдим этишга ҳақли. (Қонун 113-моддасининг учинчи қисми).

Судларнинг эътибори Солиқ кодексининг 330-моддасига асосан, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи инвесторларнинг, шунингдек давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир даъволар бўйича давлат божи тўлашдан озод этилганлигига қаратилсин.

Судлар назарда тутишлари лозимки, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг даъво аризасида даъво кимнинг манфаатида берилаётганлиги албатта кўрсатилиши лозим.

Судларга тушунтирилсинки, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи мазкур жамият акциядорининг ёки миноритар акциядорлар қўмитасининг мурожаати асосида жамиятнинг зиммасига ушбу жамият акциядорларига дивидендлар тўлаш мажбуриятини юклатиш тўғрисида даъво тақдим этиши акциядорнинг дивидендларни ундириш ҳақида судга алоҳида мурожаат этишига тўсқинлик қилмайди.

33. Акциядорлик жамияти кузатув кенгашининг ёки ижроия органининг (яккабошчилик ёки коллегиял) қарори устидан, қонунда кўрсатилган ҳолларда ҳамда низолашилаётган қарор акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабига мос бўлмаса ва акциядорларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига зид бўлган тақдирда, уни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида судга даъво қилиш мумкин. Бундай иш бўйича акциядорлик жамияти жавобгар ҳисобланади.

34. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъволарни кўриб чиқишда даъвони қаноатлантириш учун асос бўлиши мумкин бўлган қонун бузилишларига, жумладан, қўйидагилар кириши ҳисобга олиниши лозим:

— умумий йиғилишни ўтказиш санаси, вақти ва жойи тўғрисида акциядорни тегишли тарзда хабардор этмаслик (Қонун 62-моддасининг биринчи — учинчи қисмлари);

— акциядорга йиғилиш кун тартибига киритилган масалаларга оид зарур ахборот (материаллар) билан танишишга имконият бермаслик (Қонун 62-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмлари);

акциядорларнинг умумий йиғилишда иштирок этиши тартибини бузиш (Қонуннинг 67-моддаси);

овоз бериш учун бюллетенлар берилмаслиги (Қонуннинг 70-моддаси) ва бошқалар.

Бу ўринда шуни инобатга олиш лозимки, акциядорлар умумий йиғилиши қарорини қабул қилиш тартиби Қонуннинг 60-моддаси ва жамият устави билан белгиланади. Агар устав Қонунга мос бўлмаса, унинг Қонунга зид бўлмаган қисми қўлланилади.

35. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорини

ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низоларни кўриб чиқишда судлар шуни инобатга олишлари лозимки, акциядорлар умумий йиғилишининг қарори у қонун ҳужжатларига ёки жамият уставига зид бўлган ва (ёки) умумий йиғилиш қонун ҳужжатлари ва жамият уставида белгиланган тартибни бузган ҳолда ўтказилганда ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Бундай даъво билан ушбу қарорни қабул қилишда қарши овоз берган ёки акциядорларнинг умумий йиғилишида узрли сабабга кўра иштирок этмаган акциядор чиқиши мумкин.

Шу билан бирга, ушбу банднинг биринчи хатбошисидан кўрсатилган низоларни ҳал этишда суд, ишнинг барча ҳолатларини инобатга олиб, агар даъвогар-акциядорнинг овози овоз бериш натижаларига таъсир этмаса, йўл қўйилган камчиликлар жиддий бўлмаса ва қарор акциядорга зарар етишига олиб келмаган бўлса, шикоят қилинган қарорни кучида қолдиришга ҳақли.

36. Агар низони кўриб чиқишда суд тарафлар ўз талаб ва эътирозларини акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асос қилиб келтираётганликларини, чунончи, бу қарор умумий йиғилиш ваколлати бузилиб, умумий йиғилиш ўтказиш учун кворум бўлмасдан ёки йиғилиш кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қабул қилинганлигини аниқласа, ушбу қарорнинг у ёки бу акциядор томонидан низолашилаётганлигидан қатъи назар, уни юридик кучга эга эмас деб баҳолаши ва низони Қонун нормаларига мувофиқ ҳал қилиши лозим.

Бунда акциядорлар умумий йиғилиши, қонун билан унинг ваколлатига берилмаган ёхуд йиғилиш кун тартибига киритилмаган масалаларни кўриб чиқишга ва қарор қабул қилишга ёки кун тартибини ўзгартиришга ҳақли эмаслиги инобатга олинishi лозим.

Судлар Қонун 60-моддасининг саккизинчи қисми ва 78-моддасининг бешинчи қисмида акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши томонидан давлат вакилининг иштирокисиз қабул қилинган қарорлар, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вето қўйилган қарорлар ижро этилмаслиги белгиланганлигига эътибор қаратишлари лозим.

37. Йирик битимлар билан боғлиқ низоларни кўришда судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан ортиқ қийматга эга бўлган мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) ёки ўзаро боғланган бир нечта битим йирик битим деб ҳисобланади, кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимлар ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно.

Йирик битимларга (битимнинг тегишли суммаси-

да) талабдан ўзга шахс фойдасига воз кечиш, қарзни ўтказиш, бошқа хўжалик жамияти устав фонди-га акцияларни тўлаш ҳисобига маблағ киритиш ва бошқа шартномаларни ҳам, агар уларни тузиш натижасида жамият мулкни тасарруфдан чиқариш имконияти юзага келса, киритиш мумкин.

Йирик битим предмети бўлган мол-мулкнинг бозор қиймати (миқдори) жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан олинаётган ёки тасарруфдан чиқарилаётган мол-мулкнинг баҳосидан келиб чиқиб аниқланади, бунда мажбурият бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги сабабли тегишли тарафдан тўланиши талаб этилиши мумкин бўлган қўшимча ҳисоблашлар (неустойка, жарима ва пенялар) инobatга олинмайди. Мол-мулк тасарруфдан чиқарилган ёки тасарруфдан чиқариш имконияти юзага келган ҳолларда жамият активининг баланс қиймати билан бундай мол-мулкнинг бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосида аниқланган баҳоси, мол-мулк олинган ҳолларда эса унинг олиниш нархи таққосланади.

38. Йирик битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низоларни кўриб чиқишда ФКнинг 116 ва 126-моддаларига риоя этиш лозим бўлиб, Қонун 84-моддасининг биринчи қисми мазмунига кўра, баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши лозим, бунда кузатув кенгашидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инobatга олинмайди.

Жумладан, акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан ваколати муддатидан илгари тугатилган кузатув кенгаши аъзоси таркибдан чиқиб кетган деб ҳисобланади.

Жамият кузатув кенгаши томонидан йирик битим тузиш масаласи бўйича яқдилликка эришилмаган тақдирда бу масала кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳукмига ҳавола этилиши мумкин.

39. Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортиқ қийматни ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

40. Тузилишидан манфаатдорлик бўлган битимнинг жамият томонидан тузилиши билан боғлиқ низоларни ҳал этишда, жамият битим тузишидан манфаатдор шахслар рўйхати ва уларни бундай шахслар деб топиш шартлари Қонуннинг 85-моддасида қайд этилганлигини инobatга олиш лозим.

Бунда битимни Қонуннинг 85-моддасида қайд этилган шахслар томонидан тузилган деб топиш учун тегишли шахснинг манфаатдорлиги ушбу битим тузилаётган вақтда мавжуд бўлганлигини аниқ-

лаш ҳамда Қонун 91-моддасидаги битимлар тузишдаги истисноларни инobatга олиш лозим.

41. Судларга тушунтирилсинки, Қонун 88-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларига биноан, аффилиланган шахс билан тузиладиган битим бўйича қарор жамият кузатув кенгаши томонидан аффилиланган шахснинг ёзма билдириши жамиятга келиб тушган санадан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмай қабул қилинади. Жамият кузатув кенгашининг икки ва ундан ортиқ аъзоси аффилиланган шахс бўлган ҳолатларда эса, битим бўйича қарор Қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

42. Кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан жамият тузилишидан манфаатдор бўлган битимни тузиш тўғрисида қабул қилинаётган қарорда: битимнинг тарафи (тарафлари), фойда олувчи (фойда олувчилари) ҳисобланган шахс (шахслар), битимнинг баҳоси, предмети ва бошқа муҳим шартлар кўрсатилиши керак.

43. Судлар шуни инobatга олишлари лозимки, йирик битимлар ва тузилишидан манфаатдорлик бўлган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаблар жамият ёки акциядор томонидан, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, шунингдек бошқа ваколатли органлар томонидан киритилиши мумкин.

44. Жамиятни қайта ташкил этиш билан боғлиқ низоларни кўришда судлар шунга эътибор беришлари керакки, ФКнинг 49-моддаси ва Қонуннинг 92-моддасига кўра, жамиятни қайта ташкил этиш (кўшиб юбориш, кўшиб олиш, бўлиш, ажратиш чиқариш ва ўзгартириш) акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига асосан амалга оширилади.

45. Судлар шуни инobatга олишлари лозимки, агар жамиятни қайта ташкил этишда тасдиқланган тақсимлаш баланси қайта ташкил этилган жамиятнинг ҳуқуқий ворисини аниқлаш имконини бермаса, янги вужудга келган юридик шахслар қайта ташкил этилган жамият мажбуриятлари бўйича унинг кредиторлари олдида солидар жавобгар бўлади-лар (ФК 52-моддаси).

Агар тақсимлаш балансидан уни тасдиқлаш пайтида қайта ташкил этилаётган жамият активлари ва мажбуриятлари унинг ҳуқуқий ворислари ўртасида адолат тамойиллари бузилган ҳолда тақсимланганлиги ва бу ушбу жамият кредиторлари манфаатларининг яққол бузилишига олиб келганлиги кўриниб турган бўлса, қайта ташкил этиш натижасида тузилган жамиятлар (шу жумладан, янги жамият ажралиб чиққани) ҳам солидар жавобгарликка тортилишлари керак.

46. Судлар процессуал қонунчилик талабларига мувофиқ (ХПКнинг 56-моддаси ва ФПКнинг 57-моддаси) мазкур тоифадаги ишларни кўриб чиқишга тайёрлаш вақтида тарафларга низони ҳал этиш учун аҳамиятли бўлган қуйидаги далилларни судга тақдим этишни таклиф этишлари ёки уларни ўз та-

шаббуслари билан талаб қилиб олишлари лозим, хусусан:

эмиссия рисоласи, умумий йиғилишда қатнашган акциядорларнинг рўйхати, акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш санаси, вақти ва жойи тўғрисида акциядорлар тегишли тарзда хабардор қилинганлиги тўғрисидаги маълумотларни;

акциядорлар реестри, депо ҳисобидан кўчирма, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати, саноқ комиссияси ва акциядорлар умумий йиғилишининг баённомалари, жамиятнинг йил яқунлари бўйича тегишли давлат органларига тақдим этган молиявий ҳисоботи ва бошқа ҳужжатларни.

47. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 59-моддасида эмитент ва қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан қабул қилинган, эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш билан боғлиқ бўлган қарорларни ҳақиқий эмас деб топиш, эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқари-

лишини, эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш жараёнида тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш учун даъво муддати эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини жойлаштириш муддати тугаган пайтдан эътиборан бир йилни ташкил этади.

48. Судларга акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиш амалиётини вақти-вақти билан умумлаштириш ва суд хатоларини, шунингдек бундай низоларни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш учун зарур чоралар кўриб бориш тавсия этилсин.

49. Мазкур қарорнинг қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг 2005 йил 31 мартдаги "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги 02/124-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси

Ш.ГАЗИЕВ

Ўзбекистон Республикаси
Олий хўжалик суди раиси

К.КАМИЛОВ

Пленум котиби в.б.,
Олий суд судьяси

О.ХАЙИТОВ

Пленум котиби,
Олий хўжалик суди
судьяси

К.ДАВЛЕТОВА



Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг
2014 йил 28 ноябрдаги 269-сонли ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИНИНГ БИТИМЛАРНИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИШ ТўҒРИСИДАГИ НОРМАЛАРИНИ ҚўЛЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ ҲАҚИДА

Ҳўжалик судлари томонидан битимларни ҳақиқий эмаслигини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 47-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми қарор қилади:

1. Битимларни ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ низоларни ҳал қилишда ҳўжалик судлари (бундан буён матнда судлар деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Ҳўжалик процессуал кодекси (бундан буён матнда ХПК деб юритилади), "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий — ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) ва бошқа қонун ҳужжатлари нормаларига амал қилишлари лозим.

2. Судларнинг эътибори қаратилсинки, ФКнинг битимларни ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги нормалари бир тарафлама, икки тарафлама ва кўп тарафлама битимларга нисбатан ҳам қўлланилади.

3. Судлар битимни ҳақиқий эмас деб топиш тушунчасини шартномани бекор қилишдан фарқлашлари лозим. Битимнинг ҳақиқий эмаслигининг шартномани бекор қилишдан фарқи қуйидагилардан иборат:

битимларни ҳақиқий эмас деб топишга ФКнинг 115-126-моддаларида назарда тутилган асослар бўйича йўл қўйилади, шартномани бекор қилиш асослари эса ФКнинг 382-383-моддаларида назарда тутилган;

битимнинг ҳақиқий эмаслигига унинг ғайриқонунийлиги, бекор қилинишига эса шартномани бекор қилишга олиб келадиган ҳолатларнинг юзага келиши асос бўлади, бунда унинг қонунийлиги низолашилмайди;

ҳақиқий бўлмаган битим унинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ бўлган оқибатлардан ташқари бошқа юридик оқибатларга олиб келмайди ва у тузилган пайтидан бошлаб ҳақиқий эмасдир, шартномани бекор қилиш эса, у амалда бўлган вақтдаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга таъсир этмасдан, фақатгина келгусидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга дахл қилади;

шартномани бекор қилиш ҳақидаги талабни билдиришга шартнома амал қилишининг муддати мобайнида йўл қўйилади, битим эса унинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин ҳам ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

4. ФКнинг 11 ва 113-моддаларига, шунингдек ХПКнинг 24-моддасига кўра, суд битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ва (ёки) уларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги даъволарни кўриб чиқишга ҳақли.

Суд томонидан битимнинг бир қисмини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво ҳам кўрилиши мумкин.

ФКнинг 128-моддасига мувофиқ, битимнинг ҳақиқий саналмаслиги битимга ҳақиқий саналмаган қисм кўшилмаса ҳам у тузилган бўлар эди, деб тахмин қилиш мумкин бўлса, унинг бошқа қисмларининг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлмайди.

Бунда судлар назарда тутишлари лозимки, қонун талаблари асосида муҳим деб ҳисобланадиган шартлар, агар қолган шартлар битим иштирокчилари учун ҳуқуқ ва мажбуриятлар келтириб чиқармаса, ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас.

Битимнинг бир қисми у ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслиги ёхуд низоли бўлганлиги сабабли ҳақиқий бўлмаслиги мумкин.

5. Битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво бўйича ишни судда кўришга тайёрлаш пайтида суд битимнинг барча тарафлари ва бошқа манфаатдор шахсларни ишга жалб қилиш масаласини кўриб чиқиши лозим.

6. ФК 113-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, битим ФКда белгилаб қўйилган асосларга кўра, суд ҳақиқий эмас деб топганлиги сабабли ёки бундай деб топилишидан қатъи назар, у ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаганлиги сабабли ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Бунда судлар инobatга олишлари керакки, ФК ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво бериш имкониятини истисно этмайди.

7. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, низоли бўлган битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаб фақат ФКда кўрсатилган шахслар томонидан тақдим этилиши мумкин. Шу боис, суд муҳокамаси давомида даъвогарда низоли бўлган битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво тақдим этиш ҳуқуқи мавжуд эмаслиги аниқланса, даъвони қаноатлантириш рад этилади, ХПК 38-моддасининг биринчи қисмига асосан даъвогар алмаштирилган ҳоллар бундан мустасно.

Ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимни ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги талабни бундай битим ҳуқуқ ва манфаатларига таъсир қилувчи ҳар қандай манфаатдор шахс тақдим этиши мумкин. Шу билан бирга, суд ўз-ўзидан ҳақиқий

бўлмаган битим ҳақиқий эмаслигининг оқибатлари-ни ўз ташаббуси билан ҳам қўллашга ҳақли.

8. Агар даъво аризасида ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида талаб қўйилмаган бўлса, бироқ унинг ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслигини даъвогар бундай битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги талабни асослашда келтирган бўлса, судлар фақатгина бундай битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида қарор мавжуд эмаслигига асосланиб даъвони қаноатлантиришни рад этишга ҳақли эмаслар, балки қарорнинг асослантирувчи қисмида даъвогарнинг важларига баҳо беришлари лозим.

Агар суд муҳокамаси пайтида жавобгар ўз эътирозларида битимнинг ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслигига асосланаётган бўлса, судлар жавобгарнинг эътирозларига баҳо беришлари ва улар асосли бўлган тақдирда, низонинг вужудга келишига сабаб бўлган битимнинг ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслигидан келиб чиқиб, иш бўйича қарор қабул қилишлари лозим.

9. Судлар ҳақиқий бўлмаган битимни тузилмаган битимдан фарқлашлари лозим.

Уни тузиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган зарур шартлар мавжуд бўлмаган (қонун ҳужжатларида кўрсатилган барча муҳим шартлар бўйича келишувнинг мавжуд эмаслиги, оферта йўллаган шахс томонидан акцепт олинмаганлиги, мулкнинг топширилмаганлиги, агар уни топширилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ шартнома тузиш учун талаб этилса ва ҳоказо) битим тузилмаган деб тан олинади.

Агар битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида талаб билдирилган бўлиб, у ФКнинг қоидаларига кўра тузилмаган деб ҳисобланса, бундай талабни қаноатлантириш рад этилади.

10. ФКнинг 109-моддасига мувофиқ қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувига тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳоллардан ташқари битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди.

Қонуннинг 11-моддасига кўра, хўжалик шартномаси битимлар тузиш учун назарда тутилган ёзма шаклда тузилади.

Шу муносабат билан, агар хўжалик шартномасининг ёзма шаклига риоя қилинмаган бўлса, битим тузилмаган ҳисобланади.

11. Агар қонун ҳужжатлари талабларига ёки битим тарафларининг келишувига кўра, у нотариал тасдиқланиши ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлса, суд нотариал шаклига ёки давлат рўйхатидан ўтказиш талабига риоя этилмаганлиги сабабли битимни ҳақиқий эмас деб топиши мумкин.

Бунда судлар инobatга олишлари лозимки, ФК 115-моддасига мувофиқ битимнинг қонун талаб қиладиган шаклига риоя қилмаслик қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолдагина унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

11.1. Агар нотариал тартибда тасдиқлаш талаб қилинадиган битим бир тараф томонидан тўлиқ ёки

қисман бажарилиб, иккинчи тараф уни нотариал тартибда тасдиқлашдан бош тортаётган бўлса, суд битимни нотариал тартибда тасдиқлашни бажарган тарафнинг даъвосига кўра, ФКнинг 112-моддасига мувофиқ уни ҳақиқий деб топиши мумкин ва бундай ҳолатда унинг кейинчалик нотариал тартибда тасдиқланиши талаб этилмайди. Агар бундай битимни тузишга қонун ҳужжатларида чеклов (тақиқ) белгиланган ёки тарафлар томонидан унинг барча асосий шартлари бўйича келишувга эришилмаган бўлса, битим суд томонидан ҳақиқий деб топилиши мумкин эмас.

Нотариал тартибда тасдиқлаш талаб қилинадиган битимни ҳақиқий деб топиш билан боғлиқ низоларни ҳал этишда унинг тузилганлиги, бир тараф томонидан тўлиқ ёки қисман бажарилганлиги ҳолати фақат ёзма далиллар билан тасдиқланиши мумкин, агар бошқача ҳолат қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлмаса.

11.2. Агар давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинадиган битим керакли шаклда тузилган бўлиб, аммо тарафлардан бири уни рўйхатдан ўтказишдан бош тортса, суд ФК 112-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ бошқа тарафнинг талаби асосида битимни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли, кейинчалик эса, бу битим суд қарорида мувофиқ рўйхатдан ўтказилади. Бундай ҳолатда битим бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари у давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади (ФК 366-моддаси).

12. ФК 116-моддасига кўра ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим бўлиб: қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмунда; ҳуқуқ-тартибот асосларига қарши мақсадда; ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим ҳисобланади.

Бунда судлар назарда тутишлари лозимки, агар битимнинг бир ёки бир неча шартлари қонун ҳужжатларининг талабаларига зид бўлса, битимнинг мазмуни ушбу талабларга мувофиқ келмаслиги сабабли, ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битимни ҳақиқий эмас деб топишда судлар, бу битим ҳуқуқ-тартибот асосларини таъминловчи, яъни конституциявий тузум асослари, давлатнинг мудофаса, хавфсизлик ва иқтисодий тизими (қурол-яроғнинг ноқонуний экспорти, солиқ тўловларидан бўйин товлаш ва бошқалар), фуқаро ва шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини кўриқловчи ва ҳимояловчи ҳуқуқ нормаларининг талаблари бузилганлиги ёхуд ижтимоий ахлоқ асослари, яъни жамиятда шаклланган эзгулик ва ёвўзлик, яхшилик ва ёмонлик, гуноҳ ва савоб ҳақидаги қарашларга зид ёки зид эмаслигини аниқлашлари лозим.

12.1. Битимни тузган шахс томонидан амалга оширилган имзонинг аслиги бўйича шубҳа мавжудлиги сабабли битимни ҳақиқийлиги юзасидан низолашилганда, билдирилган талаб асосли бўлса, битим ФКнинг 116-моддасига мувофиқ ҳақиқий эмас деб топилади.

12.2. ФК 129-моддасининг учинчи қисмига кўра вакил ўзига ваколат берган шахс номидан шахсан ўзига нисбатан ҳам, у айна бир вақтда вакили бўлган бошқа шахсга нисбатан ҳам битимлар тузиши мумкин эмас, тижорат вакиллиги бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Шу муносабат билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг турли субъектлари номидан айнан бир вакил томонидан, масалан бир тарафдан юридик шахс ва иккинчи тарафдан бошқа юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор номидан битимнинг тузилиши уни ФКнинг 116-моддасига асосан ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради, тижорат вакиллиги бундан мустасно.

13. Жиддий аҳамиятга эга бўлган янглишиш таъсирида тузилган битим янглишиш таъсирида ҳаракат қилган тарафнинг даъвоси бўйича суд томонидан ФКнинг 122-моддасига асосан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Янглишиш таъсирида тузилган битим деганда судлар тарафларнинг ҳақиқий хоҳиш-истагини акс этирмайдиган, уни тузиш вақтида тарафлар назарда тутган ҳуқуқий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлмаган битим эканлигини тушунишлари лозим. Тузилган битимга нисбатан қўлланиладиган қонун нормаларини нотўғри шарҳлаш, ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳамда битимнинг асл ҳуқуқий оқибатлари тўғрисида нотўғри тасаввур этиш янглишишнинг мисоли бўлиши мумкин. Бунда қонунни билмасликка ҳавола қилиниши битимни ушбу асос билан ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди.

Янглишиш таъсирида ҳаракат қилган тараф янглишиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини ва битим предмети ёки моҳиятига таъсир этишини исботлаши лозим.

Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, битимни ушбу асос бўйича ҳақиқий эмас деб топиш учун янглишиш битимни тузиш пайтида мавжуд бўлиши ва унинг тузилиши учун муҳим аҳамият касб этиши керак.

Шунингдек, назарда тутиш керакки, янглишиш битимнинг бошқа иштирокчиларининг қасддан қилинган ҳаракатлари натижаси бўла олмайди. Янглишиш таъсири остида тузилган битим алдаш таъсири остида тузилган битимдан шу билан фарқ қиладики, агар алдаш атайин қилинса, янглишиш бошқа бирон шахснинг қасддан қилинган ҳаракатлари билан боғлиқ бўлмайди.

Бошқа тарафнинг айби эҳтиётсизлик шаклида ифодалангандагина, битим янглишиш таъсирида тузилган ҳисобланади.

14. ФКнинг 123-моддасига мувофиқ алдаш, зўрлик, кўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши таъсирида тузилган битим, шунингдек фуқаро оғир ҳолатлар юз бериши туфайли ўзи учун ўта ноқулай шартлар билан тузишга мажбур бўлган, иккинчи тараф эса бундан фойдаланиб қолган битим (асоратли битим) жабрланувчининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, ФК

123-моддасининг қоидалари жисмоний шахслар томонидан ҳам, юридик шахслар томонидан ҳам тузилган битимларга нисбатан татбиқ этилади.

ФКнинг 123-моддасида назарда тутилган асосларга кўра, битимларни ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ низоларни кўришда судлар, алдаш, зўрлик, кўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши таъсирида ва оғир ҳолатлар юз бериши тушунчаларини бир-биридан аниқ фарқлашлари лозим.

14.1. Алдаш деганда, бошқа шахсга ёлғон маълумотлар тақдим этиш, шунингдек битимни тузишга таъсир этувчи фактлар ҳақида сукут сақлаш йўли билан қасддан чалғитиш тушунилади. Алдаш битим элементларига нисбатан ҳам, уни доирасидан ташқаридаги ҳолатларга ҳам, шу жумладан, битимни тузиш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларга ҳам тааллуқли бўлиши мумкин.

Алдаш, бир тарафнинг бошқа тарафни битим тузишга ундаш воситаси бўлганда, юридик аҳамиятга эга бўлади.

14.2. Битим зўрлик таъсирида тузилганлиги сабабли ҳақиқий эмас деб топилиши учун уни тузишга мажбурлаш мақсадида шахс (унинг яқин қариндоши ёки яқин шахси)га жисмоний таъсирнинг кўрсатилганлиги фактининг мавжудлиги зарур.

Зўрлик ғайриқонуний, бироқ жиноий жазога тортилиши шарт бўлмаган хатти-ҳаракатларда, масалан, тарафнинг хоҳиш-иродасига хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда таъсир қилишда намоён бўлиши керак.

Зўрлик деганда, битим иштирокчиси бўлган фуқарога ёхуд юридик шахс органи ва унинг вакилларига бевосита жисмоний таъсир қилишни тушуниш лозим. Зўрлик битим иштирокчисининг мол-мулкига таъсир қилишда, яъни уни йўқ қилиш ёки унга шикаст етказишда ҳам намоён бўлиши мумкин.

14.3. Кўрқитиш таъсирида тузилган битимни ҳақиқий эмас деб топиш учун битим тузишга мажбурлаш мақсадида шахс (унинг яқин қариндоши ёки яқин шахси)га руҳий таъсир кўрсатиш факти мавжуд бўлиши керак.

Кўрқитиш деганда, битимни тузишга мажбурлаш мақсадида жисмоний зўрлик қилиш, руҳан азоб бериш, ишчанлик обрўсига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш, молиявий аҳволи тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш ёки бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари билан шахснинг хоҳиш-иродасига руҳий таъсир кўрсатиш тушунилади.

Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, белгиланган асос бўйича битимни ҳақиқий эмас деб топиш учун кўрқитишнинг жиддийлиги ва унинг ҳаққонийлиги зарурий шарт ҳисобланади.

14.4. Бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши деганда, ушбу шахслар ўртасидаги келишув натижасида улардан бири учун ноқулай шартларда битим тузиш тўғрисидаги келишув тушунилиши лозим. Бунда шундай келишув иштирокчиси битимнинг тузилишидан қандайдир наф олганлиги ёки битим вакил қилинган шахсга зарар етказиш мақсадида тузилганлиги аҳамиятга эга эмас.

14.5. Битим иштирокчиларидан бири онгли равишда ўзи учун ўта ноқулай шартлар асосида тузишга мажбур бўлган битим, оғир ҳолатлар юз берган шароитда тузилган битим (асоратли битим) деб ҳисобланади.

15. Судлар инobatга олишлари лозимки, қалбаки битимлар кўзбўямачилик учун тузилган битимлардан фарқланади.

Қалбаки битимни тузишда тарафларнинг мақсади қандайдир фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни ўрнатишга қаратилган бўлмайди. Бундай битим, қоида тариқасида, тарафлар ёки улардан бири учун ҳуқуқий оқибатни келтириб чиқаришга эришиш мақсадида тузилади (масалан, қарздорнинг мол-мулкни хатлашдан қочиш мақсадида уни номигагина беғоналаштирилиши).

Кўзбўямачилик учун битимни тузишда тарафларнинг мақсади бошқа битимни яшириш ҳисобланади. Шу муносабат билан кўзбўямачилик учун тузилган битимни ҳақиқий эмас деб топиш, ФК 114-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган оқибатларни келтириб чиқармайди. Бундай ҳолатда тарафлар ҳақиқатда назарда тутган битимга оид қоидалар қўлланилади.

Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, кўзбўямачилик учун тузилган битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво кўрилатганда, низолашилаётган битим ҳақиқатда қайси битимни яшираётганлиги аниқланиши лозим.

ФК 124-моддасининг мазмунига кўра, қалбаки битим ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим ҳисобланса, кўзбўямачилик учун тузилган битим низоли битим ҳисобланади.

16. Судлар шуни эътиборга олишлари керакки, юридик шахс ҳуқуқ лаёқатидан ташқарига чиққан ҳолда тузган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш асослари ФКнинг 125-моддасида назарда тутилган. Бунда мазкур моддада битимни ҳақиқий эмаслигининг иккита асоси назарда тутилган: юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида белгиланган унинг фаолият мақсадларига зид равишда тузилган битимлар ва тегишли фаолият билан шуғулланишга лицензияси бўлмаган юридик шахс томонидан тузилган битимлар.

16.1. Судларнинг эътибори қаратилсинки, унитар корхоналар ва қонунда назарда тутилган бошқа ташкилотлардан ташқари тижорат ташкилотлари, агар уларнинг таъсис ҳужжатларида ташкилот шуғулланишга ҳақли бўлган фаолият турлари рўйхати қатъий белгиланган бўлмаса, улар қонунда тақиқланмаган ҳар қандай тадбиркорлик фаолият тури билан шуғулланишлари мумкин.

Шу сабабли устав мақсадларига зид равишда тузилган битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишни кўришда судлар низолашилаётган битим тижорат ташкилотининг устав мақсадларига мувофиқ келишини аниқлаш мақсадида тижорат ташкилотининг таъсис ҳужжатларини ўрганишлари лозим.

16.2. Тегишли фаолият билан шуғулланиш учун лицензияси бўлмаган юридик шахс томонидан тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш билан

боғлиқ низоларни кўришда судлар шуни эътиборга олишлари зарурки, лицензияни олиш талаб этиладиган фаолият турларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг "Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида"ги 2001 йил 12 майдаги Қарори билан тасдиқланган. Шу сабабли, судлар инobatга олишлари лозимки, агар битим лицензияни олиш талаб этиладиган фаолият доирасида, лекин лицензия мавжуд бўлмаган ҳолда (лицензия умуман олинмаган, лицензиянинг амал қилиши тўхтатилган ёки тугатилган, лицензия бекор қилинган) тузилган бўлса, битим бундай асос билан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

16.3. ФКнинг 125-моддасида назарда тутилган битимлар низоли бўлиб, уларни ҳақиқий эмас деб топиш ва ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги даъво ни фақат юридик шахснинг муассиси (иштирокчиси) ёки ваколатли давлат органи бериши мумкин. Шу боис, ФКнинг 125-моддасига асосан битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида бошқа шахс, шу жумладан, битимдаги тараф даъво билан мурожаат қилган тақдирда, бундай даъво ни қаноатлантириш рад этилади.

17. ФКнинг 126-моддасига кўра, агар шахснинг битим тузиш ваколатлари шартнома билан ёки юридик шахс ваколатлари унинг таъсис ҳужжатлари билан ишончномада, қонунда белгилаб қўйилганига нисбатан ёнги битим тузилаётган вазиятдан аниқ кўришиб турган деб ҳисобланиши мумкин бўлган ваколатларига нисбатан чеклаб қўйилган бўлса ва битимни тузиш пайтида бундай шахс ёки орган ана шу чеклашлар доирасидан чиқиб кетган бўлсалар, битимдаги иккинчи тараф мазкур чеклашларни билган ёки олдиндан билиши лозим бўлганлиги исботланган ҳоллардагина битим чеклаш белгиланишидан манфаатдор бўлган шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Судлар инobatга олишлари лозимки, бундай асос билан битим кимнинг манфаатида чеклаш белгиланган бўлса, фақат ўша шахснинг даъвоси бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Шу боис, ФКнинг 126-моддасига асосан битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво билан бошқа шахс мурожаат қилган бўлса, бундай даъво ни қаноатлантириш рад этилади.

Битим тузиш ваколатларини чеклаш белгиланишидан манфаатдор шахс битимни кейинчалик маъқуллаганда, ФКнинг 126-моддасида белгиланган битимни ҳақиқий эмас деб топиш асослари қўлланилмайди.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, битим, агар у бўйича бошқа тараф қайд этилган чеклаш ҳақида билган ёки олдиндан билиши лозим бўлган ҳолатлар аниқланган тақдирдагина, ФКнинг 126-моддаси асосида ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

18. ФКнинг 380-моддасига мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар) билан бир қаторда шартнома тузиш ҳуқуқи кимосди савдосининг предмети бўлиши мумкин.

Судлар назарда тутишлари керакки, агар кимошди савдосининг предмети товарлар (ишлар, хизматлар) бўлса, кимошди савдосининг натижалари ҳақидаги баённома шартнома кучига эга бўлади ва агар тарафлардан бири уни имзолашдан бош тортса, битим тузилмаган ҳисобланади ва ФК 380-моддасининг тўққизинчи қисмида назарда тутилган оқибатлар қўлланилади.

19. ФК 381-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, кимошди савдосини ҳақиқий эмас деб топиш ким ошди савдосида ғолиб чиққан шахс билан тузилган шартноманинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

Шу боис, судлар инobatга олишлари лозимки, агар кимошди савдосининг натижалари бўйича тузилган битимни савдо ўтказиш қоидалари бузилганлиги сабабли ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво берилган бўлиб, бироқ кимошди савдосини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида талаб қўйилмаган бўлса, бундай даъвони қаноатлантириш рад этилади. Кимошди савдоси белгиланган қоидаларга риоя қилинган ҳолда ўтказилган бўлсада, аммо кимошди савдосининг натижалари бўйича тузилган битим ФКда назарда тутилган асослар бўйича ҳақиқий эмас бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Агар кимошди савдосини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаб суд томонидан қаноатлантирилган бўлса, кейинчалик битимни ҳақиқий эмас деб топилиши талаб этилмайди. Бу ҳолатда тарафларнинг ҳар бири битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиши мумкин.

Бунда судлар шуни инobatга олишлари керакки, суд муҳокамаси пайтида кимошди савдолари натижалари бўйича тузилган битимнинг ФК қоидаларига мувофиқ ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслиги аниқланса, кимошди савдолари ҳақиқий эмас деб топилишидан қатъи назар, бундай битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатлари суд томонидан қўлланилиши мумкин.

20. Ҳақиқий бўлмаган битим, унинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ бўлган оқибатлардан ташқари бошқа юридик оқибатларга олиб келмаслигини инobatга олиб, судлар назарда тутишлари керакки, битимни ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллашда тарафлар битим тузишдан олдинги ҳолатга келтирилишлари лозим.

21. Битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги талаб низоли битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаб билан ёки ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаб билан бирга ёхуд алоҳида даъво кўринишида билдирилиши мумкин.

Бунда низоли битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини ушбу битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори мавжуд бўлган тақдирдагина қўллаш мумкин.

22. Ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимни ҳақиқий эмаслиги оқибатлари даъвогарнинг ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимни ҳақиқий эмас деб то-

пиш тўғрисидаги талаби қаноатлантирилганидан кейин ҳам, бундай қарор мавжуд бўлмаганда ҳам қўлланилиши мумкин. Бундай қарор мавжуд бўлмаганда, судлар битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллашни қарорнинг асослантирувчи қисмида ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим факти мавжудлиги тўғрисидаги хулосалари билан асослаб беришлари лозим.

23. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини ўз ташаббуси билан қўллаш суднинг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқидир. Бунда инobatга олиш лозимки, низоли битимларга нисбатан судларга бундай ҳуқуқ берилмаган.

24. ФК 114-моддасининг иккинчи қисмига асосан битим ҳақиқий бўлмаганида тарафларнинг ҳар бири бошқасига битим бўйича олган ҳамма нарсани қайтариб бериши, олинган нарсани аслича қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса, агар битим ҳақиқий эмаслигининг бошқа оқибатлари қонунда назарда тутилган бўлмаса, унинг қийматини пул билан тўлаши шарт.

Бунда судлар инobatга олишлари лозимки, олинган нарсани аслича қайтариб бериш имконияти бўлмаган ҳолларда (мол-мулкдан фойдаланиш, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат) олинган нарсанинг ўрнини тўлдириш миқдори ўхшаш вазиятларда, одатда ўхшаш мол-мулкдан фойдаланиш (ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш) учун олинган баҳо бўйича аниқланади.

Мол-мулкни натура шаклида қайтаришда судлар назарда тутишлари лозимки, мол-мулкни яхшиланиши учун қилинган харажатларнинг компенсацияси юзасидан талаб, у низоли характерга эга бўлганлиги сабабли, суд томонидан алоҳида иш доирасида кўриб чиқилади, агар суд томонидан битимни ҳақиқий эмаслиги оқибатлари қўлланилаётганда компенсация бўйича қарши талаб билдирилмаган бўлса.

25. ХПК 112-моддасининг 7-бандига мувофиқ, битимни ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш ҳақидаги талаб билдирилганда даъво аризасида ҳар бир тарафга нисбатан айнан қайси оқибатлар қўлланилиши кўрсатилиши лозим. Агар битимни ҳақиқий эмаслиги оқибатларини фақат даъвогарга нисбатан қўллаш сўралган бўлса, ФК 114-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ суд ўз ташаббуси билан битимни ҳақиқий эмаслиги оқибатларини бошқа тарафга нисбатан ҳам қўллаши лозим.

26. Битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллашда суд, қарорнинг хулоса қисмида ХПКнинг 139-моддасига мувофиқ пул маблағларининг ундирилишини, мол-мулкнинг олиб берилишини кўрсатиши лозим.

27. Судлар ҳисобга олишлари лозимки, битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатлари тузилмаган шартномага нисбатан қўлланилмайди.

Битим суд томонидан тузилмаган деб топилган ҳолларда ҳамда бундай битим юзасидан маълум хатти-ҳаракатлар (мол-мулк топширилган ёки тўлов тўланган) амалга оширилган бўлса, тузилмаган би-

тим бўйича мажбуриятни бажарган шахс ФКнинг 1023-моддасига мувофиқ асоссиз орттирилган мол-мулкни ёки тўланган пул маблағларини қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

28. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, ФКнинг 114-моддасида белгиланган реституция кўри-нишидаги битимни ҳақиқий эмаслиги оқибатлари ФК 123-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган оқибатлардан фарқ қилади. Шу боис, агар битим ФКнинг 123-моддасига асосан ҳақиқий эмас деб топилса, иккинчи тараф жабрланувчига унинг битим бўйича бажарган ҳамма нарсасини қайтариб бериши керак (асли ҳолича ёки пул кўринишида), жабрланувчи томонидан битим бўйича иккинчи тарафдан олинган мол-мулк (ёки унинг қиймати) эса, давлат даромадига ўтказилади. Бунда мазкур оқибатлар битим тўлиқ ёки қисман бажарилган ҳолдагина суд томонидан қўлланилиши мумкин.

29. Манфаатдор шахс томонидан битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва битимни ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги киритилган даъво судлар томонидан иккита мустақил талабдан иборат бўлган даъво сифатида кўрилиши керак. Бундай даъволар бўйича давлат божи ҳар бир талаб учун алоҳида тўланиши лозим.

Агар суд ўз ташаббуси билан ўз-ўзидан ҳақиқий

бўлмаган битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўлласа, давлат божи ундирилмайди.

Агар даъвогар томонидан битимни ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисида талаб қўйилса, давлат божи ушбу талаб мулкӣ характерга эгалигидан келиб чиққан ҳолда тўланади.

30. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, битимларни ҳақиқий эмаслигини исботлаш мажбурияти даъвогар зиммасига юклатилади.

31. Битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талабга, қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, умумий даъво муддати қўлланилади ҳамда даъво муддати фақат низодаги тарафнинг суд қарор чиқаргунича берган аризасига мувофиқ қўлланилади.

32. Битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талабни қаноатлантириш ҳақидаги ҳал қилув қарори юзасидан ижро варақаси берилмайди, шу билан бирга ҳақиқий бўлмаган битимнинг оқибатларини қўллаш ҳақидаги ҳал қилув қарори юзасидан — берилади.

33. Судлар мазкур тоифадаги низоларни кўришда қонун ҳужжатлари нормаларига қатъий риоя этишлари ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланган ҳолда айбдор шахсларга нисбатан қонунда белгиланган тегишли таъсир чораларини кўришлари лозим.

**Олий хўжалик суди
раиси**

К.КАМИЛОВ

**Олий хўжалик суди
Пленумининг котиби, судья**

К.ДАВЛЕТОВА



ХўЖАЛИК СУДЛАРИ ТОМОНИДАН ВИДЕОКОНФЕРЕНЦАЛОҚА РЕЖИМИДА СУД МАЖЛИСЛАРИНИ ЎТКАЗИШДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХўЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ НОРМАЛАРИНИ ҚўЛЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ ҲАҚИДА

Хўжалик судларининг видеоконференцалоқа режимидаги мажлисини ўтказишда судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси нормаларида белгиланган қоидаларнинг тўғри ва бир хилда қўлланилишини ҳамда ишда иштирок этувчи шахсларнинг ўз процессуал ҳуқуқларидан тўлақонли фойдаланишларини таъминлаш мақсадида "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 47-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми қарор қилади:

1. Судларга тушунтирилсинки, хўжалик судлари томонидан видеоконференцалоқа режимида суд мажлисларини ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси (бундан бўён матнда — ХПК деб юритилади) нормаларига, бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раёсатининг 2014 йил 21 августдаги 83-сон қарори билан тасдиқланган "Видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Вақтинчанлик низомга (бундан бўён матнда — Низом деб юритилади) амал қилишлари лозим.

2. Судлар назарда тутишлари лозимки, видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлиси деганда, реал вақт режимида телекоммуникация технологиялари ёрдамида аудио- ва видео- ахборотлар алмашинуви имкониятларидан фойдаланган ҳолда ишни кўраётган суд ва суд мажлисини ўтказишга кўмаклашаётган суд ўртасидаги интерактив ўзаро таъсир қилиш йўли билан масофадан суд мажлисини ўтказиш тушунилади.

Ишни кўраётган хўжалик суди деганда, хўжалик иши иш юритишда бўлган хўжалик суди тушунилади. Видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисини ўтказишга кўмаклашадиган хўжалик суди деганда, видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисини ўтказиш учун техник ва бошқа шароитларни таъминлаётган ва ишни кўраётган хўжалик суди ҳудудидан ташқарида жойлашган Ўзбекистон Республикаси хўжалик суд(лар)и тушунилади.

3. Видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисини ўтказишда иш ХПКнинг умумий қоидаларига мувофиқ, ХПКнинг 8, 90, 126, 1261, 131 ва 134-моддаларида назарда тутилган хусусиятлар инobatга олинган ҳолда кўрилади.

4. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этиш ҳуқуқи биринчи инстанция судидаги каби, апелляция ва кассация инстанциялари суд мажлисларида ҳам амалга оширилиши мумкин.

5. Судларга тушунтирилсинки, видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлиси ХПКнинг 10-моддасига асосан ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади.

Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган суд иштирокчиларининг таржимон ёрдамида суд ишларида иштирок этиш ҳамда ўз она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

Бунда, таржимон билан таъминлаш видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисини ўтказишга кўмаклашувчи хўжалик суди томонидан амалга оширилади. Ушбу суд таржимонга ХПКнинг 48-моддасида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни тушунтирганлиги ҳақида тилхат олади ва ишни кўраётган судга юборади.

6. ХПК 1261-моддасига мувофиқ, ишда иштирок этувчи шахслар ва хўжалик судлов ишларини юртишнинг бошқа иштирокчилари видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этишлари мумкин.

Судлар эътиборга олишлари керакки, ишда иштирок этувчи шахслар ва хўжалик судлов ишларини юртишнинг бошқа иштирокчиларининг видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этишлари уларнинг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқи ҳисобланади.

6.1. Мазкур ҳуқуқни амалга оширишнинг зарурий шarti ишда иштирок этувчи шахслардан лоақал биттаси бошқа маъмурий-ҳудудий бирлик (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) ҳудудида, яъни ишни кўраётган хўжалик суди жойлашган ҳудуддан ташқарида жойлашган бўлиши лозимлиги ҳисобланади.

6.2. ХПК 1261-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларнинг видеоконференцалоқа режимида хўжалик суди мажлисида иштирок этиш ҳуқуқи ишни судда кўришга тайёрлаш ёки ишни кўришни бошқа кунга қолдириш ҳақидаги ажримда кўрсатилади.

6.3. Ишни судда кўришга тайёрлаш ёки ишни кўришни бошқа кунга қолдириш тўғрисидаги ажримда ишни кўраётган суд жойлашган ҳудуддан ташқарида бўлган ишда иштирок этувчи шахсларга ишни кўраётган судга ҳозир бўлиш йўли билан суд мажлисида бевосита иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда улар жойлашган ҳудуддаги хўжалик судига ҳозир бўлиш йўли билан видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этиш ҳуқуқи тушунтирилади.

6.4. Ишни судда кўришга тайёрлаш ёки ишни кўришни бошқа кунга қолдириш ҳақидаги ажрим нус-

хаси ишда иштирок этувчи шахслардан ташқари видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисини ўтказишга кўмаклашадиган тегишли хўжалик суд(лар)га юборилади.

6.5. Ишда иштирок этувчи шахслар ишни судда кўришга тайёрлаш ёки ишни кўришни бошқа кунга қолдириш ҳақидаги ажримни олгандан сўнг, ишни кўраётган ёки видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисини ўтказишга кўмаклашадиган суд(лар)га видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этишга хоҳиши ҳақида оғзаки ёки ёзма шаклда маълум қилишга ҳақли. Бироқ, ишда иштирок этувчи шахслар томонидан бундай маълумотнинг тақдим этилмаслиги уларни видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

6.6. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг бири томонидан видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисини ўтказишга эътироз билдирилиши ишда иштирок этувчи бошқа шахсларни видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди, ХПК 8-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

7. ХПК 126-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, иш хўжалик судининг мажлисида кўрилади. Хўжалик судининг мажлиси видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши мумкин.

Иш муҳокамаси ХПКнинг 126-моддаси қоидаларига асосан, ушбу бандда назарда тутилган хусусиятлар инobatга олинган ҳолда амалга оширилади.

7.1. Ишни кўраётган суд ишда иштирок этувчи шахслар ва хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчиларининг ишни кўраётган судда ва суд мажлисини ўтказишга кўмаклашадиган судга ҳозир бўлганликларини ҳамда уларнинг ваколатларини текширади. Бунда ишни кўраётган суд мазкур шахсларнинг видеоконференцалоқа режимида суд мажлисини ўтказишга кўмаклашадиган судда ҳозир бўлганликларини ва уларнинг ваколатларини ушбу судга тақдим қилинган ва белгиланган тартибда алоқа воситалари орқали узатилган ҳужжатларни ўрганиш ва баҳолаш йўли билан текширади.

7.2. Ишда иштирок этувчи шахслар ва хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари видеоконференцалоқа режимида суд мажлисини ўтказишга кўмаклашадиган судга келмаган ҳолларда, ишни кўраётган суд, процесс иштирокчилари суд мажлиси вақти ва жойи ҳақида тегишли тартибда хабардор қилинган тақдирда, суд мажлисини оддий режимда ўтказишга ёхуд иш кўришни бошқа кунга қолдириш ҳақида ажрим чиқаради.

7.3. Мажлисга раислик қилувчи судья ишда иштирок этувчи шахсларга ва хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчиларига уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек Низомда назарда тутилган видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисини ўтказиш билан боғлиқ техник хусусиятларни тушунтиради.

7.4. ХПК 128-моддасининг биринчи қисмига кўра, хўжалик суди ишни кўришда иш бўйича далилларни

текширади, хусусан ёзма далиллар билан танишади, ашёвий далилларни кўздан кечиради.

Шу сабабли видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлиси давомида тақдим этилган ёзма далиллар, ёзма шаклда берилган илтимосномалар видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисини ўтказишга кўмаклашадиган суднинг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича ходими томонидан сканер ускунаси ва алоқа воситалари орқали ишни кўраётган судга дарҳол юборилади.

7.5. Ишда иштирок этувчи шахслар томонидан суд муҳокамаси давомида тақдим этилган ва ишни кўраётган суд томонидан қабул қилган ашёвий далиллар (видеоёзув, аудиоёзув, фотография ва бошқалар)ни техник воситалар ёрдамида ахборот-коммуникация технологиялари бўйича ходим намоиш этади.

7.6. Суд муҳокамаси давомида ишда иштирок этувчи шахслар томонидан видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисини ўтказишга кўмаклашадиган судга тақдим этилган ёзма, ашёвий ва бошқа далиллар кейинги иш кунидан кечиктирилмасдан илова қилинаётган ҳужжатлар ёки бошқа далилларнинг рўйхати кўрсатилган ҳолда қузатув хати билан Давлат фельдъегерлик хизмати орқали ишни кўраётган судга юборилади.

7.7. Суд муҳокамаси давомида видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисини ўтказишга кўмаклашадиган судга тақдим этилган ёзма, ашёвий ва бошқа далиллар ишни кўраётган судга келиб тушгандан сўнг суд мажлиси котиби томонидан белгиланган тартибда иш ҳужжатларига кўшиб қўйилади.

8. ХПК 8-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, давлат сирларини ёки тижорат сирини сақлаш зарур бўлган тақдирда, ишни ёпиқ мажлисда кўришга йўл қўйилади. Шу муносабат билан судлар инobatга олишлари керакки, тарафлар томонидан ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш ҳақида илтимоснома берилган ва у суд томонидан қаноатлантирилган ҳолда ёки ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш учун бошқа зарурият туғилганда суд мажлиси фақат оддий режимда ўтказилиши мумкин, чунки видеоконференцалоқа режимида ёпиқ суд мажлисини ўтказишга йўл қўйилмайди.

9. ХПК 128-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ, ҳар бир ишни кўриш дам олиш учун белгиланган вақтдан ташқари ўзлуксиз давом этади. Алоҳида ҳолларда хўжалик суди мажлисида уч кундан ошмаган муддатга танаффус эълон қилишга ҳақли.

Судлар инobatга олишлари керакки, алоҳида ҳол бўлиб, шу жумладан ишни кўриб бўлмайдиган даражада алоқа сифатининг ёмонлашуви ҳисобланади. Бундай ҳолда мажлисга раислик қилувчи судья техник сабабларга кўра видеоконференцалоқанинг сифат даражаси тиклангунга қадар танаффус эълон қилиши мумкин. Бунда ХПКнинг 128-моддасида белгиланган умумий қоидаларга мувофиқ, хўжалик суди иш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилингунига ёки ишни кўриш кейинга қолдирилгунига қадар бошқа, шу жумладан видеоконференцалоқа режимида ишларни кўришга ҳақли эмас.

10. ХПК 131-моддасининг биринчи қисмига муво-

фик, хўжалик суди ишни шу мажлисда кўриш мумкин бўлмаган тақдирда, шу жумладан ишда иштирок этувчи шахслар, гувоҳлар, экспертлар ва таржимонлардан бири келмаганлиги ёки қўшимча далиллар тақдим этиш зарурлиги сабабли ёхуд видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисини ўтказиш вақтида видеоконференцалоқа ўрнатишнинг имкони бўлмаган тақдирда ишни кўришни кейинга қолдиришга ҳақли.

Видеоконференцалоқа ўрнатишнинг имкони бўлмаганлиги деганда, ишни кўриш жараёнида техник носозликлар, шунингдек электр энергияси етказиб берилишидаги узилишларнинг юзага келиши тушунилиши лозим.

Видеоконференцалоқа ўрнатишнинг имконини йўқотишга олиб келган техник носозликлар ва электр энергиясини етказиб беришдаги узилишлар юзага келганда, ишни кўраётган суд ишни кўришни бошқа кунга қолдириши лозим.

Суд мажлиси видеоконференцалоқа ўрнатиш имконининг бўлмаганлиги сабабли қолдирилганда, ишни кўраётган суд бошқа алоқа воситаси орқали видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисини ўтказишга кўмаклашадиган суднинг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича ходимини, бу ходим эса, ўз навбатида, суд мажлисига келган ишда иштирок этувчи шахсларни янги суд мажлисининг куни ва вақти ҳақида тилхат орқали хабардор қилади.

11. Судлар шуни ҳисобга олишлари керакки, ишда иштирок этувчи тарафлардан бири суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказишга кўмаклашадиган судга келган бўлиб, лекин ишни кўраётган суд низони видеоконференцалоқа ўрнатишнинг имкони бўлмаганлиги сабабли оддий режимда мазмунан ҳал қилган бўлса, бу ҳолат ишни тарафлардан бирининг иштирокисиз кўришда ифодаланган процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши сифатида баҳоланади ва суд ҳужжатини бекор қилишга асос бўлади.

Шу билан бирга, видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисини ўтказишга кўмаклашадиган судга келган ишда иштирок этувчи шахсларнинг ишни уларнинг иштирокисиз кўришга ёзма розилиги бўлса, суд ишни оддий режимда мазмунан кўришга ҳақли.

12. Ишни видеоконференцалоқа режимида кўриш натижалари бўйича хўжалик судининг суд ҳужжати ХПКнинг 18 ва 19-боблари қоидалари бўйича, ушбу бандда назарда тутилган хусусиятлар инobatга олинган ҳолда қабул қилинади.

12.1. Иш бўйича далилларни текшириш тугаганидан кейин, суд ҳал қилув қарори қабул қилиш учун, видеоконференцалоқа режимидаги суд муҳокамаси ўтказилган хонадаги процесс иштирокчилари чиқиб кетмаган ҳолда, алоҳида хонага чиқиб кетади.

12.2. Видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисини ўтказиш натижалари бўйича қабул қилинган

суд ҳужжатининг кириш қисмида суд муҳокамаси видеоконференцалоқа режимида ўтказилганлиги ҳақидаги маълумот кўрсатилади.

13. Видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисини ўтказишга кўмаклашадиган суд, суд мажлиси учун белгиланган вақтда ишда иштирок этувчи шахсларга видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этиши учун шароит яратишга, шу жумладан:

алоқа воситаларининг узлуксиз ишлашини;

суд муҳокамаси давомида ишда иштирок этувчи шахслар томонидан ХПКнинг 127-моддасида белгиланган талабларга риоя этилишини;

ишни кўраётган судга ишда иштирок этувчи шахслар томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг нусхаларини ўз вақтида узатилишини;

иш бўйича далилларнинг ўз вақтида (суд мажлисининг кейинги кунидан кечиктирмай) ишни кўраётган судга юборилишини таъминлаши шарт.

Видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисини ўтказиш билан боғлиқ техник ҳаракатлар Низомга мувофиқ амалга оширилади.

14. ХПК 134-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ суд мажлиси видеоконференцалоқа режимида ўтказилган тақдирда, баённомада бу ҳақдаги маълумот кўрсатилиши керак.

Шу сабабли, суд мажлиси видеоконференцалоқа режимида ўтказилган тақдирда, суд мажлиси баённомасида ХПКнинг 134-моддасида назарда тутилганлардан ташқари:

суд мажлиси видеоконференцалоқа режимида ўтказилганлиги;

видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисини ўтказишга кўмаклашадиган суднинг номи;

ишни кўраётган ва видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисини ўтказишга кўмаклашаётган судда ҳозир бўлган ишда иштирок этувчи шахслар ва хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари келганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

видеоконференцалоқа режимида суд мажлиси ўтказишга кўмаклашадиган суднинг ва ишни кўраётган суднинг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича ходимлари ҳақидаги маълумотлар ҳам кўрсатилиши лозим.

15. ХПКнинг 90-моддасига мувофиқ суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ харажатлар суд харажатлари таркибига кирди ва фақат ишни кўриш натижалари бўйича ундирилиши лозим. Судлар инobatга олишлари лозимки, ушбу харажатларнинг тўланмаганлиги даъво аризасини қайтариш учун асос бўлмайди. Суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ харажатлар тарафлар ўртасида ХПК 95-моддасининг биринчи қисмига асосан тақсимланади.

**Олий хўжалик суди
раиси**

**Олий хўжалик суди
Пленумининг котиби, судья**

К.КАМИЛОВ

К.ДАВЛЕТОВА

2014 йилнинг 12 ноябрь куни Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари томонидан "Дастлабки терговда инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш кафолатлари" мавзусидаги давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида Олий ўқув курслари ходимлари ва тингловчилари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Суд-тиббий экспертиза Бош бюроси, Республика Адвокатлар палатаси, Ички ишлар вазирлиги Тергов Бош бошқармаси, Бош прокуратуранинг Прокуратура органлари тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат бошқармаси, Адлия вазирлиги Юристарлар малакасини ошириш маркази, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ходимлари ҳамда Тошкент давлат юридик университети профессор-ўқитувчилари ва магистрантлари иштирок этишди.

Тадбирда дастлабки тергов жараёнида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тирик шахслар суд-тиббий экспертизасини ўтказишда жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, тергов жараёнида инсон



ҳуқуқларини ҳимоя қилишда адвокатнинг ўрни ва роли, Ички ишлар вазирлиги тергов идораларида жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида инсон ҳуқуқларига риоя этилиши, прокуратура органлари терговда гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳуқуқларини таъминланиши, судгача бўлган босқичда дастлабки терговни такомиллаштириш имкониятлари, жиноят процессида қидирувда бўлган айбланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда одам ДНКси экспертизасининг роли каби қатор долзарб масалалар муҳокама қилинди ва фикрлар алмашилди.



2014 йилнинг 23 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари томонидан Тошкент давлат юридик университети билан ҳамкорликда "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ҳал этилишининг қонунийлигини таъминлаш масалалари" мавзусида семинар ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ходимлари ҳамда Олий ўқув курсларининг профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари, Олий суд, Ички ишлар вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудс-

ман) ҳамда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялар давлат қўмитаси вакиллари, шунингдек Тошкент Давлат юридик университети профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Ўтказилган тадбир давомида иштирокчилар томонидан судларда фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш самарадорлигини ошириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда Омбудсманнинг роли ҳамда бугунги кунда ҳуқуқ қўллаш амалиётида мурожаатларни ҳал этишдаги айрим муаммолар ҳақида атрофлича сўз юритилди. Бундан ташқари, семинарда мурожаатларни ҳал этиш юзасидан йўл қўйилаётган суиистеъмолчиликлар, бу ҳолатларни вужудга келтираётган омилларнинг олдини олиш жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлашда давлат органлари ҳамда мансабдор шахслар жавобгарлигини оширишга доир масалалар муҳокама этилди.

Шунингдек, тадбирда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари қонуний ҳал этилишини таъминлаш мақсадида уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиш ва амалга ошириш борасидаги мавжуд механизмларни янада такомиллаштириш, шунингдек, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларни тўғрисида"ги Қонун талаблари юзасидан ўзаро фикр ва мулоҳазалар алмашилди.

2014 йилнинг 24 декабрь куни Бош прокуратурада "Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни такомиллаштириш масалалари" мавзусида конференция бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ички ишлар вазирлиги Академияси, Юристар малакасини ошириш маркази, Солиқ академияси ҳамда Олий ҳарбий божхона институтлари билан ҳамкорликда ўтказилди.

Унда Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари, Тошкент давлат юридик университети ва юртимиздаги бошқа нуфузли олий ўқув юртрларининг профессор-ўқитувчилари, тингловчи-талабалари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Конференцияда маърузалар билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори А.А.Абдувахитов, Тошкент давлат юридик университети ректори Е.С.Каньязов, Олий ҳарбий божхона институти бошлиғи С.С.Абдухалилов, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази директори А.Б.Ғафуров, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари бошлиғи Ш.Б.Мустафаев, ИИВ Академиясининг Ички иш-



лар идоралари офицерларининг малакасини ошириш факультети бошлиғи О.Т.Ахмедов, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази бўлим бошлиғи М.А.Ҳакимов иштирок этдилар.


Конференцияда мамлакатимизда юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, бу борада хорижий тажрибани чуқур ўрганиш ҳамда тизимни янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари муҳокама қилинди. Шунингдек, ҳуқуқшунослик соҳасида кадрларни касбий тайёрлашнинг миллий ва хорижий тизимлари юзасидан қиёсий таҳлил ўтказилди.

ЯНГИ КИТОБЛАР

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси, ю.ф.д., профессор Б.Х.Пўлатов ва Бош прокуратура Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўлими бошлиғи С.М.Астанов ҳаммуаллифлигида "Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини ташкил қилиш" номли илмий-амалий қўлланма тайёрланди. (Тақризчилар: ю.ф.д., - Ф.Х.Рахимов, ю.ф.н. доц. - Ш.А.Исмоилов. Тошкент - 2014 йил, 134 бет).

Мазкур илмий-амалий қўлланмада вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назорати ва унинг мақсади, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижросини текшириш юзасидан тавсиялар ўрин олган.

Қўлланмада вояга етмаганларга оид қонунбузилишлар ва уларни бартараф этишга қаратилган прокурор назорати ҳужжатларининг намуналари келтирилган.



ЯНГИ КИТОБЛАР

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари катта ўқитувчи ю.ф.д., профессор Ф.Ю.Шодманов, Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими катта прокурори Х.Ш.Алимарданов ва Юристар малакасини ошириш маркази кафедра мудир ю.ф.д., профессор М.М.Мамасиддиқов ҳаммуаллифлигида "Фуқаролик процессида прокурор иштироки" мавзусидаги ўқув-амалий қўлланма тайёрланди (Тақризчилар: ю.ф.д., проф. Б.Х.Пўлатов ва К.Р.Юлбарсовлар. Тошкент, 2014 йил, 66 бет).

Ўқув-амалий қўлланмада фуқаролик процессида прокурор иштирокига доир илмий-назарий ва амалий масалалар, фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштироки, суд ҳал қилув қарори ва ажримларнинг қонуний, асосли ҳамда адолатли бўлишида прокурорнинг тутган ўрни ва роли ҳақидаги масалалар ёритилиб, шунингдек, процессуал ҳужжатлар намуналардан иборатдир.




Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари кафедра бошлиғи в.б. А.Т.Хидоятуллаев ва катта ўқитувчи У.Р.Хусанов ҳаммуаллифлигида "Фуқароларнинг соғлиғи ва ҳаётига етказилган зарарни қоплаш тартиби" мавзусидаги илмий-амалий қўлланма тайёрланди (Тақризчилар: ю.ф.н. Г.Ж.Саттарова ва М.Ж.Қурбонвалар. Тошкент, 2014 йил, 60 бет).

Илмий-амалий қўлланмада фуқаролар соғлиғи ва ҳаётига етказилган зарарни қоплашнинг ҳуқуқий асослари, зарарни қоплашда иштирок этувчи субъектлар, моддий жавобгарлик доираси ва уни ҳисоблаш тартиби, зарарни қоплаш шарти ва тартиблари, мазкур ишларга оид процессуал ҳужжатлар намуналари, қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлашга қаратилган тавсиялардан иборат.


Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ўқитувчиси Н.А.Мираҳмедова муаллифлигида "Прокурор нутқининг ахлоқий жиҳатлари" мавзусидаги ўқув-амалий қўлланма тайёрланди (Тақризчилар: ю.ф.д., проф. Б.Х.Пўлатов ва ф.ф.д, проф. А.Қ.Қодиров, Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси бошлиғи в.б М.Р.Эгамов ва Қонунлар ижроси устидан назорат кафедраси бошлиғи в.б Х.А.Каримовлар. Тошкент, 2014 йил, 32 бет).

Ўқув-амалий қўлланмада прокурор нутқининг ахлоқий жиҳатларини ёритишга бағишланган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2013 йил 30 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ходимларининг 104-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Қасб одобномаси" асос қилиб олинган.



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари кафедра бошлиғи вазифасини бажараувчи Х.А.Каримов томонидан "Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларига оид қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш" номли илмий-амалий қўлланма нашр этилди. (Тақризчилар: ю.ф.д., профессор - Б.Х.Пўлатов, ю.ф.н. - Г.Д.Саттарова. Тошкент - 2014 йил, 65 бет.)

Мазкур илмий-амалий қўлланмада хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларига оид қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш масалалари, прокурор назорати ҳужжатлари намуналари ҳамда уни қўллашнинг ҳуқуқий асослари ўз ифодасини топган.



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари кафедра бошлиғи в.б. А.Т.Худоятуллаев муаллифлигида "Жиноят ишларини апелляция ва кассация инстанцияларида кўрилишида прокурор иштироки" мавзусидаги амалий қўлланма тайёрланди (Тақризчилар: ю.ф.д., проф. Б.Х.Пўлатов ва ю.ф.н. Ш.Ф.Файзиевлар. Тошкент, 2014йил, 48 бет).


Амалий қўлланмада жиноят ишларини апелляция ва кассация инстанцияларида кўрилишида прокурор иштирокининг таъсирчанлигини, шунингдек, суднинг асосиз ва ноқонуний қабул қилган ҳукм ва ажримларга нисбатан протест келтирш самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялардан иборат.



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари кафедра бошлиғи в.б. А.С.Одинаев муаллифлигида "Хўжалик судларида ишлар кўрилишида прокурор иштироки" номли қўлланма тайёрланди (Тақризчилар: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Хўжалик судларида ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи ўринбосари А.А.Маматалиев, ю.ф.д., доцент. З.С.Эсанова. Тошкент, 2014, 120 бет.).


Мазкур қўлланмада хўжалик судларида ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг ҳуқуқий асослари, мақсади ва вазифаси, хўжалик ишларини биринчи инстанция судида кўрилишида прокурор ваколатлари, хўжалик судининг ҳал қилув қарорлари ва ажримларини апелляция, кассация ҳамда назорат тартибида кўриб чиқишда прокурор фаолиятини амалга ошириш тартиби ёритилган.


Шунингдек, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорларини янги очилган ҳолатлар бўйича кўриб чиқишдаги прокурор фаолиятига ҳам қисқача тўхталиб, бу борада тузиладиган процессуал ҳужжатларнинг намуналари тақдим этилган. Қўлланмада унинг мазмунини очиқ бериш мақсадида амалиёт мисолларидан кенг фойдаланилган.



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари бўлим бош мутахассиси К.Абдуллаева муаллифлигида "Прокуратура органларининг ривожланиш босқичлари: миллий ва хорижий тажриба" мавзусидаги илмий-амалий қўлланма тайёрланди. (Тақризчилар: Б.Х.Пўлатов, М.А.Ахмедшаевлар). Тошкент 2014 йил, 39 бет.

Илмий-амалий қўлланмада прокуратуранинг давлат органи сифатида ташкил топиш тарихи, тарихий ривожланиши, Ўзбекистон Республикасида прокуратура органлари ривожланиш босқичлари, унинг ҳуқуқий мақоми, хорижий мамлакатларда прокуратура органларининг ривожланиш тенденцияси, хорижий мамлакатларда прокурорлар фаолиятининг ҳуқуқий асослари каби масалалар ёритилган.





Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари катта ўқитувчи ю.ф.н. М.А.Мусаев ва кафедра бошлиғи в.б. А.С.Одинаев ҳаммуаллифлигида "Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш" номли ўқув қўлланма тайёрланди. (Тақризчилар: ю.ф.д., профессор Б.Х.Пўлатов, ю.ф.д., профессор И.Исмоилов. Тошкент, 2014, 48 бет.).



Мазкур қўлланмада ҳодиса жойини кўздан кечириш тергов ҳаракатининг юридик тушунчаси ва моҳияти, кўздан кечириш тергов ҳаракатининг криминалистик жиҳатлари, ўқ-яра аломатлари мавжуд бўлган мурда топилган жойни кўздан кечиришнинг ўзига хос хусусиятлари, отилган ўқ изларини аниқлаш ва кўздан кечиришнинг умумий масалалари, портлаш жойини, ёнғин содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг ўзига хос айрим хусусиятлари, ўткир қуроллар билан етказилган шикастланишлари бўлган мурдани кўздан кечириш, ўзини ўзи ўлдириш ҳақидаги хабарларни текшириш жараёнида ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси, ю.ф.д. Ф.Х.Рахимов ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси Д.Д.Валижонов ҳаммуаллифлигида "Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари ва принциплари" номли ўқув қўлланма тайёрланди. (Тақризчилар: ю.ф.д., профессор Б.Х.Пўлатов, ю.ф.д., профессор И.Хамедов. Тошкент, 2014, 76-бет.).

Ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикасининг прокуратура органлари, унинг шаклланиши, тизими, қонунийликни таъминлашдаги ўрни, прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари, вазифалари ва асосий принциплари, хорижий мамлакатларда прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари ва вазифалари, принциплари ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 24 июлдаги "Қонунчилик ижросини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 4636-сонли Фармони асосида прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштиришга оид ўзгаришлар тўғрисида фикрлар билдирилган. Шу билан бирга, миллий қонунчилик ва хорижий тажриба асосида шаклланган амалий таклифлар ҳам ўқув қўлланмада ўз аксини топган.



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ўқитувчиси ю.ф.н. А.У.Эргашев "Транспорт воситалари эгалари фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта шартномаси бўйича зарарни қоплашда қонунийликни таъминлаш" номли қўлланма тайёрланди (Тақризчилар: Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси, ю.ф.д., профессор Ф.Ю.Шодманов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи Б.И.Норов. - Тошкент, 2014, 36-бет.).

Қўлланмада транспорт воситалари эгалари фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш орқали жисмоний ва юридик шахсларни кутилмаган зарарлардан ҳимоялаш, етказилган зарарлар ўрнини қоплаш масалалари ва улар юзасидан прокурор назоратини ташкил этиш ёритилган.

Бундан ташқари қўлланмада соҳага оид прокурор назорати ҳужжатлари намуналари ҳамда уларни қўллашнинг ҳуқуқий асослари ўз ифодасини топган.

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»да нашр этиладиган мақолага қуйидаги талаблар қўйилади:

- мақолада жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишнинг умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, мазкур соҳаларда амалга оширилган ишларнинг тизимли таҳлили ҳамда аниқ янги назарий ва амалий тақлифлар акс этиши;
- матн такрорларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;
- келтириладиган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;
- мақолага журналда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи ҳуқуқшунос олим ва мутахассиснинг, муаллиф ишлайдиган ёки тадқиқотчи ҳисобланадиган олий ўқув муассасаси кафедраси ёки институти раҳбари тақризи;
- матн ўзбек ва рус тилида, шунингдек, имкониятга қараб инглиз тилидаги таржимаси ҳам тақдим этилиши;
- матн компьютерда Wordнинг "Times New Roman"ида 14 шрифтда 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;
- мақолада илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши; иқтибослар 12 шрифтда 1,0 интервалда ёзилиши;
- мақоланинг ҳажми 8 бетдан 10 бетгача бўлиши;
- мақоланинг сўнгги саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилган бўлиши лозим.
- ўзбек, рус ва инглиз тилидаги қисқа аннотация ҳамда таянч сўзлар
- мақолаларни қуйидаги электрон манзилга юборинг: axborotnoma@vuk.uz

Требования к статьям, публикуемым в «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»:

- статья должна содержать анализ общетеоретических, общественно-политических, правовых вопросов демократизации и обновления общества, реформирования и модернизации страны с отражением положения дел в данной сфере, а также теоретические и практические предложения;
- исключение повторов в тексте, логическая последовательность, точность, краткость и ясность изложенных идей;
- достоверность и корректность приводимой в статье информации;
- к статье должны прилагаться отзыв ученого-правоведа или специалиста в этой области о возможности публикации статьи в журнале, а также отзыв кафедры высшего учебного заведения или отделения научно-исследовательского института, где автор работает или является соискателем;
- представление статьи на узбекском и русском языках, по мере возможности на английском языке;
- статья представляется вместе с ее электронной копией, подготовленной с помощью текстового редактора "Word", где текст должен быть отпечатан через 1,5 компьютерных интервала 14 шрифтом "Times New Roman" (сноски 12 шрифтом) на одной стороне стандартной белой бумаги формата А 4. Поля страницы должны составлять: левое — 3 см, правое — 1,5 см, верхняя и нижняя части — 2 см; — наличие в статье научной полемики, сносок;
- объем статьи должен быть от 8 до 10 печатных страниц;
- на последней странице статьи должны быть указаны имя, фамилия и отчество, ученая степень и ученое звание, место работы и должность, домашний и служебный адреса, телефоны автора.
- ключевые слова и краткая аннотация статьи на узбекском, русском и английском языке
- статьи нужно направлять по адресу: axborotnoma@vuk.uz



Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси



СВОЖДЛҚК департаментнинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси



Шуманай туман прокуратураси



Элликқалъа туман прокуратураси



Нукус шаҳар прокуратураси

